

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
ARHITEKTURA-QURILISH INSTITUTI**

**ME'MORCHILIK va QURILISH
MUAMMOLARI**
(ilmiy-texnik jurnal)

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА
(научно-технический журнал)

PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION
(Scientific and technical magazine)

2018, № 1

2000 yildan har 3 oyda bir marta chop etilmoqda

SAMARQAND



ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

(ilmiy-texnik jurnal)
(научно-технический журнал)
(Scientific and technical magazine)

2018, № 1
2000 yildan har 3 oyda
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Ҳайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган
(гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олиниб 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

Бош муҳаррир (editor-in-chief) - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов
Масъул котиб (responsible secretary) – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Таҳририят хайъати (Editorial council): м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; ф.м.ф.д., проф. Ж.А. Акилов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф. К.Б. Ғаниев; и.ф.д., проф. А.Н.Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмоилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; арх.ф.д., проф. О. Салимов; т.ф.н. доц. А.С. Султонов; т.ф.д., проф. Х.Ш.Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И.Холмуродов; т.ф.д., проф. Х.Ш.Шукуров И.С. (Россия, МГСУ)

Таҳририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон: (8-366) 237-18-47, 237-14-77, факс (8-366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Муассис (The founder): Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

© СамДАҚИ, 2018

МЕЪМОРЧИЛИК, ШАҲАРСОЗЛИК ВА ДИЗАЙН АРХИТЕКТУРА, ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО И ДИЗАЙН

УДК 72.03

ВОДНЫЕ СООРУЖЕНИЯ В ПРОСТРАНСТВЕ СОВРЕМЕННОГО ГОРОДА

Дробченко Н. В. (СамГАСИ), Абдиганиева Г. К. (КГУ)

Suv mavzusi zamonaviy shahar muhida maxsus suv uskunlarini yaratis homon dolzarbdir. Suv kompozitsiyalari eng kuchli kompozitsiyalaridan biri hidoblanadi. Ular shahar landshaftiga alohida chiroy va ko'rkamlik baxsh etadi, atrof-muhidni so'g'lomlashtiradi.

Theme of water in the space of the modern city and theme of creation special water devices are actual. Water compositions are one of the strongest compositional agents, which gives personality and beauty to the urban landscape. Water compositions contribute to the improvement of the environment.

Вода является одним из важнейших компонентов природного ландшафта и занимает значительное место в формировании городской среды. Водные устройства влияют на микроклимат города, снижая температуру воздуха. Отражающее воздействие воды, танцующие отблески света, мгновенно изменяющаяся поверхность воды, плеск и журчание ее струй способствуют тому, что она становится самым ярким композиционным элементом городского ландшафта. Богатый спектр эстетических и пространственных эффектов водных устройств воплощен в статической (декоративный бассейн, пруд, озеро) и в динамической (фонтан, водопад, каскад, ручей, источник) формах состояния воды, в композиции которых ландшафтные архитекторы стремятся к максимальному раскрытию своеобразия декоративной выразительности воды.

Рассмотрим статическое состояние воды на примере бассейнов, важным эстетическим достоинством которого служит способность отражать на водной поверхности насаждения, архитектуру, скульптуру и мгновенно реагировать на изменение силы ветра, красок неба и окружения, переходя от полного спокойствия к веселой игре солнечных бликов, а от нее, – к мрачности. При этом, разнообразные отражения под влиянием особого оттенка водного зеркала, приобретают более утонченные и легкие формы, бывая, зачастую, интереснее самих объектов. В прошлом зодчие умело использовали примеры статических водоемов. Помещая их в центре, они выполняли роль связующего звена, а также служили видовыми площадками, с легкостью обеспечивая визуальное восприятие серии панорам и видовых картин – «театра наоборот». Выступая в контрасте с вертикальными сооружениями, а также с пластическими формами (растительности, рельефа и т.д.) они имели вид прекрасного оазиса. Одним из таких примеров является ансамбль Ляби-

хауз (XVI-XVII вв.) с одним из самых крупных бассейнов в Бухаре, имеющий уступчатый спуск к воде и вековые деревья в его окружении (рис. 1).

Создатели великолепных садов постоянно заботились о снабжении их водой, в которых примером статического состояния воды служил декоративный бассейн, разнообразной геометрической формы.

В настоящее время форма декоративных бассейнов может быть не только правильной, но и любой изогнутой конфигурации, в зависимости от общего композиционного решения пейзажа. С ярким цветовым обрамлением из цветов, посаженных близко к воде, с декоративными цветочными клумбами, размещенными на поверхности бассейна, а также с разнообразными водными растениями, однако, имея в своем ассортименте различные декорации, бассейн не теряет своего основного значения отражающего зеркала. Эмоциональный эффект испытываемый от бассейна, пруда, озера настолько велик, что ставит их в этом отношении на совершенно особое место среди других элементов ландшафта.

Одним из примеров динамической формы состояния воды, а также одним из лучших украшений парков, скверов и других различных городских территорий являются фонтаны. В современных городах не существует предела разнообразию форм фонтанов, которые отличаются по рисунку, высоте и мощности струй (рис. 2), их архитектурному и скульптурному оформлению, от самых небольших и скромных, имитирующих пульсирующий ключ, до крупных многоструйных композиций.

Особого внимания заслуживает искусство создания разнообразных композиций водяных струй в таких фонтанах. Известно удачное решение этих композиций [3], имитирующих цветы, корзинки, гейзеры (рис. 3, 4).




Рис. 1. Медресе Надира Диван - беги (1622г.)



Рис. 2. Разнообразие форм фонтанов

Фонтаны на протяжении всего исторического периода были лучшим украшением любого уголка, будь это сад или парк, позволяя использовать в своей отделке дорогие материалы, резьбу, скульптуру. Чаще всего фонтаны были невысокими (едва ли выше 1-1,5 м), располагались посреди бассейна и имели 2-3 яруса невысоких струй [2], многообразие видов которых, с бьющей струей, представлены во многих миниатюрах XV-XVI вв. (рис.5, 6).

Сегодня, в эру высоких технологий, новые устройства датчиков и встроенного «интеллекта» открывают неограниченные возможности создания интерактивной воды в ландшафтной

архитектуре. С помощью «цифровой» воды можно создавать бесконечно разнообразные рисунки. Широкое применение в современном городе получают светомузыкальные водные системы. Множество красочных водных струй, динамично изменяющих форму и высоту в такт играющей музыке (вода начинает закручиваться в спирали, причудливо изгибаться во всех возможных направлениях, двигаясь, как живой организм), зрелище, не оставляющее равнодушным самого взыскательного зрителя. Еще одна из самых оригинальных современных водных технологий - аквакрипт - с помощью специального программного обеспечения удастся выводить на водный «экран» любые надписи и рисунки.




Рис. 3, 4. Типы фонтанных струй: а – распыляемая; б – сформированная; в – целая толстая; г – разбрызганная.

Заслуживает серьезного внимания и использование воды в качестве ограждения: устройство вместо оград арыков, каналов и рвов, наполненных водой, создание «водных стен» в виде водяной пленки каскада, за которыми

возможно создание функционирующего пространства [3]. Это пространство может использоваться, например, для кафе или ресторана за водопадом или пешеходного перехода шумной магистрали.




Рис. 5. Юсуф в чудесном саду Зулейхи. (1550-е гг.)




Рис. 6. Виды форм бассейнов и фонтанов Средней Азии (по миниатюрам)




Рис. 7. Движущаяся падающая вода может защитить пешеходное пространство от шума автомагистрали.

Создание декоративных водных устройств на различных городских территориях приобретает в настоящее время повсеместное распространение. Умение выявить среди всего многообразия те формы водных устройств, которые могут создать наибольшую художественную выразительность композиции ландшафта является одной из актуальных задач. Ведь активное включение воды в архитектурно-планировочную структуру городов и максимальное раскрытие ее декоративных свойств – является

одним из действенных средств создания высоких эстетических качеств среды мест массового отдыха, с повышением тем самым его эффективности.

Применение воды в ландшафтном и градостроительном проектировании, основано на ее физических свойствах и особенностях восприятия водных поверхностей человеком:

- статичность и динамичность;
- отражательная способность воды, изменение восприятия в зависимости от условий освещения (блики, мерцание, отражение, декоративное подсвечивание и т.п.);
- пластические возможности воды (текучесть, способность принятия заданной формы);
- «звучание» воды (журчание, капель, грохот падающей воды и т.п.);
- цветовые оттенки воды.

По значимости водного устройства в архитектурной композиции:

- с доминирующим значением элементов воды;
- с подчиненным значением водных устройств.
- уравновешенной ролью воды, других ландшафтных элементов, архитектуры.

Как уникальный компонент в палитре архитектора вода все прочнее завоевывает позиции в благоустройстве города. Ведь если ландшафтную архитектуру прошлого определяют сохранившиеся (по миниатюрам) исторические творения, то ландшафтную архитектуру будущего – сооружения, рационально использующие природные факторы, экологически благоприятные для человека.

Литература:

1. Николаевская З. А. Садово-парковый ландшафт. Москва: Стройиздат, 1989 г.
2. Пугаченкова Г. А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока. Среднеазиатские сады и парки XV века. Ташкент: Литература и искусство им. Г. Гуляма, 1987 г.
3. Вергунов А. П., Денисов М. Ф., Ожегов С. С. Ландшафтное проектирование. Москва: Высшая школа, 1991 г.

УДК 728.3

КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИДАГИ XVII-XIX АСР «НАҚИББЕК» ҲАММОМИНИНГ АРХИТЕКТУРАСИ

Уралов А. С. - меъм. ф. д., профессор; Жураева Э. Э., стажёр ўқитувчи (СамДАҚИ)

В статье исследована история формирования и строительства народной бани –«хаммам» XVII в. Накиббек в г. Каттакургане, её архитектурно-планировочное и функциональное решения, роль и значение в социальной жизни населения Каттакургана.

The article studies the history of the formation and construction of the folk bath - "hammam" of the XVII century Nakibbek in the city of Kattakurgan, its architectural and planning and functional solution, role and significance in the social life of the population of Kattakurgan.

Ўтмишда қурилиб бизгача қисман сақланиб келган, бироқ ёзма манбалар ва тарихий маълумотларга кирмаган меъморий обидаларни натурал ўрганиш ва шу йўл билан Ўзбекистон меъморчилиги тарихини янги илмий материаллар билан бойитиш замонавий архитектурашунослик фанининг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўтмишда халқ хизматида бўлиб нозик ижтимоий функцияни, яъни халқ гигиенаси ва соғлигини мустахкамлашдек муҳим вазифани бажарган ва ҳозирда ҳам фойдаланиб келинаётган ана шундай обидалардан бир гуруҳи - бу халқ ҳаммомларидир. Мазкур мақолада биз Каттакўрғон шаҳрида XVII асрда қурилган тарихий объект - "Нақиббек ҳаммоми" ҳақида фикр юритамиз.

Мазкур ҳаммом ҳақида бизга маълум адабиётларда бирон-бир маълумот келтирилмаган. Шу сабабли ушбу ҳаммомга ташриф буюриб, унда ювинган, хизмат қилган, ҳаммом тарихини билган кекса инсонлар билан суҳбат қурдик. Дастлаб ҳаммомнинг ичига кириб ва томига чиқиб расмга олдик, унинг фойдаланилиши билан кизидик. Ушбу ҳаммом ҳақида тўлароқ маълумотларга эга бўлиш учун у билан бир даврда қурилган Самарқанд шаҳри ҳаммомларида ҳам бўлиб, уларни натурал тадқиқ қилдик ва олинган маълумотларни таққослаб ўргандик.

Ўрта Осиёда ҳаммомларнинг алоҳида бино тарзида шаклланиши бу ўлкага ислом дини ва маданиятининг кириб келиши ва ёйилиши билан боғлиқдир. "Ҳаммом" атамасини ҳам арабча "хамма", яъни "иссиқ" сўзидан келиб чиққан, деб айтилади [1]. Ҳар қалай Ўрта Осиёда илк ҳаммомларнинг шаклланиши IX–X асрларга тўғри келади. Ёзма манбаларда илк ҳаммомлар бу даврда Ўрта Осиёнинг Нузвара, Данданакан, Марв, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида мавжуд бўлганлиги ҳақида ёзилган [2]. Шунинг учун ҳам бу даврни ҳаммомларнинг Ўрта Осиёдаги илк шаклланиш босқичи деб баҳолаш мумкин.

Ўрта Осиёда ҳаммомларнинг кейинги ривожланиш босқичи бу ўлкада маданият ва маърифатнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Бу давр XI ва XII асрнинг бошларига тўғри келади. Бундай дейишимизга сабаб, бу даврда ҳаммомлар қурилиши оммавий тус олади ва меъморий функциявий жиҳатдан ҳам илк ҳаммомларга кўра такомиллашади. Бу даврда

бозорлар ва жомъе масжидлари қошида қурилган жамоат ҳаммомларидан ташқари арқ-қалъалар ва зиёратгоҳлар қошида ҳам ҳаммомлар қурилган. Бунга мисол қилиб, бу даврда қурилган Тароз, Шохжувар ҳаммомларини келтиришимиз мумкин [2].

Ҳаммомларнинг ривожланишидаги кейинги тарихий босқич—бу Темурийлар давридир. Бу даврда ҳаммомлар типологик жиҳатдан такомиллашади ва бир неча турларга бўлинади. Гузар ҳаммомлари, бозорлар, мадрасалар, масжидлар ва карвон-саройлар таркибидаги ҳаммомлар, арқ ҳаммомлари шулар жумласидандир. Ҳаммомлар асосан шаҳарларда қурилади, бироқ Буюк Ипак йўлига яқин жойлашган айрим йирик қишлоқларда ҳам ҳаммомлар бўлган. Ҳаммомларни, албатта бой зодгонлар, амир ва хонлар қурдирган. Ҳаммомлардан тушган сармоялар амалдорларнинг вақф даромадларига кирган. Ҳаммомлар Ўрта Осиёда хонлиқлар даврида ҳам қурилган. Ана шундай ҳаммомлар жумласига Хива Ичан—қалъасидаги Анушахон ҳаммомини, Бухорода Абдуллахон даврида қурилган Мисгарон ва Саррафон ҳаммомларини ва шунингдек Каттакўрғон шаҳрида 1622 йилда қўрилган Нақиббек ҳаммомини ҳам киритиш мумкин.

Муҳаммад Нақиббек асли каттакўрғонлик бой савдогар ҳисобланиб, халқ орасида обрў топиш мақсадида ўз маблағи ҳисобидан бир мадраса қурдиради. Кейинчалик у онасининг васиятига кўра халққа савобли иш қилиш мақсадида ўзи қурдирган мадраса ёнига ҳаммом қурдирган. Айтишларича ўша даврда шаҳарда ишлаб тўрган бошқа ҳаммом бўлмаган. Бу ҳолатни ва мадраса фаолиятига сарфланадиган сармояни ҳисобга олиб, Нақиббек ушбу ҳаммомни мадрасага вақф сифатида қўрдирган экан. Шуниси қизиқки, Нақиббек мадраса ҳовлисидан ушбу ҳаммомга бориладиган ер ости ўтиш йўли, яъни усти равоқ шаклида ёпилган "раҳров"ни ҳам қўрдирган. Бундан чиқадики, мадраса ўқитувчилари ва устозларга ҳаммомдан текин фойдаланишга руҳсат берилган. Шаҳар аҳолиси учун эса ҳаммом пуллик бўлган. Мадрасадан ҳаммомгача бўлган масофа 60 метрлар чамасида. Ҳозир ҳам ушбу раҳров сақланган бўлиб, унинг эшиги ёпиб ташланган.

Нақиббек вафотидан сўнг ҳаммом қўлдан қўлга ўтиб узоқ вақт қаровсиз қолиб кетади. Уни сув ва қиздириш учун ўтин билан таъминлаш, том устилари ремонтни ҳамда тозалик иш-

лари ишдан чиқади, ҳаммомнинг катта гумбази ва ер устидаги ечиниш хоналари бузилади. Шундан сўнг 1856 йилда ҳаммом Бухоро хони Амир Олимхон томонидан қайта таъмирланади.

Бироқ вақт ўтиб ҳаммом яна қаровсиз қолади. Республикамизнинг истиклол йилларида ҳаммом қайта тикланди. Бунга асли Каттакўрғонлик бўлган Муҳиддин хожи Эшмоновнинг 6 йиллик саъй-ҳаракатлари туфайли эришилди. У киши бу масалани шаҳар ҳокимияти ва Самарқанд вилояти маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси билан келишилган ҳолда муваффақиятли ҳал этади: ҳаммомни қайта тиклаш лойиҳасига буюртма беради, уни инспекция томонидан тасдиқлатиб, объектни қайта тиклайди. Бунда асосан ҳаммомнинг ер усти хоналари, иситиш қозони, канализация қувурлари, ҳаммом гумбазлари, қайта қурилади, 2- каватда эса “Нуронийлар” чойхонаси ташкил этилади (1-расм).

Нақиббек ҳаммомининг хоналарини бажариладиган вазифалари, конструктив ечимлари ва ҳаммом ичида жойлашишига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин :

1. Чўмилиш хоналари. Улар бинонинг пишиқ ғиштдан қурилган асосий қисмини ташкил қилиб, қисман ер остига чўктирилган ва томлари гумбаз ва равоқлар билан ёпилган (2-расм). Биз ана шундай хоналардан 9тасини кўздан кечирдик ва тушундикки, Нақиббек ҳаммоми ўз даврида кенг халқ оммасига ҳам мўлжалланган шаҳарнинг йирик иншоотларидан бири бўлган. Чўмилиш хоналари таркиби лунги хона, катта гумбаз, массаж хоналари, ҳаммом масжиди, иссиқ хона, илиқ ва совуқ хоналардан ташкил топган;

2. Ечиниш хоналари, патта хона ва чойхона. Синч девордан ишланган ва усти ёғоч ходалар билан ёпилган ечиниш хоналари ер устида жойлашган бўлиб, ўзаро ва пастга қараб кетган зинапоялар орқали чўмилиш хоналари билан боғланган. Бу хоналарнинг костструкцияси ва ҳаммом тарҳи жойлашиши бинони қайта таъмирлаш пайтида анча ўзгарган ва замонавийлашган. Шунга таъкидлаш зарурки, ҳаммом бир бўлимли бўлиб, ҳозирда ҳам худди аввалгидай эркак ва аёлларнинг ҳаммомга тушиши учун ҳафтанинг турли кунлари белгиланган.


3. Ҳаммомнинг орқа томонида жойлашган ёрдамчи хоналар. Буларга ҳаммомни совуқ ва иссиқ сув билан таъминловчи сув қозонлари ва иситиш хонаси киради.

Хоналарнинг режавий жойлашишидаги асосий тартиб – бу хоналар ҳароратининг аста–

секинлик билан ортиб боришидир. Бу тартибнинг афзаллиги шундаки, мижоз ўз танаси ва организмига мос хонани танлаб, ўша ерда ювиниши мумкин. Гап шундаки, ислом шарқи ҳаммомларида бинонинг чўмилиш хоналари пол остидан иссиқ ҳаво ёрдамида истилади ва натижада нафақат пол юзи, балки хоналар ҳавоси ҳамда уларда ўтирадиган супалар ҳам, барчаси иссиқ бўлади. Нақиббек ҳаммомининг иситилиш тизими ҳам ана шундай.. Ҳаммомдаги пол, супалар юзи табиий тош ёки мраммрдан ишланган тоштахталар билан қопланган.



1-расм. Ҳаммомнинг ташқи замонавий кўриниши.



2-расм Ҳаммом хоналарининг ички кўринишларини ўрганиш.

Иссиқ тоштахталар туфайли хоналардаги ҳаво қизийди, қизиган пол ва супаларга тушган сув эса буғланиб иссиқ ҳавони намлантиради. Ҳаммом ичкарасига кирверсангиз чўмилиш хоналарининг иссиқлик ва намлик даражаси аста-секин ошиб боради, шунга мос равишда хоналарнинг вазифалари ҳам ўзгаради.

Ҳаммомларнинг хизмат доираси кўп бўлиб, улар ўтмишда дам олиш, куч-қудрат ва соғлиқни тиклаш маскани, тозалик ва шифобахш муассасаси сифатида фойдаланилган. Ибн Сино “ҳаммомнинг табиий иши одамни ўз ҳавоси билан қиздириши ва ўз суви билан

хўллашидадир”, деб ёзган [3]. Русча “баня” сўзи ҳам лотинча “бальнеум” сўзидан олинган бўлиб, оғрикни йўқотиш, ғамни қувиш деган маънони билдиради.

XI асрда яратилган “Қобуснома”да ҳам ҳаммомга бориш ҳақида махсус боб бўлиб, унда “... ҳаммом жонга роҳат ва мулойим нарсадир...”, –деб ёзилган, шунингдек ҳаммомдан фойдаланиш ва чўмилиш тартиби ҳақида ҳам қимматили маслаҳатлар берилган [5].

Тарихчи Мавройени Шарқ халқларининг ҳаммомда ювиниш усулини таърифлаб шундай ёзади [6]: “Кираверишда ҳаммомчилар тайёр бўлиб туришади. Ечиниш хонасида айрим кишилар ечинишса, бошқалари ҳаммомдан чиқиб дам оладилар. Ечинган кишининг белига лунги боғлайди–да, массаж қила бошлайди. Массаж тугагандан сўнг массажчи ўз мижозини чўмилиш учун устунлар билан айлантирилган ҳовузлардан бирига таклиф қилади. Ундан чиққач эчкининг терисидан ишланган қўлқоп билан баданини ишқалай бошлайди. Унга илиқ сув сепиб ювади, баданига ёғли совун суриб устидан илиқ сув қуяди, кейин илиқ сув билан чўмилтиради. Буни уч мартагача такрорлайди... Сўнг мижозини иссиқ чойшабга чиқаради ва уни ётқизиб қўяди... Ечиниш хонасида какликлар сайраши тинмайди”. Кўриниб турибдики, Шарқ ҳаммомларида ювиниш жараёни анча мураккаб бўлган.

Ҳаммомда ювиниш, ҳозирги замон табобат илми намояндаларининг фикрича [4], киши учун ҳам озодалиқ, ҳам соғлиқни мустаҳкамлашга қаратилган умумгигиеник жараён ҳисобланади. Ҳаммом кишини турли касалликлардан, жумладан, шамоллашдан сақлайди, атеросклероз, ревматизм, невралгия, бел оғриғи, юқори нафас йўллари катари, сурункали бронхит, астма, ёғ босиб семириб кетиш, қандли диабет, моддалар алмашинувининг бузилиши сингари касалликларнинг бирмунча

олдини олади. У қаттиқ чарчокни, мушак оғриғини қолдиради, танани чиниқтиради.

Тарихий ёзма манбалар, ўрта аср миниатюралари ва бизгача сақланган тарихий ҳаммомлар шуни кўрсатадики, нақшинкорлик ҳаммомларни ҳам четлаб ўтмаган. Нақшлар ва безаклар Шарқ ҳаммомларининг поллари, гумбазлари, ечиниш хоналари, изора ва деворларидан жой олган. Бу безаклар асосан Ҳандасавий нақшлар бўлиб, гириҳ ва ислимий кўринишларда бўлган [2]. Биз Нақиббек ҳаммомида нақшлар учратмадик, бироқ улар дастлаб бўлиб, кейинчалик жаҳолат даврида йўқ бўлиб ёки тушиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Нақиббек **ҳаммомининг муҳандислик ва конструктив ечимлари** шуни кўрсатадики, ҳаммомга зарур бўлган тоза сув ариқлардан оқиб келиб, тинитилгач ва филтрловчи махсус қурилмалар орқали ўтиб, ҳаммомнинг сув цистернаси, яъни сув хонасига тушган.

Хуллас, Каттакўрғон шаҳридаги Нақиббек ҳаммоми ўз даврида нафақат Каттакўрғон шаҳрида, балки Ўзбекистоннинг хонликлар давридаги бошқа тарихий шаҳарлар ҳаммомлари ичида ҳам ўз мавқеи ва қурилишидаги ўзига хос хусусиятлари билан масалан, унинг хоналари таркибида хусусий гигиеник хонаси ва масжидининг борлиги билан ҳам ҳаммом ажралиб турган.

Адабиётлар:

1. Ўролов А. Халқ ҳаммомлари. - Тошкент, 1983.
2. Уралов А. С. Бани – хаммам в зодчестве Центральной Азии. -Самарканд, 2002.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1- китоб. – Тошкент, 1983.
4. Жураев А., Лаане Э., Суя Р. Ҳаммом- соғлиқ манбаи. –Тошкент, 1987.
5. Қобуснома. –Тошкент, 1996.
6. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурге в Бухару (1826 г). -Москва, 1975.

РЕКОНСТРУКЦИЯ И ЗАСТРОЙКИ СЛОЖИВШЕГОСЯ МАХАЛИ «ДЕХКОНОБОД» НА ЮНУСАБАДСКОМ РАЙОНЕ Г.ТАШКЕНТА

Салимов А. - доктор архитектуры, профессор (ТАСИ)

Проводимые ныне на кафедре «История и теория архитектуры» института Ташкентского архитектурно-строительного института (ТАСИ) студенческих работ (на основе Указа Президента Республики № УП-5030 от 1 мая 2017 года, «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистана по архи-

тектуре и строительству». Принятый Указ направлен прежде всего на обеспечение подготовки квалифицированных кадров в области архитектуры, проектирования и строительства.

В целях привлечения молодежи в отрасль, существенное повышение уровня подготовки отраслевых кадров, обеспечение неразрывной связи науки, теории и практики, обеспечение

тесной взаимосвязи учебного процесса с практическим проектированием и строительным производством был выполнен студенческий курсовой проект магистрантов 2 курса по направлению "Градостроительство и комплексная застройка населенных мест" для жилого квартала на Юнусабадском районе города Ташкента махалли Дехканабад расположенного между Ташкентской кольцевой автодорогой, улицами Дехканабад и Юнусота.

Согласно данным на территории махалле состоящее с площадью 86 гектаров проживают всего 6504 человек, где имеются некоторые дома от 30-40 до 70 сотых площадей на одного семейству, т.к. территория в свое время относилась к колхозу «Кизил дехкон». Махалля имеет свой махаллинский центр с памятником неизвестному солдату, мечеть Хайр, санаторий "Нуронийлар", свадебный ресторан "Бахор" и плотно застроенную малоэтажную жилую застройку с участками земли.

В ходе разработки проекта было решено сохранить вышеназванные объекты вследствие их значимости для жилого района и квартала. Кроме того, существующая планировка улиц в связи с благоприятными условиями для ветров а также оптимальной ориентации по странам света была высоко оценена и заложена в основу разработки мастер плана. Таким образом, удалось сохранить идентичность квартала, его характер в градостроительном, историческом и архитектурно-композиционном отношении.

Важнейшими вопросами для разработки нового мастер плана для данного участка послужили актуальные проблемы развития города Ташкента, автомобилизация его улиц и вследствие загрязнение воздуха, приоритетность автомобильных дорог и пространств в структуре города в ущерб пешеходным тротуарам, аллеям, пространствам, а также зеленым насаждениям, полное отсутствие велосипедным дорожек и парковок, все усиливающаяся изоляция населения из-за неорганизованности общественных пространств и площадей, недостаточная затененность улиц и площадей, отсутствие микрорайонных парков и широких озелененных территорий, неудовлетворительное состояние водных поверхностей, их скрытие в землю и удаление с общественного пространства города, недостаточное озеленение внутридворовых площадок жилых групп, недостаточное количество детских площадок, рекреационно-оздоровительных пространств и территорий для населения микрорайона, слабая инфраструктура как детские сады, общеобразовательные школы, их спортивные площадки, сла-

бое культурно-бытовое обслуживание, общественный транспорт и транзит, малая плотность застройки и неэффективное использование земли.

Исходя из вышеперечисленных вопросов был разработан мастер план с учетом целей и принципов устойчивого развития. В нем расположены 7-, 9- и 12-этажные здания смешанного пользования. Так все первые и вторые этажи зданий криволинейной формы плана используются для нежилых функций такие как супермаркеты, минимаркеты, салоны красоты, столовые, различные сферы обслуживания, авиакабсы, компьютерные залы, бильярдные, помещения для игры в пинг-понг, тренажерные залы, залы спортивных единоборств, магазины хозяйственных продуктов, электроприборов, бытовой техники, ремонтные мастерские, бары, кафе, рестораны, ювелирные магазины, сувенирные магазины, магазины товаров ручной работы, магазины одежды, студии дизайна и архитектуры, полиграфии, фотостудии, киностудии, учебные центры, выставочные галереи и залы, коворкинг центры, креативные студии, центры прикладных искусств, инновационные арены, помещения для стартап проектов, малых и средних предпринимателей, научные центры, библиотеки, танцевальные кружки, помещения для занятий музыкой, частные детские сады, центры дошкольного образования, инфоцентры банков, страховые фирмы, магазины оптики и т.д.

В мастер плане предусмотрено расположение 3 государственных детских садов, 3 общеобразовательных школ, торгово-развлекательных центров вдоль Ташкентской кольцевой автодороги а также небольшого бизнес центра для активного предпринимательства, развития инновационных идей и технологий служащего подцентром для окружающих районов разгружающим центр города от чрезмерного трудового потока. Благодаря расположению торгово-развлекательных центров и бизнес центра у магистрали создается оптимальная связь близлежащих районов и населения данного района для трудоустройства и пользования этими центрами.

Дороги в махалле оснащены тротуарами для пешеходов, велосипедными дорожками вдоль каждой стороны улицы, и проездом для автомобилей пожарных, скорой помощи, милиции, МЧС и для транспортирования мебельного инвентаря и оборудования.

При проектировании мастер плана были соблюдены требования ШНК 2.07.01-03* "Градостроительство. Планирование развития за-

стройки территории городских и сельских населенных пунктов", ШНК 2.08.01-05 "Жилые здания", ШНК 2.08.02-09* "Общественные здания и сооружения".



Панорама существующего положения территории



Вид на жилой район



Махаллинский центр

Данный проект направлен на устойчивое развитие махалли Дехканабад, на эффективное пользование землей и ее ресурсами, увеличение компактности города, усовершенствование мобильности населения данного района, энергоэффективности и экологичности, создание среды для людей а не автомобилей, для их социального взаимодействия, общения, отдыха и развлечения, создание среды учитывающей потребности всех слоев населения включая женщин, детей, пожилых людей и маломо-

бильных групп. Следовательно, мастер план служит для будущего процветания и благосостояния жителей города, а именно жителей махалли Дехканабад.



Мастер план



Вид со стороны Ташкентской кольцевой автодороги и квартала Юносабад-16

Также необходимо отметить, что студентами ТАСИ была разработана примерная программа с проектными предложениями по реконструкции исторических городов Узбекистана, например, на тему по г.Ташкенту: **«Комплексный проект предложения по осуществлению градостроительной охраны памятников архитектуры, реконструкции, модернизации и нового строительства малоэтажной плотной застройки исторически сложившегося массива старого Ташкента»**. Предварительное исследование показало, что работы по реконструкции исторически сложившихся зон осуществлялись без глубинного изучения района, не были выявлены градостроительные и архитектурные памятники народного зодчества. В результате этого исчезает древняя топография города, памятники народ-

ного зодчества (особенно жилища), планировочная структура махалли с ее центрами, гузарами особенностями даха. На месте этих исторических кварталов ныне возникли типовые однообразные много и среднеэтажные жилые дома. Даже реализованные научно-практические разработки, например Ц-26 и Ц-27 сохраняя в себе элементы традиционного расселения, не способствовали сохранению исторической среды старой застройки. Проводимые ныне на кафедре «ИТА» института ТАСИ выпускные работы, наряду с обучением студентов навыков проектирования имеет практическую цель – максимально приблизить тематику к возможности последующей реализации. Например, аналогичная работа выполненная в феврале 2012 года ставило целью исследование и практические рекомендации по реконструкции и модернизации застройки исторического жилого квартала Калаихона-2 (массив Кизилтут). В феврале 2013 г. группой студентов осуществлено исследование исторического квартала «Гульбазар», расположенного в границах улиц Навои, Заркайнара, западной и северной части базара Чорсу (Эски Джува). Выполненный на основе этого исследования комплексный проект – предлагал градостроительную охрану старосложившегося массива, с реконструкцией и модернизацией существующих строений.

Цель работы на данный период: разработка научно - обоснованных проектных решений по реконструкции, модернизации существующего жилого фонда и нового общественно-бытового строительства на территории исторического массива под условным названием «Кумлок».

Была разработана задачи по исследованию и проектированию:

- проведение работ по комплексной оценке жилого фонда конкретного участка реконструируемой территории (со сбором материалов по планировочному строению каждого домовладения); выявление топографической основы на определенных этапах развития квартала; изучение специфических особенностей современной градостроительной ситуации;

- проведение архитектурно – художественную и функциональную переоценку исторического наследия массива «Кумлок». Разработать предложения по восстановлению памятников архитектуры (медресе и мечеть Маткаримбая) и других ценных объектов (квартальные мечети, жилые дома);

- разработка предложений; а - по реконструкции и модернизации жилого фонда старых

кварталов, подлежащие сохранению; б – восстановление общественных центров исторических кварталов (в том числе гузара Кумлок по ул. Чувалачи);

- разработка проектных предложений по сохранению памятников архитектуры с учетом их традиционных композиционных связей и присущей им исторической среды. Выделение охраняемых зон памятников и зон регулируемой застройки. Организация туристических маршрутов (в частности по старой ул. Карасарай).

- Разработка проектных предложений по пространственно – планировочной организации массива «Кумлок»; в том числе восстановление структурных элементов старой махалли – центров, с включением в них новые компоненты – детские и школьные учреждения, объекты культурно-бытового обслуживания, торговли, мастерские народных умельцев, малые гостиницы для туристов, зеленые зоны общественного назначения.

- Разработка предложений (на конкретных примерах) по реконструкции и модернизации старых жилых домовладений. Введением в необходимых местах новой плотной малоэтажной застройки (например, на вновь организуемом перекрестке улиц Карасарай и Проектная). При этом учитывать их связи со старыми строениями в пространственном и стилистическом отношении.

- Совместно с другими кафедрами ТАСИ была намечена решать вопрос современной транспортной структуры жилого массива «Кумлок», канализации, газоснабжения, обвода дождевых вод, а также проблему сейсмического усиления конструкций реконструируемых и вновь возводимых зданий.

Аналогичные работы, были выполнены и в прошлые годы, которые ставило целью исследование и практические рекомендации по реконструкции и модернизации застройки исторического жилого квартала Калаихона-2 (массив Кизилтут) в Ташкенте. Студенты осуществляли исследовании исторического квартала «Гульбазар», расположенного в границах улиц Навои, Заркайнара, западной и северной части базара Чорсу (Эски Джува) в Ташкенте. Выполненные на основе этого исследования комплексный проект – предлагал градостроительную охрану старосложившегося массива, с реконструкцией и модернизацией существующих строений.

Было осуществлено разработка научно - обоснованных проектных решений по реконструкции, модернизации существующего жилого фонда и нового общественно-бытового строи-

тельства на территории исторического массива под условным названием «Кумлок» (район старого Ташкента, предлагаемый для последующего сохранения).

В ходе работы над проектом «Кумлок» было проделано:

- проведение работ по комплексной оценке жилого фонда конкретного участка реконструируемой территории (со сбором материалов по планировочному строению каждого домовладения); выявление топографической основы на определенных этапах развития квартала; изучение специфических особенностей современной градостроительной ситуации;

- проведение архитектурно – художественную и функциональную переоценку исторического наследия массива «Кумлок». Разработаны предложения по восстановлению памятников архитектуры (медресе и мечеть Маткаримбая) и других ценных объектов (квартальные мечети, жилые дома);

- разработаны предложения; **а** - по реконструкции и модернизации жилого фонда старых кварталов, подлежащие сохранению; **б** – восстановление общественных центров исторических кварталов (в том числе гузара Кумлок по ул. Чувалачи);

- разработаны проектные предложения по сохранению памятников архитектуры с учетом их традиционных композиционных связей и присущей им исторической среды. Выделены охранные зоны памятников и зон регулируемой застройки. Организация туристических маршрутов (в частности по старой ул. Карасарай).

- разработаны проектные предложения по пространственно – планировочной организации массива «Кумлок»; в том числе восстановление структурных элементов старой махалли – центров, с включением в них новые компоненты – детские и школьные учреждения, объекты культурно-бытового обслуживания, торговли, мастерские народных умельцев, малые гостиницы для туристов, зеленые зоны общественного назначения.

- разработаны предложения (на конкретных примерах) по реконструкции и модернизации старых жилых домовладений. Введением в необходимых местах новой плотной малоэтажной застройки (например, на вновь организуемом перекрестке улиц Карасарай и Проектная). При этом учитывать их связи со старыми строениями в пространственном и стилистическом отношении.

Необходимо отметить, что Ташкентский Архитектурно-строительный институт (ТАСИ) и Самаркандский Государственный архитек-

турно-строительный институт (СамГАСИ) заключили Соглашение о деловом и творческом сотрудничестве между кафедрой «Теории и истории архитектуры» ТАСИ и кафедрой ЮНЕСКО «Сохранение и управление историческими центрами», «Архитектурного проектирования» СамГАСИ на 2014-2020-ые годы.

В котором перед студентами и учеными была поставлена задача разработки программы градостроительного развития и обустройства градостроительной исторической части г.г.Ташкента и Самарканда на период до 2020 года, где в ней давались рекомендации по бережному сохранению традиций и особенностей национального зодчества, историко-архитектурных памятников) наряду с обучением студентов навыкам проектирования имеет практическую цель – максимально приблизить тематику к возможности последующей реализации.

Кроме того на Основе распоряжения Первого Президента Республики (№ Р-3806 от 12 марта 2012) года, перед проектировщиками и учеными была поставлена задача разработки программы градостроительного развития и обустройства исторической части Ташкента на период до 2020 года. В ней давались рекомендации по бережному сохранению традиций и особенностей национального зодчества, историко-архитектурных памятников. С учетом данного распоряжения, руководство кафедры «ИТА» разработала программу для выпускной работы студентов Архитектурного факультета (кафедра ИТА), где помимо обучения, будут выполняться задача по реконструкции и сохранению исторических массивов г.Ташкента. Это идет в одном русле с рекомендациями Национальной комиссии по делам ЮНЕСКО РУз - о реальном повышении качества архитектурного образования, о внутренней интеграции сотрудничества между ТАСИ и СамГАСИ, об интеграции образования и науки с практической сферой, об интеллектуальной поддержке сфер производства, об оказании практического содействия администрациям исторических центров Узбекистана.

Конкретные совместные организационно-практические задачи состоит в следующем:

1. Создание совместные проектные предложения по актуальным темам исторических центров Узбекистана, согласованных с проектными организациями «УзШахарсозликЛИТИ», «УзЛИТИБошплан», а также с Главным Научно-производственным Управлением (ГлавНПУ) объектов истории и культуры (в рамках

совместных дипломных проектов других творческих материалов).

2. Создание совместную творческую группу по оказанию системного практического консультативного содействия администрации исторических городов Узбекистана, Главному управлению по Архитектуре и градостроительству этих городов – в вопросах повышения качества архитектурно-градостроительных решений (в том числе и по совместным разработкам проектных предложений).

3. Создание совместные творческие бригады по разработке хоздоговорных проектов (в различных формах практического участия) через действующие хозрасчетные проектные мастерские и фирмы.

4. Осуществление демонстрацию совместных выполненных проектов и проектных предложений – перед Госкомархитектстроём РУз, с Минкультуры РУз, Национальной комиссии по делам ЮНЕСКО РУз с целью их возможной

передачи на рассмотрение представителей Правительства РУз, ЮНЕСКО.

5. Сформирование нового состава кафедры ЮНЕСКО СамГАСИ, с учетом членства в ней – ведущих преподавателей кафедры «Истории и теории архитектуры» ТАСИ.

В связи с этим, подготовительным периодом считать период с момента подписания Соглашения и в течение 1 месяца. В этот период осуществить разработку планов мероприятий и их согласование с МинВУЗом РУз, Национальной комиссией по делам ЮНЕСКО РУз, Госкомархитектстроём РУз, с Минкультуры РУз,

Координатором сотрудничества от ТАСИ является кафедра «Истории и теории архитектуры» под руководством проф. А.М.Салимов.

Координатором сотрудничества от СамГАСИ является Исполнительный координатор кафедры ЮНЕСКО «Сохранение и управление историческими центрами» доцент Ш.Д.Ачилов

УДК: 711 (725.945)

ТАРИХИЙ ХУДУДЛАРНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Маматмусаев Т.Ш., арх.ф.н. (ТАҚИ)

Статья посвящена проблемам реконструкции исторических мест, изучению вопросов усовершенствования процесса современной интерпретации исторических мест.

This article is devoted to reconstruct historical places, the development issues of modern interpretation process of historical places are studied.

Мамлакатимиз заминидаги кўплаб шаҳарлар узоқ тарихга эга. Ушбу шаҳарларнинг аксариятида хозирги кунда ҳам ҳаёт давом этмоқда ва янгидан-янги замонавий бинолар қурилмоқда. Бу жараён айниқса мустақиллик йилларида янада кенг авж олди. Бундай ҳудудларда турли тарихий ва бадий қийматларга эга қадимги бино ва иншоотлар ҳам мавжуд. Замонавий шароитда уларнинг баъзилари сақланади, етарли қийматга эга бўлмаганлари эса бузилиб, ўрнига янги иморатлар тушади. Тарихий жойларнинг меъморий қиёфаси ўзгариши жараёнида тарихий кўча ва майдонларни янгилаш зарурати пайдо бўлади. Чунки улар замонавий талаблар параметрларига мос келмай қолади [1, 6-б.].

Шаҳарнинг меъморий-бадий мухитини қайта қуриш комплекс тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда шаҳарнинг қадимий марказини тарихий мерос сифатида қараш лозим бўлади ва уни мумкин қадар ўз ҳолича сақлаган маъқулдир. Қайта қуриш лойиҳаларида муҳандислик тармоқларини ҳам

эътиборга олиш асосий вазифалардан биридир. Замонавий реконструкцияда архитектуравий меросни сақлаш, уларнинг муҳофаза зоналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир [2, 11-б.].

Кўпчилик тарихий шаҳар марказларида тўғиз қурилмалар мавжуд бўлиб, асосий эътибор, уларнинг экологик ҳолати муаммосини ечишга қаратилиши лозим. Бунда ҳудудни қулай зоналаштириш талаб этилади. Ҳудудни зоналаштиришда урта асосий схема мавжуд. Улар функционал, қурилиш ва ландшафт схемаларидир.

Ушбу схемалар шаҳарнинг аниқ бир қисмини рационал ривожлантириш имкониятини беради.

Қайта қуриладиган ҳудудлар кўринишида тарихий шаҳар марказлари қурилмаларининг ўзига хосликлари сақланиши лозим. Тарихий шаҳар марказини қайта қуришда, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилинадиган асосий бино сифатида қараш лозим. Шунда тарихий ҳудудларда иш-

лаб чиқариш объектлари ўрнида ободонлаштириш, дам олиш зонаси ва транспорт қурилишини кенгайтириш имконияти пайдо бўлади. Бу албатта, ушбу ҳудуднинг экологик муҳитини яхшилади ва туризм имкониятларини оширади.

Қайта қуриш ва шаҳарнинг тарихий ҳудудларини ободонлаштириш ишлари қуйидагиларни ўз ичига олган тизимли вазифа сифатида ечилиши керак [2, 12-б.]:

- архитектура-қурилиш лойиҳаларини самарали ва тизимли амалга ошириш учун, уларни ишлаб чиқариш, инвестициявий, молиявий, солиқ сиёсати билан узвий уйғунлаштириш лозим. Шунингдек, узоқ даврга мўлжалланган шаҳар хўжалиги ва инфраструктурасининг самарадор йўналишларини ривожлантириш;

- ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш, баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш;

- шаҳар бошқарув органлари ва бозор инфраструктураси субъектлари (тижорат банклари, биржалар, суғурта ташкилотлари ва бошқалар)нинг ўзаро уйғунликда фаолият юритишини таъминлаш;

- янги турар жойлар қурилишига қурилиши бошланган, лекин ҳали яқунланмаган турар жойларни сотиш, ерни ижарага бериш, хусусий инвестициялар ва бошқаларни киритиш орқали маблағларни жалб этиш мумкин;

- инвестициявий тизимни, ипотека кредитларини яратиш ва ривожлантириш.

Шаҳар – бу доим ўзгаришда ва ривожланишда бўлган мураккаб организмдир. Ҳозирги шароитда шаҳарларнинг ривожланиши давлат маблағларига эмас, балки хусусий инвестицияларга таяниши лозим. Худди шу тадбир асосида Тошкент шаҳар марказида Tashkent City қурилмоқда. Бу ерда биноларни қуришга хорижий ва маҳаллий инвесторлар жалб этилмоқда.

Шаҳарлар ҳар хил режавий структурага эг бўлиши мумкин:

1. Эркин режада.
2. Тўғрибурчакли режада.
3. Радиал режада.
4. Нурсимон режада.
5. Аралаш режада.

Пайдо бўлиш даврига қараб тарихий ҳудудларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин [2, 22-б.]:

1. XV-XIX асрларда шаклланган ҳудудлар. Улар кўпчилик тарихий шаҳарларнинг марказида жойлашган. Бу ҳудудлар қоидага кўра, майдон жиҳатидан унча катта бўлмаган қисмни эгаллайди. Даҳалар эркин режада юқори ин-

тенсивликда қурилган бўлиб, йирик яшил фазоларнинг йўқлиги билан характерланади.

2. XIX ва XX асрнинг бошида шаклланган ҳудудлар. Улар олдинги даврларга нисбатан йирик турар жой мавзеларига эга бўлиб, асосан тартибли режада шаклланган. Шунингдек бу вақтга келиб, шаҳарларда рекреация зоналари, яъни шаҳар боғлари, хиёбонлар, бульварлар, парklar пайдо бўлган.

3. 1930-1941 йилларда шаҳарлар атрофида пайдо бўлган турар уйлар.

4. 1946-1960 йилларда вужудга келган намунали (типовой) турар уйлар.

5. 1970 йиллардан 5-9 қаватли турар уйларнинг кенг серияли тарзда қурилишининг бошланиши.

Реконструкция қилинадиган ҳудудларнинг муҳим классификация белгилари уларнинг шаҳар ҳудудида жойлашган жойи ҳисобланади. Қоидага кўра, ҳудудларнинг асосий учтасини ажратиш мумкин: марказий, шаҳар чети ва шаҳарнинг ўрта қисмида жойлашган. Бу ерда шунингдек, ҳудудларнинг транспорт магистраллари ва кўчаларига яқин жойлашганлигини ҳам эътиборга олиш керак бўлади.

Ҳудудларнинг энг кўп тармоқланган классификацияси, уларнинг фазовий-режавий тузилиши ҳисобланади. Жумладан, ҳудудлар қаватларига қараб (кам қаватли, ўрта қаватли, кўп қаватли); зичлигига қараб (экстенсив, юқори зичликда); капитал қурилганлигига қараб (авария ҳолатида, эскирган, яроқли ва бошқалар); режавий ташкиллаштирилиши ва ободонлаштириш даражасига боғлиқлиги билан характерланади.

Ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан баҳолаш мезонига, шунингдек “қундузги” ва доимий аҳоли сонининг бир-бирига нисбати ҳам киради. Демак, шаҳарларнинг марказий ҳудудлари, ушбу жойларда жуда кўплаб иш билан боғлиқ объектлар жойлашганлиги сабабли, “қундузги” аҳоли доимий аҳолидан кўпроқ бўлади. Шаҳар чеккаларида тескари ҳолатни кузатишимиз мумкин. Бу ҳудудлар “ётоқхона” қисмлар деб аталади [2, 23-б.].

Ҳар қандай ҳудудни реконструкция қилишнинг стратегик мақсади экологик жиҳатдан хавфсизликни ва ҳаёт сифатини, маданий меросни сақлашни, шунингдек барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади. Шаҳарларни қайта қуришда аҳолининг узоқ муддатга мўлжалланган қизиқишларидан келиб чиқиш лозим бўлади.

Тарихий шаҳар кўчалари ёнидаги қурилмаларнинг паст-баланд бўлиб қолиши ҳам яхши

эмас. Қайта қуришда бир концепция қўлланилиши керак. Буни юқори турувчи ташкилот, масалан хокимият даражасида назоратга олиш яхши самара беради. Умуман олганда, кўчалар тармоғи шаҳарнинг энг барқарор ривожланиш компонентларидан бири ҳисобланади. Кўчалар тармоғининг кўпчилик қисми қайта қуриш жараёнида ўзининг қадимий йўналишини сақлаб қолган. Фақатгина улар доимий равишда кенгайтирилган ва четги қисмлари текисланиб турилган. Фарбий Европада эса шаҳарлардаги қурилмаларнинг шаклланиш жараёни умуман бошқача бўлган. Фарбий Европа шаҳарларидаги тарихий қурилмалар (асосан марказий қисмдагилари) ҳозирги вақтда ҳам ўзларининг XV-XVII асрларда ва ундан ҳам олдинроқ қурилган тарихий биноларидан иборатдир. [2, 26-30 бетлар].

Қайта қуришда дастлаб бўш турган ҳудудлар тўлдирилади, кейин эса имкони борича мавжуд тарихий биноларни камроқ бузган ҳолда реконструкция ишлари олиб борилиши керак.

Ҳудудларни қуйидаги жиҳатларга қараб қайта қуриш мумкин:

- қурилган даврига қараб;
- тарихий-маданий қийматига қараб;
- шаҳарда жойлашган ўрнига қараб;
- фазовий-режавий параметрларига қараб;
- функционал аҳамиятига қараб;
- ижтимоий-демографик белгиларига қараб.

Шаҳар муҳитининг барқарор ҳолати доимо унинг функционал жиҳатдан тартиблилигига боғлиқлиги энг муҳим омиллардандир. Лекин, замонавий шаҳарларда секин-асталик билан турар жойлар жамоат бинолари ва ҳаттоки саноат ишлаб чиқариш ҳудудларига ҳам суқулиб қираб бормоқда.

Биринчи реконструкция тадбирлари “соғломлаштириш (санация)” деб номланиб, XX асрнинг 20-30 – йилларида Европа мамлакатларида (биринчи навбатда, Германия ва Шве-

цияда) ўтказилган. Ушбу тадбирларда ҳудуднинг гигиеник ва яшаш шароитини янада яхшилашга ҳаракат қилинган. Бунга асосан қурилмаларни сийраклаштириш орқали эришиш мумкин деб ҳисобланган. Шу тариқа, зич қурилмаларнинг баъзи қисмлари бузилган ва инсоляция, аэрация, шаҳар кварталларини шамоллатиш муаммолари ҳал этилган [2, 51-б.].

Йирик турар жой ҳудудларини комплекс қайта ташкиллаштириш (қийматга эга бўлмаган хўжалик биноларини бузиш ҳисобига) орқали бўш ички ҳудудлар ҳосил қилинади ва бу ерларда спорт ва дам олиш зоналарини яратиш мумкин бўлади. Шунингдек, муҳандислик объектлари, омборлар, ахлат йиғувчи пунктлар, автотураргоҳларни шакллантириш имкониятлари пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий ҳудудлар қайта қуриш лойиҳасининг тўғри ечими учун меъморий ёдгорликларга ёки мажмуаларга, айниқса шаҳар марказида жойлашганларига устувор аҳамият бериш талаб этилади. Чунки улар композицион жиҳатдан бутун шаҳарни “ушлаб турган” бўлиши мумкин. Бугунги кунда ҳали тўла очиб улгурилмаган меъморий ва шаҳарсозлик меросининг барча қирраларини кашф этиш ва уларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган илмий-услубий чора-тадбирлар, тавсиялар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Тарихий шаҳарларнинг замонавий интерпретацияси жараёнида қайта қуришнинг энг мақбул ва самарали йўлини танлаш долзарб вазифалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2017.
2. Реконструкция и обновление сложившейся застройки города. Учебное пособие для ВУЗов. / Под общей ред. П.Г.Грабового и В.А.Харитоновой. – М.: “АСВ” и “Реалпроект”, 2006.

УДК 712.03.26

ҚИШЛОҚ АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ-ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИ

Балгаева Ш.А. –катта ўқитувчи (СамДАҚИ)

В статье проанализированы архитектурно-планировочные решения территорий сельских агроиндустриальных комплексов и сельскохозяйственных предприятий .

In a paper are analysed architectonic - planning of the decision of territories of rural agroindustrial complexes and the agricultural enterprises

Ишлаб чиқариш ва қишлоқ агросаноат корхоналарининг ҳудудларини кўкаламзорлаш-

тиришда корхона жамоасининг самарали меҳнат қилиши ва танаффус пайтлари очик

ҳавода дам олишлари учун яхши шароитлар яратиш ҳамда атрофдаги ҳудудларга шовқин-сурон ва ҳавога зарарли моддаларни чиқаришдан сақлаш чораларини кўриш зарур. Корхона ҳудудини кўкалам-зорлаштириш ишлаб чиқариш цехлари ва майдонларини ташкиллаштириш, уларни функционал зоналаштириш ва ишлаб чиқариш технологиясининг талаблари, ҳар бир зонанинг архитектуравий ва санитария-гигиеник талаблари асосида амалга оширилиши зарур. Масалан, корхонанинг маъмурий, ишлаб чиқариш, ёрдамчи маиший зоналари ўз хусусиятига эгаки, ҳудуд ландшафтини шакллантиришда уларни эътиборга олиш зарур. Корхона ҳудудини унинг ҳар бир зонаси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш корхона ишчиларининг кайфиятини, меҳнат самарадорлигини ошириш, соғлигини мустаҳкамлашдан ташқари корхона ҳудудининг меъморий-манзаравий ва ландшафт ечимини, унинг ландшафт дизайнини яратишнинг самарали шакллари излаб топиш имконини беради.

Бунда, айниқса, корхонанинг маъмурий ва маиший умумкорхонавий, ҳамда ишлаб чиқариш цехлари зоналарининг ҳудудларини кўкаламзорлаш-тириш катта бадий маҳорат талаб қилади. Бу қисмларда гуруҳлаб экилган дарахт ва буталар, партер гулзорлар ва майсалар, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун воишлар, соя-салқин ўтиргичлар, боғ-парк мебеллари, пергола ва треляжлар, фаввора ва декоратив ҳовузчалар ташкил қилиш ва ёрқин рангли мевали дарахтлар ҳам бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Бироқ, дарахт ва буталарнинг аксарияти манзаравий бўлишлиги, уларнинг экилиши композицияси мунтазам геометрик тартибда бўлганлиги маъқулдир (1-расм).

Ишлаб чиқариш корхонаси, ферма ёки фабриканинг ички транспорт йўллари бўйлаб ҳамда механизм-омборхона зонаси майдонларининг четлари ва ишчилар кўп ҳаракатланувчи асосий хиёбонлар бўйлаб кенг шох-шаббали баланд дов-дарахтлар экилиши мақсадга мувофиқ [2]. Ишлаб чиқариш цехларининг жануб ва ғарб тарафларга қараган фасадлари бўйлаб ҳам куюқ куёш нуридан ҳимояланиш мақсадида кенг шох-шаббали дарахтлар экилгани маъқулдир. Иссиқ технологияли ишлаб чиқариш цехлари атрофларида ҳам тўқ соя берувчи, танаси баланд дов-дарахтлар экилгани яхши. Бундай цехлар атрофида танаффусларда дам олишни ташкил қилиш мақсадида сув пурковчи ва тизгинли сув

қурилмаларини ўрнатиш катта самара бериши муқаррар.

ҚИШЛОҚ АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК ҚОРХОНЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ – ЛАНДШАФТ ЕЧИМЛАРИ



Ишлаб чиқариш зоналари ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, уларнинг ландшафт ечимлари қишлоқ аҳоли пунктлари ландшафтидан паст даражада бўлишига йўл қўймаслик зарур. Чунки, яхши кўкаламзорлаштирилган озода ва кўркам меҳнат шароитини яратиш, ҳаётда тартиб ва орасталикни таъминлаши зарур. Ишлаб чиқариш комплексларининг кўкаламлари комплекс умумий ҳудудининг 40 % идан кам бўлмаслиги керак. Барча йўллар, ариқлар бўйлари, иморатлар атрофи ва зоналар ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб кўкаламзорлаштирилади. [1].

Барча биноларнинг жануб тарафларини дарахтлар ёрдамида куёш нуридан ҳимоялаш зарур. Кучли шамоллар эсадиган тарафлардан эса шамолга қарши ихота дарахтлари экилиши керак. Экилишга танланган дарахтлар ичига фитонцидли ва ташқи ҳавонинг санитария-гигиеник хусусиятини оширувчи хушбўй навлар ҳам киритилиши керак.

Ишлаб чиқариш зонасининг барча объектларида ишчилар ва уларга хизмат қилувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши зарур. Масалан, кўкаламзорлаштирилган спорт ўйинлари майдонлари, маданий-оммавий тадбирлар майдони, тинч дам олиш, очиқ ҳавода сояда овқатланиш жойи ва ҳоказо. Бундай жойларда солитер композициялар, гулловчи буталар, мевали навлар, гулзорларни шакллантириш зарур. Спорт майдонлари, душ, ювиниш қурилмалари атрофларини яшил тўсиқлар билан чегаралаш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. ШНҚ 2.07.04-12 “Архитектурно-планировочная организация территорий сельских сходов граждан и сельскохозяйственных предприятий”. – Ташкент, 2012.

2. Мусатов В.В. Основы архитектурно-планировочной организации агроиндустриальных комплексов. Учебное пособие.–М.: МарХИ, 1985.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ИСМИДА ЛАНДШАФТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Касимов О. С. - катта илмий ходим-изланувчи (МРДИ)

Салимов О. М. - илмий маслахатчи: архитектура доктори, профессор

В статье рассматривается современное градостроительное положение архитектурных памятников Узбекистана, где одним из важнейших положений методики работы при проектировании приспособления зданий-памятников является детальное изучение истории формирования памятника, ансамбля, исторического района, города в целом.

This article discusses how the design of the building and the structures should be designed as a whole with their natural climatic conditions and decorative plants of the local flora, to preserve national color.

Меъморий мухит кўкаламзорлаштириш, табиий иқлим шароитлари ҳамда, маҳаллий флоранинг декоратив ўсимликлари билан узвий боғлиқликда амалга оширилиши учун меъморчиликнинг миллий колорити бинолар ёки иншоотлар худудининг кўкаламзорлаштирилишида намоён бўлиши керак.

Ўзбекистон шароитида тут дарахти, чинор, қорағоч, терак, кўктерақ ва шу кабилар характерлидир (мос-хос) масалан, қайин дарахтини олсак, Россия худудларидаги иншоотлар, бинолар атрофида табиий ҳамда, уйғунлашган ҳолда кўринади. Ўрта Осиё республикаларида эса у доим ҳам қутилган самарани беравермайди сабаби, атроф мухит дизайни услуби бино ҳамда иморатларнинг услубига, улуғворлиги ва серхашамлилигига тўлиқ жавоб бериши керак.

Меъморий иншоотлар атрофида одатда хиёбон ва парклар бунёд этилади, марказий қисмида эса одатий услубда кўкаламзорлаштирилади, йўллар ва гулзорларни ўраб турувчи буталган тўсиқлар, шар кўринишидаги шаклга келтирилган дарахтлар, газонлар фонидagi ёрқин гуллар атрофга ўзгача тароват беради. Қолган жойлар хотиржамлик ва шинамлик яратувчи баланд танали шар шаклидаги дарахтлар билан кўкаламзорлаштирилиши лозим.

Кўкаламзорлаштириш бўйича алоҳида ҳолатлар, ҳар қандай меъморий иншоотни ободонлаштиришда инobatга олинadиган меъёрий ҳужжатларда келтирилади. Дарахтлар, буталарнинг биринчи қатори ва меъморий иншоот пойдевори орасидаги масофани ҳисобга олиш зарур, чунки, ўсимликлар илдизлари бино пойдеворини емиради, йўлак ва йўллар қопламани кўчириб юборади (оқ акация, қора терак ва шу кабилар). Бухорода Лабиҳовуз майдони бунга

мисол бўла олади, унинг атрофида оқ акация, япон софораси, яшил шумтол ўсган, уларнинг илдизлари бино пойдеворини емиради, йўлак ва йўллар қоплам юзасини кўчириб юбориш хавфи бор. Шунинг учун у ерларга тут, теракнинг тўранги кўктерақ тури, оқтол (эгилган тури)ни экиш тавсия этилади.

Умуман Ўзбекистон шароитида хиёбон атрофларида маҳаллий навларни, шунингдек қизиқ экзотик, иқлимлаштирилган ўсимликларни экиш мумкин: тўранги, кўктерақ, баланд танали тут, ингичка баргли жийда, иқлимлаштирилган (келтирилган) япон софораси, айлант, ипаксимон акация, дала заранги, буталар: чатишма гибискус, эгилган форзиция, қора бузина, чатишма чайно пернецианск, флорибунда ва полиант атиргули ва бошқалар.

Кўпинча, тарихий шаҳар марказларини реконструкцияси ва муҳим тарихий-меъморий ёдгорлик ва мажмуаларни қайта тиклашда эътиборга олинмайдиган ташқи ободонлаштиришнинг элементларидан бири яъни йўлнинг юза қопламаларига эътибор қаратилмайди.

Собиқ совет иттифоқи шаҳарларида кенг тарқалган йўл қоплама хом ашёси, асфальт бўлиб, асфальт тош ва битум аралашмасидан тайёрланади. Одатда асфальт машина йўллари учун мўлжалланган. Асфальт энг кенг тарқалган хом ашёдир, фақат баъзи ҳолларда тош тўшалади. Асфальт қопламалар XIV-XIX аср меъморчилиги ёдгорликларининг қиёфасини қайта тиклашга ёрдам бермаслигини исботлашга ҳеч қандай зарурат йўқ, ундan қадимийроқ ёдгорликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Асфальтнинг бундай кенг қўлланилишига асосий сабаб, тарихий-меъморий мажмуа атрофларини қайта тиклашда ободонлаштириш

элементларига етарлича аҳамият бермасликдир, иккинчи сабаб табиий, тупроқ юза ва оддий тош тўшаммага ўхшайдиган махсус арзон хом ашёнинг етишмаслиги бунга мисолдир.

Табиий тош тўшаманинг қўлланилиши, албатта, самарали ва мустаҳкам, аммо бу катта юзаларни қоплашда таъмир ишларининг нархини оширади. Тош тўшаманинг қўлланилиши доим ҳам меъморийик ёдгорликларни қайта тиклашда ёки шаҳарнинг эски қисмини қайта ободонлаштиришда ишнинг юқори техник ва бадиий сифатини кафолатламайди, шунинг учун уни қўллаш, шунингдек тўшама тури, кўринишини танлаш асосли равишда бўлиши керак.

Ландшафт дизайнида табиий тошни тўшаш самаралироқ ва мустаҳкамроқ, чунки у тарихий топографияни, яъни атроф мухитни табиий кучлар таъсиридан бузилишини яхши сақлаш билан бирга, узоқ муддатга хизмат қилади. Охирги йилларда қадимий ёдгорликларга эга тарихий шаҳарларга сайёҳлар интенсив равишда келиб кетяпти, шунинг учун ободонлаштириш элементларининг жорий қилиниши меъморий ёдгорликлар ва қадимги ландшафтнинг сақланиши учун катта аҳамиятга эга.

Хар қандай меъморий мажмуалар худудини ободонлаштириш характери уларнинг функционал, композицион ва стилистик хусусиятларига мувофиқ мос келиши керак. Кўчалар кўкаламзорлаштиришнинг анъанавий усуллари кўп ҳолларда тарихий иншоотлар экспозициясини инobatга олган ҳолда бир ҳолдан иккинчи ҳолга ўзгартирилиши керак.

Катта шаҳарларда шаҳарсозлик лойиҳалаштириш масалалари алоҳида долзарб тус олади, айниқса тарихий шаҳар марказлари худудида хавфсиз ва қулай пиёдалар ҳаракати ва кўриқхона зоналарида транспорт ҳаракатини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Меъморий ёдгорликларнинг кўкаламзорлаштириш билан ижобий бирикувининг яққол мисоли тарихий ёдгорликлардир, булар - Чор Бакр ва Нақшбандий мажмуалари атрофидаги шаҳар ташқариси зоналаридаги мақбаралардир. Ёдгорликлар ва шаҳар ташқарисидаги саройларни, масалан, Самарқанддаги Ишратхонани кўкаламзорлаштиришда уларнинг улуғворлиги ва серҳашамлигини намоён қилиш лозим. Бу меъморий иншоотлар атрофида одатда хиёбон ва парклар ташкил қилиш керак. Қолган жойлар хотиржамлик ва шинамлик яратувчи баланд танали шар шаклидаги дарахтлар билан кўкаламзорлаштирилади. Хар қандай ҳолатда ҳам кўкаламзорлаштириш меъморий иншоотлар билан қатъий уйғунликда бўлиши шарт.

Меъморий иншоотларни жойнинг инженер-геологик шароитларини ҳисобга олиб, ободонлаштиришда инobatга олиниши зарур бўлган алоҳида ҳолат ва махсус услубий тавсиялар ишлаб чиқилиши керак. Бундан ташқари дарахтлар, буталарнинг биринчи қатори ва меъморий ёдгорликлар пойдевори орасидаги масофани ҳисобга олиш зарур.

Бухоро шаҳридаги Тоқи Саррафон ва Тоқи Телпак Фурушон орасидаги хиёбонни ободонлаштиришда маҳаллий навларни, шунингдек қизиқ экзотик, иқлимлаштирилган ўсимликларни экиш лозим, чунки, кўкаламзорлаштириш услуби ёдгорлик меъморий услубига тўлиқ жавоб бериши керак. Ёдгорликлар атрофини кўкаламзорлаштириш масалаларини ҳал қилганда уларнинг ёши, даври ва услубий хусусиятларини инobatга олиш зарур бўлади.

Кейинги йилларда меъморчилик ёдгорликларига сайёҳларнинг келиб-кетиши қизғин тус олмоқда, шунинг учун ободонлаштириш элементларининг жорий қилиниши ёдгорликлар ва қадим ландшафтнинг сақланиши учун катта аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан қадимий шаҳарларни мисол қилиш мумкин. Одатда қадимий шаҳарларга келган сайёҳлар бу тупроқ кўрғонларни ташқаридан томоша қилиш билан чекланмай, уларнинг юқорисига чиқадилар, аммо қадимий шаҳарнинг қалъа девори устида юриш уларнинг секин-аста вайрон бўлишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий ёритиш ускуналарининг стандарт шаклларини ёдгорликни томоша қилиш реал шароитларини инobatга олмай жорий қилиниши кенг тарқалган, бу эса хатолик ҳисобланади. Шаҳар майдон ва кўчаларда шунингдек ноёб меъморлик ёдгорлиги яқин атрофида элементлар нотўғри жойлаштирилади. Ёритиш ускуна кўча устунлари кўпинча меъморий мажмуаларни хар тарафдан кўриниши учун зарур бўлган очик фазони тўсиб қўяди. Тарихан юзага келган шаҳарларнинг режавий ечими ҳамда қурилиш лойиҳаларини тузишда электр тизимларини ерости ва траншеяли ўтказишнинг замонавий усуллари кенг қўллаш керак. Ёритиш ускуналарини ўрнатиш эса ёдгорликларни кузатиш яъни идрок қилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак. Қадимий шаҳарларнинг тарихий юзага келган жойларини қайта тиклаш ва янгилашда муҳим муаммолардан бири тарихий-меъморий ёдгорликлар ва мажмуалар худудлари орлиғидаги мавжуд кўриш майдончаларини кузатиш нуқталари масофаларини тозалаш ва ободонлаштиришдир.

Тарихан шакллланган шаҳарларнинг замонавий ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, муҳим меъморий ёдгорликлар билан ялпи системасиз қурилмаларнинг ёнма-ёнлиги уларнинг кўпи учун характерлидир. Бу эса шаҳарни томоша қилишни қийинлаштиради ва унинг эстетик сифатини туширади; бунда кўпинча ландшафт санъатининг элементар асослари, ёдгорликларнинг композицион хусусият ва характери инобатга олинмайди. Маълумки, экин экишнинг энг кенг тарқалган тури чизикли системадир, бу кўп ҳолларда тарихий мажмуани, кузатиш нуқталарини беркитувчи, қадим меъморий ёдгорликлар хусусиятларига мос келмайдиган яхлит тўсиқдир.

Ҳозирги пайтда муҳим тарих ва санъат ёдгорликларига эга тарихий шаҳарларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш шаҳарлар бош планлари, ёдгорликлар таъмир лойиҳасидан бошлаб экин турларини танлашгача бўлган лойиҳавий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг барча босқичларида инобатга олиниши керак бўлган алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлиши керак.

Тарихий шаҳарларнинг марказларини қайта лойиҳалашда консервация зонаси чегараларига фақат меъморий ёдгорликлар киритилмай, шаҳарнинг ташқи атрофлари худуди, у билан узвий яхлитликни ҳосил қилувчи унинг табиий ён атрофи ҳам киритилиши керак, бу зона худудида ландшафтни тиклаш ва сақлаб қолиш тадбирлари амалга оширилиши керак. Ташқи транспорт магистралларини кўкаламзорлаштиришда қадимий шаҳарлар умумий кўринишининг туристлар учун муҳим бўлган визуал кўриниш жойлари сақланиши керак; магистраллар қаторининг ялпи экинзорларнинг мавжуд амалиёти қайта кўриб чиқилиши керак. Шаҳар тарихий ўзаги худудида боғлар, парклар, хиёбонларнинг шаклланишида эски режавий ечим (планировка) элементлари ҳисобга олиниши ва бунда меъморий ёдгорликни идрок қилиш шароитлари таъминланиши зарур.

Кўчаларни ободонлаштиришнинг анъанавий усуллари қатор ҳолларда тарихий иншоотлар экспозициясини инобатга олган ҳолда ўзгартирилиши зарур, чунки тарихий-меъморий мажмуалар худудини кўкаламзорлаштириш характери, уларнинг функционал, композицион ва стилистик хусусиятларига мувофиқ келиши лозим. Ташқи ободонлаштириш элементларининг жойлашиши, шакли, хом ашёси ва фактураси меъморий ёдгорликларнинг ёши, композицион қурилиши, стили ва идрок этиш шароитларини инобатга олиб белгиланиши керак; кўп ҳолларда бу элементлар нейтрал, сезилмас

характерга эга бўлиши керак.

Маълумки, табиий ландшафт шароитлари аҳолини жойлаштириш учун жой танлашда ва шаҳарсозлик тузилиши юзага келишининг ҳамма босқичларида муҳим белгилувчи роль ўйнаган. Шаҳарнинг режавий чизмалари асосий шаҳарсозлик тугунларининг ўрни, бош магистралларнинг йўналиши, кўчалар тизими-биринчи навбатда табиий шароитларга боғлиқ бўлган (рельеф характери, уларнинг ўлчамлари ва шакллари мавжудлиги).

Қадимда рельеф характерини вертикаллар ва етакчи иншоотлар баланд кўтарилган жойларга, юза майдоннинг синиш нуқталарига жойлаштирилган ҳолда уларнинг аҳамиятини кучайтириш учун фойдаланганлар. Мажмуа ва иншоотларни атрофдан, қулай позициялардан, масалан, сув ҳавзалари томонга (дарё, кўл) шаҳарлар, майдонлар, қалъалар бош кўриниши манзарасини қаратган ҳолда кўриниш имкониятини (Самарқанд, Бухоронинг дарё билан бирга кўринувчи панорамаси, Самарқандда Афросиёб томондан, Бухорода Варахша томондан шаҳар ташқариси фасадлари) ҳам инобатга олганлар.

Тарихий шаҳар атрофларини ўровчи ландшафт, шаҳар фазовий муҳитининг ривожланиши ёки шаҳар манзараси ва силуэти учун фон бўлган ҳолда шаҳарсозлик системаси контекстга мос тушади. Масалан, Самарқанд мажмуасини қор босган тоғлар бағридан чиқариб ташлаш мумкин эмас.

Табиат ўз элементлари билан ғайритабиий иншоотлар билан биргалликда шаҳар ландшафти деб номланувчи ажралмас яхлитликни яратган ҳолда шаҳар ичига киради. Шаҳар манзарасига тепаликларнинг ям-яшил қияликлари ва сув ҳавзаларининг қирғоқлари, баланд ўсувчи ўсимликлар майдонлари фаол киради. Шаҳар кўринишларини акваториялар бойитади. Шаҳарсозлик муҳитига табиатнинг бошқа элементлари (Самарқанд, Бухоро, Шахрисабзда боғлар ва қалъа саройлари) кириши жоиз. Табиат элементларининг шаҳар қиёфаси ифодавийлигига самарали таъсир кўрсатиши билан, ландшафт ўзининг такрорланмаслиги туфайли шаҳар бадиий ўзига хослигига эришишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Унинг бу роли шаҳар манзилгоҳлари образли хусусиятларининг йўқолиши ёки камбағаллашуви хавфи туғилганда меъморчиликнинг стандартлаш ва типиклаштириш даврида айниқса муҳим.

Шаҳарсозлик системаларининг тарихий шаклланиши шаҳарнинг табиий ва тарихий муҳити ўртасидаги, табиий элементлар ва меъморий иншоотлар параметрлари ўртасидаги

маълум миқдорий ва нисбий муносабатларида юзага келган. Ўз ўлчамлари ва масштаби бўйича-фасадларнинг баландлиги, массаси, кўлами, вертикал ва горизонтал бўлинишлари бўйича-меъморий иншоот ландшафт элементлари билан (сув ҳавзаси бўйлари) мувозанатда бўлиши, табиий элементларга бўйсиниши ва ниҳоят уларни кўринишдан эзиб қўйиши мумкин. Аниқ шаҳар учун ландшафт элементлари ва меъморчиликнинг типик, анъанавий муносабатлари бошқа омиллар билан биргаликда шаҳарсозлик мажмуасини унинг фазоси, шаҳарсозлик нисбатини ҳис қилиш позициясидан бизнинг идрокимизни шакллантиради. Меъморий иншоотларнинг ўлчамларини тартибга солиш билан табиий элементлар билан у ёки бу муносабатларга ва турли натижаларга эришиш мумкин: мавжуд нисбатни сақлаб қолиб, уни у ёки бу томонга ўзгартиради. Шубҳасиз, тарихий шаҳарни қайта тиклаш шароитларида берилган шаҳар мажмуаси айнан унинг тикланишида мўлжалланган таассуротни олиш мақсадида анъанавий муносабатларни тутиб туриш зарур. Аммо ҳамма ҳолларда ҳам меъморларга, мавжуд етакчи шаҳар мажмуаларининг режавий ечимлари ҳамда энг аввало тарихий марказлар, савдо-маъмурий майдонлар билан, шунингдек, Регистон майдони мажмуаларидаги тарихий ёбгорликларнинг ҳажмий кўринишлари билан ҳамда бошқа “қўзғалмас” иншоотлар билан ҳисоблашишга тўғри келган.

Республикадаги иқтисодий ҳолатлари бўйича барча тарихий шаҳарлар ҳам янги бош план бўйича фаол қурилиш олиб бора олмайбдилар. Шунинг учун тарихий шаҳар марказла-

ри турли даражада ўзгаришларга дуч келмоқда, баъзи ҳолларда уларнинг мунтазам ҳолати сақланиб қолган, бошқа ҳолларда қисман қайта қуришлар, учинчи ҳолда эса - янги яхлит шаҳар мажмуалари яратилган.

Шундай қилиб, тарихий шаҳарларнинг замонавий режавий ечимларида турли даврлар ландшафт элементларини кўриб чиқиши лозим, чунки тарихий шаҳарларнинг марказларини қайта тиклашдан аввал шаҳарнинг ёдгорлик бинолар асосида шаклланганлигини икки йўналиш асосида олиб борилади: архив материалларини ўрганиш, ҳамда амалда тадқиқот ишлари олиб бориш зарур.

Адабиётлар:

1. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. – Ташкент: Издательство литературы и искусства им. Г. Гуляма, 1976.
2. Ожегов С. С., Ўролов А. С., Раҳимов К. Ж.. Ландшафт архитектураси ва дизайни – Самарканд, 2003
3. Крижановская Н. Я. Основы ландшафтного дизайна. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2005.
4. Салимов А. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. Монография. Изд. “Фан”. Т., 2009.
5. Ўролов А.С., Содикова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий боғ-парк санъати. Монография. – Тошкент: “Санъат” журналы нашриёти, 2012. – 127 б.
5. Садыкова С. Садово-парковое искусство Бабуридов. Монография. – Ташкент: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2015.-244 с.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒ ВА ТОҒ ОЛДИ ХУДУДЛАРИДА ДАМ ОЛИШ ВА ДАВОЛАНИШ МАСКАНЛАРИНИ АРХИТЕКТУРАВИЙ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ТУРИЗМГА ТАЪСИРИ



Абдурахмонов Б.Т. ассистент; Рахмонов А.Т, ассистент (СамДАҚИ)

В статье рассматриваются вопросы проектирования зон отдыха и лечебно-профилактических зданий, расположенных в горных и предгорных районах Узбекистана.

The article covers the topic of designing the development of areas of zones away from "curative" profilactic buildings located in the mountainous and foothill region of Uzbekistan.

Приздендимиз Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантириш бўлимида Республикамининг тоғли ҳудудларида дам олиш масканларини қуриш ва мавжудларини қайта тиклаш масалалари бўйича тўхталиб 2017-2018-йиллар мобайнида бажарилиши керак бўлган барча лойиҳалар хусусида тўхталиб ўтган [1].

Мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб Республикаимиз Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларида ижтимоий-манавий, сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий тараққиёт йўли оқилона тўғри белгиланди. Республикаимизда шу жумладан вилоятларда шаҳар туманларда ижтимоий ҳаётида кўзга кўринарли, эътиборга лойиқ катта ишлар амалга оширилди.



Мамлакатимизнинг доривор ўсимликлари ва шифобахш табиати.

Қишлоқда яшовчи аҳолига ёрдамчи деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, уларни хўжалик юритиш учун ер участкалари ва турар-жой қурилиши учун қулай шароитлар яратилди. Яна бир долзарб масалалардан бўлган биз учун энг катта бойлик инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кўтариш масалалари бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ қилинган. Мустақиллик йилларида тиббий соҳа объектларини қайта қуриш ва янгидан барпо этиш ишлари бўйича республикада жуда кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, уларнинг моддий техник базаси қайтатдан шакллантирилди. Янги тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Вилоятларнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган тиббий муассасалари тизими яратилди [2].

Тоғ ва тоғ олди ҳудудлари қадим қадимдан инсонларнинг саломатлигини тиклашлари учун дам олиб хордиқ чиқарадиган маскан сифатида қаралган. Бугунги кунда замонавий шаҳарларда Санаториялар дам олиш масканларига бўлган талаблар йилдан йилга ортиб бормоқда ва дам олиш масканлари тизими алоҳида ўрин тутади. Дам олиш масканлари аҳолисининг фаол ҳаётини саломатлигини тиклашда муҳим аҳамият касб этади ва кишиларнинг ишчанлик самардорлигини оширади.

Ҳозирги кунда замонавий Санатория масканларини лойиҳалаш ва бунинг натежасида туризм соҳасини ҳам ривожлантириш мумкин бўлади. Ҳозирги ривожланаётган бир пайтда санаториялар ва дам олиш марказларини лойиҳалаш ва қурилиш кўплиги натежасида ишчи ўрни яратилиши мумкин бўлади ва аҳолини даромадини оширишга имконият яратилади натежада мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида ривожланишига олиб келади [3].

Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш мақсадида: туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда, туризм объектларига ташрифларни

уюштиришда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, ривожлантиришимиз лозим [3].

Республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини — меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва

муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йилбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш [3].

Саёҳатчиларнинг ривожлантиришдаги бундай ҳаракатлардан шу бўладики Ўзбекистон учун янги меҳмонхоналарни бунёд этишда мамлакатимиз иқлим шароитини ва улар одатларини ўрганиб уларнинг типалогик архитектуравий ечимларини илмий асослаган қоида бўйича янги лойҳавий ғояларини ишлаб чиқиши ва уни ҳаётга тадбиқ этиш ҳозирги кун талаблардан саналади. Булардан унгу муҳими “Буюк ипак йўлида меҳмонхона гуруҳлари яратди” Республикаимиз вилоятимизда 2012 – йил Туризмни ривожлантириш давлат дастурига асосан Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида меҳмонхона умумий овқатланиш шаҳобчаси дам олиш масканлари қурилиши режалаштирилганлигини ва бу биноларга эҳтиёж борлигини инобатга олган ҳолда келажакда бундай туристик дам олиш меҳмонхоналари даволаниш масканлари инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш ва соғлигини тиклашлари учун муҳимдир [4].

Адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев,,2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
2. И.А.Каримов асарлари ва журналлар
3. Архитектуравий лойиҳалаш асослари. Ўқув қўлланма. ТАКИ, 2010.
4. Ziyonet.uz

УЗБЕКСКОЕ ТРАДИЦИОННОЕ НАРОДНОЕ ЖИЛИЩЕ, КАК САМОБЫТНОЕ АРХИТЕКТУРНОЕ ЯВЛЕНИЕ

Шарифов Ф.А., магистрант (СамГАСИ)

Maqolada anʼanaviy oʻzbek arxitekturasining shakllanishi va uning turar joy arxitekturasiga qoʻshilishi mulohaza qilingan. Maqola umum taʼlim va amaliy tomondan qiziqarli – zamonaviy turar joy binolarini loyihalashda anʼanaviylik tamoyillarini qoʻllash ahamiyati haqida tushuncha beradi.

In the article one of the most interesting moments of origin is examined and mutual penetration of traditional architecture in architecture of dwelling. The article interesting as from cognitive, so practical side serves to understanding of value of maintenance of traditional architecture of the folk dwelling.

Основное содержание всякого городского поселения составляет его жилищная застройка. Если история жилища VII – VIII вв. в какой-то мере изучена, то гораздо меньше сведений о ней в X–XII вв. Далее нет никаких данных, вплоть до конца XVIII в. В течении этих «немых» столетий, структура жилища менялась – из плотного конгломерата секций она превратилось в застройку по периметру замкнутого

двора. Если жилище Варахши X в. еще в какой-то мере повторяет систему слитных кварталов Пенджикента, то на Афрасиабе, уже во второй половине VIII в., наметилась дворовая застройка [1,2]. Во всяком случае очевидно, что на всех этапах, начиная с раннего средневековья, жилище сохраняло замкнутый характер. Дома XIX – XX вв. связывались с улицей лишь воротами. Пожалуй, раннесредневековые жилища, с

обращенными на улицу портиками, выглядели все же более открытыми и привлекательными.

Будучи простейшей ячейкой городского организма, жилище по-своему влияло на планировку города (рис. 1.). Городские участки подлежали последовательному разделу; в результате образовались группы смежных дворов, заселенных родственниками. Семейные гнезда сообщались с улицей тупиком, который отделялся от улиц воротами и на ночь запирался.




Рис. 1. Объемно-пространственная и функционально-планировочная организованная среда узбекского жилища, и хаотичная застройка города.

До настоящего времени не сохранились жилые дома XIII–XV вв., составлявшие основную застройку сельской и городской среды. Но письменные источники свидетельствуют: «Население Герата от низов до знати, каждый в соответствии со своими средствами, прилагало усилия к возведению построек. Столпы государства были увлечены постройками домов и дворцов, вилл, садов и возведением арок и портиков для удовольствий и развлечений» [3]. Некоторое суждение о них позволяют составить лишь миниатюры, где при всей условности масштабных соотношений, когда пропорции построек не соответствуют реальному соотношению элементов рисунка, передается общая композиция домов и приемы архитектурной разработки их фасадов [3]. Жилища были в основном двухэтажными; стены гладкие, нередко с фактурной разработкой кирпичных кладок, иногда оживленных изразцовыми «бантиками»; в венчании стен и обрамлении проемов использовались ярко-синие мозаики, о применении которых в богатых жилых домах Герата свидетельствует также историк Шере-

феддин Али Йезди [3]. Входные двери обычно были отделаны резьбой; в обеих этажах имеются окна с узорными решетками (панжара); во втором ярусе нередко арочные лоджии или навесной балкон. Плоская, увенчанная по краю зубчатым парапетом (кунгара); крыша, использовалась в качестве верхней террасы; в центре возвышается куполок или небольшой шатер, видимо, перекрытие гостиной (мехманханы), вокруг которой сгруппировались в два этажа жилые покои. Богатый жилой дом обращен на вымощенную площадку с бассейном посередине своим открытым сводчатым айваном, в прямоугольное обрамление которого вписана стрельчатая арка. Нередки такие портики – айваны, легкие балочные кровли которых покоятся на стенах и на стройных тонкоствольных колоннах, основанных на фигурных базах и увенчанных сталактитовыми капителями или фигурными подбалками.

Усадебный характер расселения узбеков, использование традиционных строительных материалов, способ перекрытий, устройство крытых и открытых дворов, общая функциональная взаимосвязь помещений внутри «хаули» (усадыбы) – все это уходит своими корнями в далекое прошлое. Даже простое сличение снятых планов в различных районах региона с планами дехканских средневековых усадеб XIII–XV вв., говорит об их сходстве. Формирование этих типов жилища в общих чертах относится к периоду развития феодальных отношений в средневековой Средней Азии. Это не означает, что в последующие века (XVI - XIX) не происходило развитие и усовершенствование строительной техники и планировки жилья. И все же, сам феодальный уклад жизни, социально-экономическая отсталость края, догмы мусульманской религии, влиявшие на общественный и семейный уклад и мировоззрение, способствовали консервации многих элементов средневекового народного зодчества. Поэтому сельское и городское жилище конца XIX – начала XX вв. имели как отрицательные качества (антисанитария), устаревшие элементы (замкнутость, отсутствие окон, архаичный способ отношения и т.д.), так и рациональные, положительные черты, связанные с многовековыми культурными традициями. Они нашли выражение в архитектурно-планировочных и технических средствах, учитывающих особенности резко континентального климата, в искусном использовании местных строительных материалов, в элементах художественного декора, а также в некоторой положительной взаимосвязи с окружающей средой.

Объективные закономерности архитектуры, позволившие создать более сложные пространственные структуры, чем при рабовладельческой формации, при меньших затратах материала, подготовили при феодальном строе такую искусственную среду, на основе которой смогла проявиться более сложная социальная сущность архитектуры.

Характерное, особенно для эпохи феодализма, противоречие между классовыми интересами верхушки общества и народными идеалами можно понять лишь рассматривая архитектуру как среду, необходимую для создания условий хозяйственной деятельности и менее подверженную воздействиям внешней природы, а также среду, в которую при феодализме входила как единое целое ремесленно-производственная зона. Бросающиеся в глаза, впечатляющие и выразительные качества уникальных сооружений архитектуры эпохи расцвета феодализма, не должны затмить роль «массовой архитектуры» (жилище дехкан и ремесленников, мельницы, мосты, водохранилища и т.д.) в период перехода от феодализма к капиталистическому обществу. Дело в том, что

народная, «массовая» архитектура, хотя и не обладала внешней эффективностью, но для исторического прогресса была еще более значительна тем, что обеспечила переход от ремесленных мастерских к мануфактурным фабрикам, хлопкоочистительным заводам, суконным дворам и т.д., которые подготовили в недрах феодального общества материальную базу для утверждения в последующих общественно-исторических формациях и послужило основой появления промышленности, привело в последующем к промышленной революции.

Литература:

1. Нильсен В.А. Монументальная архитектура Бухарского оазиса XI–XII вв. К вопросу о возникновении средневековой архитектуры в Средней Азии. Ташкент, 1956 г., 157 с.
2. Шишкина Г.В. Городской квартал VIII – XI вв. Афрасиаба. В кн. Афрасиаб. Вып. II. Ташкент: ФАН, 1973. С 117-156.
3. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV в. Ведущие тенденции и черты. Ташкент, Литература и искусство, 1975 г., с. 85-86.
4. Аскарлов Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. Ташкент 2014.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТУРАСИ ВА МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИГИМИЗ АНЪАНАЛАРИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

Хайтов О.Б., ўқитувчи (СамДАҚИ)

В Самаркандской области, как и в других областях Республики, проводится ряд созидательных работ. В последние годы Самаркандский регион стал одним из наиболее интенсивно развивающихся территорий Республике. В том числе, идёт интенсивное развитие сервисного обслуживания области. Увеличивается число торговых комплексов и пунктов обслуживания в районах и городах области. Это создает развитие инфраструктуры и обеспечивает комфорт для населения.

In Samarkand region as in other regions of Uzbekistan going on great creative works. Samarkand region now experiencing a very high level of development. Such other fields' service field is too developing. Towns and rural places enriching with shopping malls and other facilities of service. New infrastructure giving more opportunities and better conditions for people. The first president of Uzbekistan I.A. Karimov in 03 august of 2009 signed degree "About developing of housing construction in rural places.

Республикамизнинг барча вилоятларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Самарқанд кейинги йилларда мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган вилоятларидан бирига айланди. Шунингдек, вилоятда сервис соҳаси изчил ривожланмоқда. Вилоятнинг шаҳар, туман ва қишлоқларида савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари сони тора ортмоқда. Бу аҳолига қулайликлар яратиб, жойлардаги инфратузилма ривожига катта хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари, биринчи Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримов томонидан 2009 йил 3 августда қабул

қилинган «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар салмоғини янада оширишда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда [2].

Мустақил Ўзбекистон Республикаси архитектураси бугунги кунда ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Бу эса ўз навбатида меъморчилик мутахассислари олдида бўлиб ўтаётган ўзгаришларни таҳлил қила бориб, уларнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш масаласини кўяди.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлабқ биринчи Президентимиз И.А.Кари-

мов мамлакатимиз пойтахти Тошкент ва бошқа нуфусли ҳамда тарихий шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шаҳарсозлик ва меъморчиликнинг ривожига катта эътибор қаратди. Биринчи Президентимизнинг нигоҳи тушган ана шундай шаҳарлардан бири – Самарқанд шаҳрида биз сўз юритаётган соҳадаги ишлар бир неча йўналишларда олиб борилди.

Улардан *биринчиси* шаҳар кўчалари, майдонлари, унинг энг нуфузли таркибий қисмларини Мустақиллигимиз ривожини, истиклол мафкурасини, аҳолининг маиший турмуш тарзини ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тартибга тушириш бўлди.

Иккинчи йўналиши бу шаҳар ҳудуди бўйлаб янги ижтимоий тараққиёт тамойилларига асосланган маиший-маданий турмуш, таълим-тарбия, илм-фан ва иқтисодий, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва жойлаштириш бўлди.

Учинчи йўналиши, бу Самарқанд шаҳрининг тарихийлиги ва умумжаҳон мавқеини эътиборга олиб, шаҳарнинг тарихий қисмини, ундаги меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш, замонавий ижтимоий ва туризм мақсадларига мослаштириш ва шу йўл билан уларни келажак авлодлар учун асраб қолиш соҳасидаги ишлар бўлди.

*Тўртинчи йўналиши*даги ишлар эса аҳолининг дам олиши, шаҳар иқлими, экологияси ва ландшафтнинг яхшилашга, яъни ташки очик муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш, янги боғ ва парклар, хиёбонларни ташкил қилишга ва шакллантиришга қаратилди.

Бешинчи йўналиши эса шаҳар коммунал ҳаётини яхшилаш, муҳандислик ободонлаштириш ва жиҳозлаш, бу ишларни амалда жонлантиришга қаратилди. Маълумки, бу йўналишларнинг барчаси меъморчилик ва шаҳарсозлик ҳамда шаҳар қурилиши ишлари билан бевосита боғлиқдир.

Айнан шу мақсадда Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрини ривожлантиришнинг 2025-йилгача мўлжалланган шаҳарсозлик бош режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва босқичма-босқич фойдаланишга киришилди. Унда юқорида кўрсатилган барча йўналишлардаги ишлар ўз аксини топган.

Энди Самарқанд бунёдкорлиги тўртинчи йўналишининг бир қисми ҳисобланган *ландшафт архитектураси ва дизайни* бўйича олиб борилган ва олиб борилаётган ишлар, яъниташки очик муҳитларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги боғ ва парклар,

хиёбонларни ташкил қилиш ва шакллантириш борасидаги ишлар хусусида тўхталсак.

Боғ-роғ санъатида қотиб қолган, ўзини номини оқламаган “Маданият ва истироҳат боғлари” ўрнига кўркем ландшафтли қадимий ва ўрта асрлар Мовароуннаҳр анъаналарини ўз ичига олган саҳли кўкаламзорлаштириш, фавворалар яратиш, баланд дарахтлар қаторида бўта ва игна баргли дарахтлардан фойдаланиб композициялар тузиш сингари янги усуллар юзага келди. Шаҳарсозлик ва архитектура борасидаги мана шундай ўзгаришлар қаторида унутилиб кетаётган шакл ва анъаналар қайта тикланаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, сув иштирокидаги боғлар (аквопарк), фаввораларнинг иссиқ иқлим шароитимизда кенг қўлланилиши, меъморчиликда тоқу равоқ, пештоқ, устун, гумбаз, миллий безак турларининг ишлатилиши бунга мисол бўлади. Қайта туғилган анъаналар қаторида кўча ва кўприклар архитектурасини тузиш, шакллантириш усулининг қайта тикланганигаётганлиги айниқса шаҳарсозлик ва меъморчиликда катта ютуқ бўлди, десак хато бўлмайди.

Мустақиллик йилларида ландшафт архитектураси соҳасида Самарқандда ҳам эътиборга лойиқ ишлар қилинди. Шулардан бири, шаҳардаги эски марказий истироҳат ва маданият боғининг қайтадан қурилиши бўлди. Боғ ҳудуди унга ёт элементлар ва объектлардан тозаланди, боғда очик ва ёпиқ яшил ҳудудлар, сайр хиёбонлари шакллантирилди, боғ марказидаги майдонга Алишер Навоий ҳайкали тикланди, янги гулзорлар, дарахтзорлар, хиёбонлар, рақс ва концерт майдонлари, амфитеатр ва сув ҳавзалари, болалар учун аттракционлар, янги дарвозалар қурилиб боғ обод, шинам ва кўркем шаклга киритилди. Иккинчиси шаҳарнинг Суғдиёна турар-жой массивидаги илгари ташландиқ ҳолда ётган қаровсиз боғ ҳам мустақиллик йиллари даврида янгитдан қайта қурилиб, буткул замонавий тус олди. Боғ ҳудуди бир неча функционал зоналарга (акватория, пляж, болар учун аттракционлар, спорт зонаси, зоопарк, марказий сайргоҳ, кузатиш минораси (Эйфелга ўхшатма), япон боғи, ўзбек боғи, чорбоғлар ва хиёбонларга) бўлинади. Боғда гулзорлар, майсазор, ёпиқ ва очик яшил майдонлар ташкил қилинди.

Самарқанд марказида ташкил қилинган тарихий бульвар (Абрамов бульвари) ҳам қайта тикланиб, унга янгича функция ва янгича “Университет хиёбони” номи берилди. Мустақиллик йилларида унинг кўкаламзорлари қайта қурилиб, синган, қийшайган, қуриб қолган дарахтлар ва буталар олиб ташланиб,

уларнинг ўрнига янгилари ўтказилди. Хиёбон чегараси замонавий панжаралар билан безатилди, янги фавворалар ва ўриндиклар қурилиб ишга туширилди, тушамалар ётказилди. Шунингдек, бузиб ташланган Самарқанд спирт заводининг ўрнида, Регистон меъморий ансамблининг олди, ён ва орқа томонларида, яъни эски “Шоирлар хиёбони” худудида, Вилоят ҳокимлиги маъмурияти майдонида, эски “Табассум” қаҳвахонаси худудида, опера ва балет театри олдида, янги қурилган “Афросиёб” меҳмонхонаси ҳамда “Призидент отел” меҳмонхонаси атрофидаги худудларда гулзорлар, фавворалар, янги сайргоҳлар, кўкаламзорлар бунёд этилди, уларга замонавий тус берилди. Республикада “Хотира ва қадрият кўни”нинг тантанали нишонланиши муносабати билан Самарқандда ҳам ана шундай махсус майдон ва хиёбон бунёд этилиб, унга Она сиймоси монументи ўрнатилди, унинг олдидаги майдон гулзорлар, текис майсазорлар ва айвонлар билан бойитилди. Ушбу худудга яқин жойда жойлашган эски Болалар техник ва интеллектуал маркази (собиқ Пионерлар саройи) нинг ёнида шаҳар аҳолисининг ёзда чўмилиши учун гидропарк ва сув ўйинларига хос аттракционлар ташкил этилди.

Кўчалар бўйлаб савдо дўконлари, офислар, маиший хизмат ва бошқа объектлар жойлаштирилган. Тураржой биноларининг 1- қавати савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва офисларга ажратилган бўлиб, бу аҳолига анча қулайликлар яратади. Аммо, иккинчи томондан йўл бўйида бу объектларининг жойлашиши автомобилларнинг йўл четларида тўпланиб қолиши, кўчаларда тирбандликни юзага келтиради. Бизнингча, бу муаммони бартараф этиш учун кўчанинг маълум қисмида “чўнтак” туридаги майдонларни ва ер ости автомобил тўхташ иншоотларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бу майдонларда автомобиллар тўхташ жойи, автобус бекатларини жойлаштириш мумкин. Бундан ташқари бу худудларда аҳолининг дам олиши учун майдончалар, кичик меъморий шакллар, кўкаламзор майдончалар ва фавворалар жойлаштириш орқали микроклим яратиш мумкин. Ташкил этилган майдон атрофида биноларни ўқлари бўйича бир-бирига перпендикуляр жойлаштириш асносида очиқ майдон туридаги ансамблини ташкил қилиш мумкин. Шу орқали бир неча муаммони биргаликда ҳал этиш имконияти туғилади. Бундан ташқари кўчаларда биноларни бир чизиқда қаторлаштириб жойлаштириш кўчага зерикарли тус беради.

Ўтмишга назар соладиган бўлсак, ўрта аср

меъморлари кўчаларга бадиий тус бериш мақсадида маҳобатли бинолардан ташкил топган “жуфт” ва “қўш” усулидаги ансамбллар ташкил этганлар. “Жуфт” туридаги ансамблда икки ёнма-ён турган бино фасадлари билан кўчага қаратилиб, ўқлари бўйича бир-бирига параллел жойлаштирилган. “Жуфт” туридаги ансамблга мисол Шоҳи-Зинда ансамбллар силсиласидаги мақбаралар мисол бўла олади. “Қўш” турдаги ансамблда бўлса, икки маҳобатли бино кўчанинг икки томонига жойлаштирилиб, фасадлари билан бир-бирига қаратилган. Бухородаги Қўш мадраса, Мирзо Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари ансамбли, Самарқанддаги Биби Хоним масжиди ва мадрасаси ансамбли “қўш” туридаги ансамблга мисол бўла олади [4].

Бугунги кунда ўтган асрларда шаклланган меъморий анъаналарни, жумладан ансамблсозлик анъаналарини замонавий меъморчилигимизга қўллаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса майдонларда ва кўчаларда доминанталар гуруҳини шакллантиришда ва кўчалар бадиий муҳитини бойитишда самарали хизмат қилиши мумкин. Ансамблсозлик тамойили кўчалар, майдонлар ва умуман шаҳарларнинг меъморий композицион яхлитлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.



Мустақиллик йилларида эски шаҳарлар худудидаги баъзи бадиий ёки технологик жихатдан эскирган объектлар олиб ташланди. Бу эса эски шаҳарлар қиёфасининг яхшиланишига олиб келди. Бузилган объектлар жойида очиқ майдонлар ёки янгича бино ва элементлар пайдо бўлди. Бу майдонлар атрофида миллий анъаналаримиз асосида биноларни ансамбл ва комплекс тарзда жойлаштириш йўналиши, яъни тарихан шакланган **ансамбл меъморчилиги** қайтадан тикланмоқда. Бунинг амалдаги исботини республикамизнинг тарихий шаҳарлар тарихий обидалари атрофининг очилиб ландшафт билан уйғунлаштирилишида ва янги аҳоли пунктларида барпо қилинаётган композицион жихатдан уйғун бош майдонларида кўриш мумкин. Жумладан, Тошкентда бунёд этилган Бизнес маркази атрофида ҳам бутун бир яхлит, кўп функцияли комплекс шакллантирилди. Бу комплексда бинолар айлана ёйи бўйлаб жойлаштирилган бўлиб, уларнинг олдидаги ярим доира худуд аванмайдон функциясини бажаради [5].

Бугунги кунда ўтмиш меъморлари меросива анъаналарини пухта ўрганган ҳолда **замонавий меъморчиликка** татбиқ этиш ҳар қачонгидан долзарб ҳисобланади. Ҳозирги кунда техник ва технологик тараққиёт меъморлари мизолдига янги вазифаларни қўймоқда. Бу вазифалардан биринчиси ҳозирги даврга мос, замонавий талаблар асосида тураржой ва жамоат биноларини лойиҳалаш, бинолар ансамбл ва комплексларини яратиш, ундан ташқари саноат бино ва иншоотлар комплексини яратишда яхлит уйғунликка эришишдан иборат. Ансамбл ва комплекслар шаҳар қурилишларини ягона композицияга бирлаштириб, шаҳар яхлитлигини таъминлайди. Шаҳар маълум қисмларидаги тураржой ва жамоат бинолари унинг марказида ташкил этилган жамоат маркази ансамблига бўйсунуши керак. Бу ансамбллар ўз навбатида шаҳар марказий жамоат майдони ансамблига бўйсунуши керак.

Ўзбекистон замонавий меъморчилиги ҳақида сўз юритганимизда истиқлолнинг ўтган 25 йилдан зиёдроқ давр мобайнида улкан бунёдкорлик ишлари кўз ўнгимизда гавдаланади.

Бу бунёдкорлик ва ободонлаш-тиришишлари аввалам бор пойтахт Тошкентда, вилоятлар марказларида ҳамда кичик шаҳар ва қишлоқларда ўз аксини топган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий меъморий анъаналаримизнинг замонавий талқинидаги янги меъморчилиги шаклланиб келмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида пойтахт Тошкентда қурилган Халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва миллий кутубхона комплекси, Олий Мажлис биноси, Сенат биноси, Тошкент шаҳри ҳокимияти биноси, Темурийлар тарихи музейи, Самарқанд шаҳридаги Миллий банк биноси, Никоҳ уйи, концерт зали, кўплаб лицей ва коллежлар комплекслари, Бухородаги Кўхна ва боқий Бухоро ансамбли, Банклар бинолари ансамбли, Нукусдаги Бердақномадаги музей биноси, Термиздаги Археология музейи, Никоҳ уйи ва бошқа қатор биноларни кўрсатиш мумкин [3].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз мумкин. Ўзбекистон, жумладан Самарқанд шаҳрининг Мустақиллик йилларидаги архитектура-сига назар ташлар эканмиз, жуда қисқа вақт ичида эътиборга молик кўп ижобий ишлар бажарилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилдир” - Т. Ўзбекистон, 2010.
2. «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Тошкент. 2009 йил, 3- август.
3. Қодирова Т. Ф. Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: 2010.
4. Уралов А. С. Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларидаги архитектураси. // Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. № 3, 2007 й.
5. Маноев С. Б. Мовароуннаҳр тарихий шаҳарларидаги меъморий ансамбль ва комплексларнинг шаклланиш тамойиллари. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги имасалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ, 2010, –Б. 42-47.
6. www.e-samarkand.narod.ru

УДК 72.011.8

ИНТЕРЬЕР УСЛУБЛАРИ

Жонузаков А.Э., Назарова Д.М. (СамДАҚИ)

В статье рассматриваются вопросы оформления интерьера со стилями апробированным и временем. Даются общие характеристики стилей, и приводятся примеры их использования.

In clause the registration of an interior with styles by the tested time is considered (examined) questions. Gives general characteristics to styles, and is resulted examples about their use.

Кейинги вақтда мамлакатимизда уй-жойлар қурилишига катта аҳамият берилмоқда. Айниқса фуқароларимизни замонавий турар-жой бинолари билан таъминлаш мақсадида нафақат шаҳарларимизда, балки узоқ туманларимизда ҳам шаҳар типдаги уйлар қурилиши жадал олиб борилмоқда, барча шароитларга эга яхлит посёлкалар, шаҳарчалар вужудга келмоқда. Уларнинг ташқи муҳитини ландшафт дизайнининг замонавий услубларида безатиш, турли коммуникация ва мўъжаз архитектура элементлари билан ободонлаштириш билан бир қаторда ички томонини, яъни интерьерини безатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тўғри, кейинги вақтларда интерьерларни безатишда ҳар ким ўз билганича, Европа услубларини замонавий услублар билан қориштириб ташлаш, ёки миллийликни эсдан чиқариб қўйиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Аммо, яна бир нарсани айтиш жоизки, ўша Европа қадим услублари ёки замонавий услубларни билмасдан ишлатилса, ўша стил шакллари, ранглари, ундаги жиҳозлар жойлашуви на бири-бирига мос тушади, на эстетик талабларга жавоб беради. Шунинг учун уни безатишга киришишдан олдин ушбу услубларни яхши ўрганиб чиқиш фойдадан холи эмас.

3. Фаниев Ш.Р. Ўрта Зарафшон дарёлари ва сойларининг гидрографик тармоқлари. Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 51-жилд. Тошкент: 2017 йил. -104.
4. Холиқулов Ш.Т., Ширинбоев Д.Н., Абдирахмонов С.Т. Қалқам сув омборининг гидрологик режими? СамДУ ахборотномаси. Самарқанд. 2017.
5. Юнусов Ғ.Х. Қашқадарё ҳавзасида сув захираларидан самарали фойдаланиш муаммолари // Илмий мақолалар тўплами.–Тошкент: 1997.–Б.62-64.

УДК 697.328

ЎЗ АГРЕГАТ ҲОЛАТИНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ МОДДАЛАР ТИЗИМИДА ИССИҚЛИК УЗАТИШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

Махмудов Р.М., т.ф.н. доцент; **Холмуродова З.И.**, катта ўқитувчи;
Бабаназаров С.Ш., ўқитувчи; **Тошпулатов А.**, магистрант (СамДАҚИ)

Разработана математическая модель аккумулятора теплоты фазового перехода. Получены зависимости коэффициента теплопередачи во времени от теплоаккумулирующего материала к теплоносителю.

A mathematical model of the heat accumulator of the phase transition. The dependences of the heat transfer coefficient in time from the heat-accumulating material to heat-carrier are obtained.

Яширин иссиқлик ютишга асосланган иссиқлик аккумуляторларнинг амалий жихатдан ишлатилишига халақит берадиганлар бўлиб қуйидагилар саналади:

а) ўз агрегат ҳолатини ўзгартирувчи моддаларнинг таннархини баландлиги;

б) капсуланинг махсус конструкцияси ёки кожухқувурли турдаги иссиқлик алмаштиргичларни қабул қилиниши;

в) каттик фазада иссиқлик йиғувчи материалнинг кичик иссиқлик ўтказувчанлиги иссиқликни йиғиш ва уни ажралиб чиқишининг пастлиги [1].

Фараз қиламизки аккумулятор модули гриляндлардан яъни ўз агрегат ҳолатини ўзгартирувчи материаллар билан тўлдирилган классик шаклга бир хил ўлчамга эга ва қатор ётқизилган цилиндр, параллапипед ва шар шаклида капсулалардан иборат [2,3,4].

Қабул қиламизки, суюқликдан капсулалар сиртига иссиқлик узатиш коэффиценти жисмининг юзаси бўйлаб ўзгармас ва сув оқиб ўтаётган зонанинг жами нуқталарида бир хил сувнинг ҳарорат тезлиги бир хил иссиқлик йиғувчи материал жойлашган капсулаларнинг узунлиги унинг қалинлигига нисбаттан жуда катта бўлгани туфайли, ён томонидаги иссиқлик оқимини ҳисобга олмасак ҳам бўлади, модулнинг ташқи юзаси, уларнинг сонини эътиборга олсак, адиабат ҳисобланади.

Қайд этилганларни эътиборга олиб, сувнинг капсулалар оқими ҳароратидаги модель учун жараённинг схемаси қуйидаги дифференциал тенгламалар тизими орқали ёзиш мумкин (тизим модел элементларини иссиқлик динамикавий таркиби боғлиқлигигагина чизиксиз тенглама ҳисобланмай, балки масалани ечимдаги фазовий ўзгариш чегарасини мавжудлигидир)

(“К” “П” индекслар орқали капсулалар сирти белгиланган, X ўқи сув оқими бўйича йўналган)

Қизиётган сув учун

$$\frac{\partial t_{\text{с}}}{\partial \tau} + \omega \frac{\partial t_{\text{с}}}{\partial X} = \frac{\alpha F}{h(C_p)} (t_k^n - t_B) \quad (1)$$

Параллапипед шаклидаги капсула учун I-оралик

$$\frac{\partial t_{k1}}{\partial \tau} = \alpha_{k1} \frac{\partial^2 t_{k1}}{\partial Z^2} \quad (2)$$

II-оралик

$$\frac{\partial t_{k1}}{\partial \tau} = \alpha_{k2} \frac{\partial^2 t_{k2}}{\partial Z^2} \quad (3)$$

Бу ерда h - пластинкасимон капсуланинг қалинлиги:

$$0 \leq Z \leq h$$

Цилиндр шаклидаги капсулалар учун I-оралик

$$\frac{\partial t_{k1}}{\partial \tau} = \alpha_{k2} \left(\frac{\partial^2 t_{k1}}{\partial \rho_1^2} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial^2 t_{k1}}{\partial \rho} \right) \quad (4)$$

II-оралик

$$\frac{\partial t_{k2}}{\partial \tau} = \alpha_{k2} \left(\frac{\partial^2 t_{k2}}{\partial \rho_2^2} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial^2 t_{k2}}{\partial \rho} \right) \quad (5)$$

R- цилиндриксимон капсулаларнинг ички радиуси: $0 \leq \rho \leq R$

Шарсимон кўринишидаги капсула учун:

$$\frac{\partial t_{k1}}{\partial \tau} = \alpha_{k1} \left(\frac{\partial^2 t_{k1}}{\partial \rho^2} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial^2 t_{k1}}{\partial \rho} \right) \quad (6)$$

II-оралиқда

$$\frac{\partial t_{k2}}{\partial \tau} = \alpha_{k2} \left(\frac{\partial^2 t_{k2}}{\partial \rho^2} + \frac{2}{\rho} \frac{\partial^2 t_{k2}}{\partial \rho} \right) \quad (7)$$

бу ерда $0 \leq \rho \leq RR$ – сферик капсулаларнинг ички радиуси.

Чегарада капсуланинг ташқи сиртида иссиқлик алмашинувининг III турини бажаради:

Цилиндр ва сферик капсулалар учун

$$\lambda \frac{\partial t_k}{\partial \rho} \Big|_{\rho=R} = \alpha (t_k^n - t_B) \quad (8)$$

Параллапипед шаклидаги капсулалар учун

$$\lambda \frac{\partial t_k}{\partial Z} \Big|_{z=h} = \alpha (t_k^n - t_B) \quad (9)$$

Турли шаклдаги жисмларни чегаравий тегиб туришида чегара шартининг IV тури қабул қилинган. Иссиқлик йиғувчи материалларнинг (капулага жойлаштирилган) бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш чегарасида чегарани ўзгарувчи-силжувчилигини ифодалайдиган чегара шартини умумлаштирувчи IV турини бериш зарур, яъни

$$\lambda_k \frac{\partial t_{k1}}{\partial n} \Big|_{\left(\frac{\rho}{z}\right)=0} = -\lambda_{k2} \frac{\partial t_{k2}}{\partial n} \Big|_{\left(\frac{\rho}{z}\right)=0} + \rho \Delta i_{op} \frac{\partial \xi}{\partial \tau} \quad (10)$$

Бошланғич шарт бўлиб, модулнинг жами элементларидан уни ишга туширишдан олдинги ҳароратларини тақсимланиши ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Сайто Т. Исследования с целью определения оптимального метода аккумуляирования тепла за счет скрытой теплоты. /Пер. Рэйто, 1983.Т.58-№670-с.749-756.

2. Сайто Т., Хирозэ К. Изучение аккумуляции скрытой теплоты с помощью сферических капсул. /Пер. Рэйто, 1983.Т.58-№672-с.933-940.

3. Такэо Одзава и др. Технология пакопления тепловой энергии. Аккумуляции скрытой теплоты.

Сообщение 2. Кикай но Кэнкю, 1982-Т.34. №11.с. 1225-1238.

4. Алексеев В.А. Охлаждение радио-электронной аппаратуры с использованием плавящихся веществ. М, 1975.

УДКА 528-4

KARTA TUZISHDA GEOGRAFIK OBYEKT NOMLARNI TO'G'RI KELTIRISH MUOMMOLARI VA YECHIMLARI.

Isakov E.X., katta ilmiy xodim; **Qobilov A. N.** magistrant; **Xudayqulov Sh.**, magistrant (SamDAQI)

В статье приведены короткие сведения о правильном обозначении названии географических объектов при составление карт.

This article provides a brief overview of issues related to mapping geographical names and their solutions when creating a card.

Dunyo bo'yich geografik nomlarni to'g'ri yozilish va undan foydalanish masalasi juda dolzarb masalalardan biri bo'lib hisoblanadi. Uning yechimini topish uchun maxsus tashkilotlar shug'ullanadi. Qabul qilingan qoida bo'yicha, keng tarqalgan geografik nomlar qaysi tilda ishlatilsa shu tilda yozilishi kerak.

Geografik nomlarni tartibga solish bilan shug'ullanadigan xalqaro tashkilot bo'lib, Birlashgan Millatlar Tashkilotida maxsus ekspertlar guruhi shug'ullanadi. Geografik nomlar bo'yicha xalqaro, dunyo bo'yicha va regional xarakterdagi konferensiyalarda maxsus qarorlar qabul qilinadi.

Karta tuzishda geografik nomlar to'g'ri yozilishiga, ya'ni transkripsiyaga alohida e'tibor beriladi. Kartalarda beriladigan geografik nomlar aniq va to'g'ri yozilishining ahamiyati kattadir. Agar geografik nomlar to'g'ri yozilmasa foydalanuvchilarda kartaga nisbatan ishonchsizlik tug'iladi.

Geografik nomlarning kelib chiqishi, mazmuni, o'zgarishi va tasnifi maxsus fan – toponimka o'rganadi. Kartada esa geografik nomlarni toponimkaning bir qismi ya'ni kartografik toponimka o'rganadi.

Agar geografik obyekt bir qancha mamlakat hududidan o'tsa yoki har bir mamlakat doirasida joylashgan bo'lsa, uning nomini har bir mamlakat o'z tilida yozadi. Masalan, Dunay daryosini bulg'orlar va yugoslavlar Dunav, ruminlar Dunerya, vengerlar Duna, nemislar Donau deb yozadilar. Dajla va Furot daryolari arablarda nahri Dajla va Al-Furat, turklarda Dijle va Firat yoziladi.

Geografik nomlar kartalarda asosan to'rt xil nomda beriladi: mahalliy, rasmiy, fonitik, an'anaviy shakllar va tarjima qilib yoziladi. Mahalliy rasmiy shakilda – obyekt qaysi mamlakat

hududida joylashgan bo'lsa, shu davlatning tilida va qabul qilingan alifbosida yoziladi.

Mahalliy shaklda yozilgan nomlar to'g'ri yozilgani bilan noto'g'ri talaffuz qilinishi mumkin. Masalan, Vengiriya poytaxti – Budapest (Budapest) shahrini, ingliz va fransuzlar noto'g'ri Budapest deb talaffuz qilishadi. Fonitik shaklda talaffuz qilish boshqa, yozilishi boshqa bo'ladi. Masalan, Fransiyaning poytaxti Parij – Pari deb, xuddi shunday Rossiyadagi Oryol shahri Aryol deb talaffuz qilinadi.

Dunyo mamlakatlari geografik nomlarining kelib chiqishi, boshqa tillarda jaranglashi ham o'ziga xos xususiyatdir. Aksariyat mamlakatlarning geografik nomlari boshqa xalqlar fonitikasi qoidalariga moslashib o'zgarib ketgan. Biz ayrim davlatlarni asl geografik nomiga nisbatan butunlay boshqacha aytamiz. Chunki bu nomlar boshqa tillar orqali o'zgarishiga uchrab keyin o'zlashtiriladi. Masalan, "Albaniya" alban qabilalarining nomidan kelib chiqqan. Bu mamlakat aholisi esa "Shkipitarlar" deb nomlangani uchun ular o'z davlatini "Shkiperiya" deb yuritishadi. Gretsiyani biz grek qabilasi nomidan kelib chiqib shunday ataymiz. U yerda esa viloyat nomidan kelib chiqqan holda "Ellada" deb yuritishadi.

"Germaniya" so'zi lotin tilidan o'zlashtirilgan bo'lib, aslida nemislar o'zlarini va mamlakatini "Doychland" deb ataydi. Marokashliklar esa o'z davlatini poytaxti nomi bilan "Morokko" deb atashadi. Armanlar o'zlarini "Xay" deb atashgani uchun Armanistonni "Xayastan" deb ham atashadi. Hindistonni boshqa xalqlar Hind daryosi nomidan kelib chiqib shunday nomlashadi. Asl o'zlarida nomlanishi "Bxarat" deb xalqaro tilda "India" ham deb nomlanadi.

Xitoyni boshqa xalqlar "Kitanay" qabilasi nomidan kelib chiqib shunday nomlashgan bo'lsa,

aslida “Chin” deb yuritilgan va bu “o’rtaliqdagi davlat” ma’nosini anglatadi. Shunday mamlakatlar borki, o’zbek va rus tillarida boshqacha yuritiladi. Masalan, rus tilidagi Yegipet o’zbek tilida Misr, Aljir esa Jazoir deb nomlanadi va bu asl nomiga juda yaqin yoki o’xshash sanaladi.

1-jadval. Bizda nomlanishi va asl nomlanishi.

№	Bizda nomlanishi	Asl nomlanishi
1	Albaniya	Shkiperiya
2	Armaniston	Xayastan
3	Avstriya	Esterrayx
4	Belgiya	Belgiye
5	Daniya	Danmarg
6	Efiopiya	It’Yoppya
7	Estoniya	Eesti
8	Fillipin	Pilipinas
9	Finlandiya	Suomi
10	Germaniya	Doychland
11	Gretsiya	Ellada
12	Gruziya	Sakartvelo
13	Hindiston	Bxarat

14	Irlandiya	Eyre
15	Janubiy Koreya	Namxan
16	Litva	Lituva
17	Marokash	Marrakesh
18	Norvegiya	Norge
19	Polsha	Polska
20	Vengriya	Modyarorsag
21	Xitoy	Chin
22	Yaponiya	Nippan
23	Shimoliy Koreya	Lukchoson
24	Shvetsariya	Shvayts
25	Shvetsiya	Sveriye
26	Chexiya	Chexsko

Adabiyotlar.

1. Mirzaaliyev T., Safarov E.Yu., Egamberdiyev A., Qoraboyev J.S. “Kartashunoslik”. / Toshkent.: Cho’lpon, 2012 y. 240 bet.
2. Suyunov A.S., E. Safarov Yu., Musayev I.M. “Kartashunoslik”. / Toshkent.: Voris, 2013 y. 160 bet.
3. Internet saytlari: www.ziyo.net.uz, www.kartografic.ru, <http://www.colibri.ru>.

УДКА 528-4

АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ КАДАСТРИ КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШДА, ТЕГИШЛИ ОБЪЕКТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Артиқов Ғ.А., т.ф.н доцент; **Ниязов В.Р.**, ўқитувчи; **Худайқулов Ш.Ш.**, магистрант (СамДАҚИ)

В статье освящены вопросы технической инвентаризации и паспортизации автомобильных дорог, подготовки кадастровых документов, техническим элементам дорог, созданию кадастровой базы данных и определению защитных зон, а так же региональному использованию автомобильных дорог.

In this scientific article, sanctified questions of the technical taking of inventory and passport system of highways, preparation of cadastre documents, to the technical elements of roads, creation of cadastre database and determination of protective zones, and similarly to the regional use of highways.

Автомобиль йўллари техник рўйхатдан ўтказиш ва паспортлаштириш, келгусида йўл тармоқларини ривожлантириш, қайта куриш йўли билан таъмирлаш ва фойдаланилаётган йўлларни сақлаш бўйича ишларни оқилона режалаштириш мақсадида йўлларнинг ва йўл иншоотларининг мавжудлиги, уларнинг масофаси ва техник ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни олиш учун амалга оширилади. Умумий фойдаланишдаги ҳамма автомобиль йўллари техник кўриқдан ўтказилишлари лозим. Рўйхатдан ўтказиш ва паспортлаштириш амалдаги талабларга риоя қилинган ҳолда, ҳар битта автомобиль йўлида алоҳида амалга оширилади.

Автомобиль йўлларида жойлашган элементларнинг техник кўрсаткичлари ва уларга ажратилган минтақалар тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган тартибда рўйхатдан ўтказилишлари лозим.

1-жадвал

Автомобиль йўлларида жойлашган элементларнинг техник кўрсаткичлари ва уларга ажратилган минтақалар тўғрисидаги маълумотлар

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Йўл учун ажратилган минтақа	Ҳимоя кенлиги йўл ўқидан икки томонга 38 м дан, Жами 76 м., йўлнинг умумий узунлиги L=123 км, майдони 934,8 га ни ташкил этади (ШНҚ 2.10.09-10 га асосан).

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
2.	йўлнинг пойи	катнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни, фойдаланиш қисми икки томонда 3 м дан 6 м, жами хизмат қилиш зонаси 15 м ни ташкил этади
3.	катнов қисми	катнов қисми йўл ўқидан икки томонга 4,5 м дан 9 м ни ташкил этади
4.	Сунъий иншоотлар:	
	А) Кўприклар сони	1 та, ТБ-темир бетон, узунлиги 12 м, юриш қисмининг эни 10 м, юк кўтариш қобиляти 35 тонна, кўприкнинг баландлиги 4 м
	Б) Тоннеллар сони	1 та, эни 12 м, юриш қисми 9 м, узунлиги L=2 км
	В) Кўчкага қарши объектлар	3 та, узунлиги L=300 м, ҳимоя устунчаларининг баландлиги 1 м, орқа томонида 2 м чуқурликдаги жарлик бор
5.	йўл хизматига қарашли бинолар	2 та Йўл бўлими (ДРП) биноси, ер ости йўли
6.	Автомобил йўлига қарашли бўлмаган, йўлнинг ер участкаси ҳудудида жойлашган ер ости муҳандислик қурилмалари	
	электр узатиш тармоғи	380 V ер ости электр кабели, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	қўшимча	йўқ
	газ узатиш тармоғи	Диаметри D=100 мм. ли ер ости газ қувури, ҳимоя кенглиги 5 м.дан, қувур узунлиги L=72,47 м, майдони 722,96 кв.м.
	сув узатиш тармоғи	Диаметри D=70 мм. ли ер ости сув қувури, ҳимоя кенглиги 5 м.дан, қувур узунлиги L=80 м, майдони 800 кв.м.
	окова чиқариш тармоғи	Диаметри D=100 мм. ли ер ости окова сув қувури, ҳимоя кенглиги 5 м.дан, қувур узунлиги L=100 м, майдони 1000 кв.м.
	иссиқлик узатиш тармоғи	D=70 ли қувур, узунлиги L=100 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	алоқа тармоғи	Ер ости телефон алоқа кабели, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	тармоқлар	йўқ
7.	Автомобил йўлига қарашли бўлмаган, йўлнинг ер участкаси ҳудудида жойлашган ер усти иншоотлари	
	электр узатиш тармоғи	6000 V ли электр токи, узунлиги L=500 м, баландлиги 10 м, ҳимоя кенглиги 15 м.дан, майдони 15000 кв.м.
	қўшимча	йўқ
	газ узатиш тармоғи	D=70 ли газ қувури, узунлиги L=100 м, баландлиги 3 м, ҳимоя тармоғи

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
		кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	сув узатиш тармоғи	D=100 ли сув қувури, узунлиги L=700 м, баландлиги 1 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 700 кв.м.
	иссиқлик узатиш тармоғи	D=70 ли қувур, узунлиги L=100 м, баландлиги 3 м, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, майдони 200 кв.м.
	алоқа тармоғи	Телефон алоқа кабели, ҳимоя кенглиги 1 м.дан, кабел узунлиги L=40 м, майдони 80 кв.м.
	тармоқлар	йўқ
8.	йўлларнинг жихозланганлиги ва кўкаламзорлаштирилганлиги	Самарқанд ХДААЙСИФТ “Ўзавтойўл” ДАК ташкилоти томондан ҳар йилда бир марта
9.	автотранспорт хизматига қарашли бинолар	“Ўздарётранс” миллий агентлигига қарашли Самарқанд вилояти Пайариқ тумани автокорхонаси




Йўлларни текшираётганда асосан асбоблар ёрдамида текшириш усуллари қўлланилади. Геометрик параметрларни ўлчаш, қопламанинг шикастланганлик даражасини баҳолаш, йўллардаги жихозлар ва қурилмалар ҳақида маълумотларни тўплаш ва ҳаракат жадаллигини ҳисоблаш автомобиль йўлларини паспортлаштириш лабораторияси ёрдамида амалга оширилади. Йўл тўшамасининг мустаҳкамлиги, текислиги ва қопламанинг сирпанчиқлик даражасини баҳолаш учун махсус кўчма лабораториядан фойдаланилади. Олинган маълумотлар компьютер ёрдамида ишланади ва таҳлил қилиниб йўл-ахборот банкига киритилади.

Кадастр рўйхати, кадастр маълумоти давлат автотўллар кадастри корхона китобига киритилади. Автомобил йўллари кадастрига умумий фойдаланувчи йўллар ва асосий объектларга тегишли маълумотлар 2-жадвалда келтирилган тартибда расмийлаштирилади.

2-жадвал

Автомобил йўллари кадастрига умумий фойдаланувчи йўллар ва асосий объектларга тегишли маълумотларни расмийлаштириш тартиблари

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
1.	Кўприклар сони	1 та, шартли белгиси $\text{ТБ} \frac{12-10}{35} 4$ (таснифи ТБ-темир бетон, узунлиги 12 м, юриш қисмининг эни 10 м, юк кўтариш қобиляти 35 тонна, кўприкнинг

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар
		баладлиги 4 м)
2.	Тоннеллар сони	1 та, шартли белгиси  эни 12 м, юриш қисми 9 м, узунлиги L=2 км
3.	кўчишга қарши иншоотлар сони	3 та, шартли белгиси  узунлиги L=300 м, химоя устунчаларининг баладлиги 1 м, орқа томонида 2 м чуқурликдаги жарлик бор
4.	асфальт бетон заводи	Оқдарё ТИХПТФКга қарашли асфальт заводи, номи Оқдарё АБЦ ДС-117 К, ишлаб чиқариш қуввати 20 тонна/соат, техник соз шартли белгиси 
5.	карьерлар	Фарход каръери (КША), таснифи тош ишлаб чиқаради, карьернинг баладлиги 3 м, шартли белгиси 
6.	майдаловчи цехлар	Фарход каръери (КША)га қарашли тош майдаловчи цех, таснифи тош ишлаб чиқаради, ишлаб чиқариш қуввати 30 тонна/соат, техник соз
7.	Темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи завод	Жомбой темир бетон конструкция ишлаб чиқарувчи заводи ишлаб чиқариш қуввати 80 тонна/соат, техник соз
8.	таъмирлаш заводи	Пайариқ туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси.
9.	трест ва қурилиш бошқармаси	«Ўзавтойўл» ДАКнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига қарашли Самарқанд вилояти «Йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ лойиҳа институти
10.	Автокорхоналар сони	“Ўздарётранс” миллий агентлигига қарашли Самарқанд вилояти Пайариқ тумани автокорхонаси
11.	социал объектлар	Пайариқ тумани “Қамолот ЁИХ” биноси

Автомобиль йўлларига ажратилган минтақалардан фойдаланиш тартиби. Автомобиль йўлларида фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар, автомобиль йўллари минтақасида ер ости ва устидан ўтувчи ҳамда бошқа иншоотлар ва коммуникацияларни қурувчи ёки таъмирловчи ташкилотларнинг ушбу тартибга амал қилиши мажбурийдир.

1. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун хавфсизлик минтақаси (қизил

чизиккача бўлган масофа) йўллarning тоифалари бўйича қурилиш учун ажратилган ер тасмаси чегарасидан қуйидагича белгиланади:

1 ва 2 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 25 метр;

3 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 20 метр;

4 ва 5 - тоифадаги автомобиль йўлларида - 15 метр.

Автомобиль йўллари қурилиши учун ажратилган ер тасмаси чегараси тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидаларида белгиланган.

2. Шаҳар кўчалари учун хавфсизлик минтақаси (қизил чизиккача бўлган масофа) шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган (1, 2 ва 3-жадваллар).

3. Автомобиль йўллари ва уларнинг хавфсизлик минтақаларида қуйидагилар тақиқланади:

автомобиль йўллари ва кўчаларни, улардаги сунъий иншоотларни сақлашга ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлмаган бошқа бино ва иншоотларни қуриш;

ажратилган минтақада ҳамда кўприклардан, йўл ўтказгичлардан ва эстакадалардан 200 метргача бўлган масофаларда лагерлар, палаткали шаҳарчалар барпо этиш ва олов ёқиш; дарёлардаги кўприклардан ўзан бўйлаб юқорига ва пастга қараб 2,5 км. гача бўлган масофада қум ва тошлар олиш учун карьерлар барпо этиш;

ер шўрини ювиш, йўл четидаги арикчалардан суғориш учун фойдаланиш, маданий қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, яшил минтақани суғориш каби ишларда автомобиль йўллари сўвга бостириш, ажратилган минтақани балчиқлантириш.

4. Автомобиль йўлига туташ ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчилар:

автомобиль йўлига туташ буталарни парвариш қилиши ва иморатларни соз ҳолатда сақлаши;

автомобиль йўли ўқидан 50 метрдан кам бўлган масофада тошлар, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймаслиги шарт.

5. Ҳалқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга йўллар билан туташувчи ва кесиб ўтувчи барча йўллар асосий йўлдан иккала тарафда 100 м масофагача қаттиқ қопламали бўлиши шарт.

6. Биринчи ва иккинчи тоифали ҳамда келажакда қайта таъмирланиб юқори тоифага ўтказилиши режалаштирилган учинчи тоифали автомобиль йўллари иккала тарафида ҳам

яқин масофаларда иморатлар куриш тақиқланади.

Автомобиль йўлининг кўндаланг кесимининг асосий ўлчамлари 3-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида аниқланади.

Автомобиль йўллариининг бир тарафидан куйидаги холларда, тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари (ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари, бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳалари) асосида қишлоқ хўжалиги ерларига иморатлар курилиши, Ҳукумат қарорларида белгиланган холларда - белгиланган тартибда объектлар:

- йўлнинг қатнов қисми четидан;
- очиқ жойларда - 200 метр узокликда;
- аҳоли яшаш жойларида, автомобиль йўллариининг аҳоли пунктлари чегаралари туташган тарафида - 100 метр узокликда жойлаштирилиши мумкин.

3-жадвал

Йўл кўндаланг кесимининг асосий ўлчамлари

Йўл элементлари ўлчамлари	Ав-тома-гист-рал	Тез-кор йўл	Одатдаги йўл тури					
			тоифаси					
			Ia	Iб	II	III	IV	V
Ҳаракат тасмаларининг умумий сони	≥4	≥4	2	2	2	1		
Ҳаракат тасмаси кенглиги, м	3,75	3,75	3,75	3,5	3,0	4,5		
Йўл ёқаси кенглиги, м	3,75	3,75	3,75	2,5	2,0	1,75		
Йўл ёқасидаги четки тасма кенглиги, м	0,75	0,75	0,75	0,5	0,5	-		
Йўл ёқасининг мустаҳкамланган қисми кенглиги, м	2,5	2,5	2,0	1,5	1,0	-		
Йўл ўқи бўйлаб тў-	6,0	5,0	-	-	-	-		

Йўл элементлари ўлчамлари	Ав-тома-гист-рал	Тез-кор йўл	Одатдаги йўл тури					
			тоифаси					
			Ia	Iб	II	III	IV	V
сиқлар ўрнатилмаганда марказий ажратувчи тасманинг энг кам кенглиги, м								
Йўл ўқи бўйлаб тўсиқлар ўрнатилганда марказий ажратувчи тасманинг энг кам кенглиги, м	2 м тўсиқ кенглиги		-	-	-	-		
Ажратувчи тасма четидаги хавфсизлик тасмасининг кенглиги, м	1,0		-	-	-	-		
Йўл пойининг кенглиги, м	≥28,5	≥27,5	15,0	12,0	10,0	8,0		

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. /Т.: Адолат, 2007 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” ги 2005 йил 30 июндаги 152-сонли қарорига 1-илова “Автомобиль йўллари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 342-сонли қарор.

УДКА 528-4

ТОПОГРАФИК КАРТАЛАР ЯРАТИШДА “PHOTOMOD” ДАСТУРИНИНГ ЎРНИ

Тухтамишев Ш., катта ўқитувчи; **Бердикулов У.А.** ўқитувчи; **Қобилов А.Н.** магистр (СамГАСИ)

В статье приводятся сведения о разработке топографических карт в среде системы “PHOTOMOD”. Характеризуются её преимущества, особенности и краткие рекомендации по использованию.

The main aim of this article includes clarifying of developing effectiveness of the program “PHOTOMOD” to the organizations which produce essence and peculiarity and clarifying to them that it is easy to use it.

Дунёдаги барча соҳаларда зомонавий технологиялар ривожланган сайин юртимизда ҳам кампьютер технологияларнинг жадал суратлар билан ривожланиши ишлаб чиқаришнинг ўсиши янгидан янги дастурлар яратиш имкони

янада кенгаймоқда. Келажакда зомонавий илғор технологияларнинг ривожланиши илмфан чўқиларини эгалашга олиб келади. Шу қатори геодезия картография ва кадастр соҳаларида ҳам электрон дастурлар ёрдамида

топографик ва картографик ишларни бажаришда анча қўл келиб, юртимизнинг барча шаҳарларида бўлаётган ўзгаришлар, ўз-ўзидан шаҳар худудлари карталарини янгилаш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Бунда “PHOTOMOD” дастури ёрдамида карталарни яратишда қулайдир. Электрон дастурлар ёрдамида ишлаб чиқишнинг асосий мақсади замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган тизимларни яратишдан иборат.

Рақамли фотограмметрияни “PHOTOMOD” дастурида космик сурат ва аэросуратлар ёрдамида фотоплан ҳолатига келтириб, уларни планли ва баландлик асосови орқали рельеф моделини тузиш, рақамли топографик картасини яратиш жараёнигача бўлган тўлиқ комплекс вазифани ўз ичига олади.

“PHOTOMOD” системаси аэросуратларни ва IKONOS, QuickBird, SPOT, ASTER, ёки IRS каби ҳар хил сенсорлар ёрдамида олинган сканерли тасвирларни қайта ишлаш воситаларни ўз ичига олади. “PHOTOMOD” АТ модулида бошланғич маълумотларни қайта ишлаш, тасвирларни киритиш ички ориентиррофка қилиш, координаталарни киритиш ва таянч нуқталарни ўлчаш кўндаланг ва бўйлама қопламали худудидаги боғлама нуқталарни киритишни ўз ичига олади.

Барча керакли малумотлар йиғилгандан кейин “PHOTOMOD” Солвер модулида фототриангуляция блокида тўғриланади “PHOTOMOD” АТ дастури қуйдагиларни қайта ишлаш боскичларни ўз ичига олди

1. Проект ҳақидаги маълумотлар проектининг ҳозирги ҳолати кўрсатилади. Бунга проектининг номи тури ёзиб киритилади. Масалан қайси папкада, қайси файлда ва қандай ном билан сақланганлиги тўғрисидаги маълумотлар берилади.

2. Блок (тўплам) ни шаклантириш аэросуратлар маршрутини танлаш, маршрутлар рўйхати


2203-2109

2231-2227


Бунда аэро суратлар орқали фототриангуляция тармоғи ўтказилади (1-расм) ва ҳар бир суратларни устма уст боғлаб махсус белгилар қўйилади. (2-расм).

Аэросуратларга махсус белгилар қўйиб чиқилиб, қайта кўриб чиқилган аэросуратлар сканер қилинади ва электрон ҳолатга келади. Шу олинган объект проектларга бўлади. Проект маршрутлар бўйича боғланади. Бўйича 6-7 энига 6-8 та опознак базислари олинади кейин махсус белгилар бўйича аэросуратлар тахлаб олинади. Тахланган проект тўртта боскичда

қайта ишланади



1-расм



2-расм


Биринчи боскич, ички ориентирлаш, ҳар бир аэросуратда 8 та ориентирлаш белгилари бўлади. Унинг хатолиги 0.020 дан ошиб кетмаслиги керак.

Иккинчи боскич, таянч нуқталарни ўлчаш. Бу боскичда проектка нечта махсус белги тушган бўлса ҳаммасининг x , y координаталари ва h баландлик топилади, кейин қайси аэросуратга қанча махсус белги тушганлиги аниқлаб улар жойига туширилади шу тарзда ҳамма махсус белгилар аэросуратларга аниқлаб тушурилади баландликлари 0,020 дан ошмаслиги керак. Хатоликлар 1:2000 масштабда 0,200 дан 1:10000 да 1,00дан ошмаслиги керак.

Юқоридаги жараён кейин ДТМ блокига ўтилади, бунда ҳар бир аэросурат бир хил масштабга келтирилади (трансформация), ундан ташқари ҳар бир аэросуратда x , y координаталари аниқланади ва аэросуратнинг ўрта майдони топилади. Ўрта майдон топилгандан сўнг ортофотоплани тузилади рамкаси чизилади (3-расм). Шу тарзда ҳамма аэросуратлар рамкаларга ажратиб аэросуратлардан тўр ўтказилади (4-расм).



3-расм.



4-расм.

Бу тўр махсус стерео очки ёрдамида амалга оширилади. Бу босқич тугагач "Масаик" блокига ўтамиз. Ҳар бир ортофотоплан алоҳида қилиб олинади, ундан кейин ортофотоплан варақларнинг ҳар бирига папка яратилади алоҳида экспорт қилиб шу папкага жойлаштирилади.

Ортофотопланларни ориентирлашимиз учун олдиндан "мар" папка яратилиб ортофотопланлар босмада чиқарилади ва фойдаланишга топширилади. Ортофотоплан варақлари жойига бориб аниқланиб келгандан сўнг "PHOTOMOD" дастурининг "Стерео Дравв" панелида қайта ишланади. "Стерео Дравв"да аҳоли пунктлари, горизонталлар, каналлар, йўллар ва баландлик нуқталари "PHOTOMOD" очкиси ёрдамида аниқланиб чизилади.

Чизиб тугатилгандан сўнг "Вектор" программасига экспорт қилинади "Вектор" программасида карталар своткалари бажарилиб,

чиройли ва аниқ қилиб чизилиб тайёр ҳолатга келтирилади.



5-расм



6-расм

Сўнгра печат қилиниб махсус қисимга топширилади. PHOTOMOD 6.3 охириги янги версия бўлиб бунда юқоридаги босқичларни автоматик равишда ўзи бажаради. Рақамли фотограмметрия соҳасида янги технология ва инновацияларнинг ривожланиши натижасида "PHOTOMOD" дастурининг босқичлари қатор қулайликлари пайдо бўлдики бунинг натижасида бу технологияларни ишлатишнинг сифат даражаси ва қулайликлари ишлаб чиқиш ташкилот ва корхоналарнинг ишларини енгилаштирмоқда

Адабиётлар:

1. Компания Ракурс PHOTOMOD 6.1. 2014
2. №3(1), Геоинформкадастр, Т.2002 г.
3. Сафаров Э.Ю., Абдурахимов Х.А., Ойматов Р.Қ. Геоинформацион картография. –Т, 2012

ГИЛДИРАКЛИ МТЗ – 82 ТРАКТОРИГА ЎРНАТИЛГАН ГИДРАВЛИК ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЎРНАТМА АГРЕГАТИНИНГ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Алибекова Н.Н., ассистент; Юлдошев А., ассистент (ЖизПИ)

Мақолада трансформаторларга гидравлик ўрнатма агрегат ўрнатиш орқали техник хизмат кўрсатиш самарадорлигини ва сифатини ошириш, иқтисодий кам сарфли ва инсон саломатлигини сақлаш масаласи ёритилган. Техник хизмат кўрсатиш жараёнида яроқсиз ҳолга келган ёки юқорида келтирилган сабабларга кўра ишдан чиққан трансформаторларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш тадбирларини хавфсиз амалга ошириш, инсон саломатлигини сақлаш ва уни хавфсиз ишлашнинг таъминлаш масалалари ечилади.

The main objective of this project through the establishment of hydraulic small and medium voltage transformer to increase the effectiveness of maintenance and preservation of the security personnel serving life. At the service of faulty transformers addressed the issue of security maintenance and security of life of people. And the most important tasks makes the difference is relatively economical.

Электр техник қисмлар эскириши, куйиши, кичик баланликдаги столбалардаги чайникларнинг синиши, ток ўзакларининг таранглигини бузилиши кичик ҳамда кичик кучланишли трансформаторларни жорий таъмирлашни йўлга қўйишдаги ишларни хавфсиз амалга оширишни самарали, сифатли ва иқтисодий жиҳатдан кам сарфли, хавфсиз олиб бориш билан бирга инсон саломатлигини сақлаш назарда тутилган.

Ушбу бузилиш ҳолатларида гидравлик кўтариш агрегати орқали амалга оширса, хизмат кўрсатувчи кимсага хизмат кўрсатиш чоғида яъни хавфли ва хавфсиз ҳолатларда ҳам унга бир мунча яхши шароит яратса менимча айти мудао бўлади. Чунки ўтказувчидаги ток манбаси икки фазалими учми қаттий назар кичик хатони ҳам кечирмайди ва инсон саломатлигига салбий қаттиқ таъсир қилиши ҳамда салбий таъсир натижалари бизга аввалдан маълум. Электр жихозларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ишида биз гидравлик ўрнатма кўтариш агрегатидан фойдалансак электр жихозларига хизмат кўрсатишни тўғри ҳал қилган бўламыз.

Бунда уни таъмирлаш ёки техник хизмат кўрсатиш учун:

- Биринчидан асосий манбага уланган қисмини манбадан узиб олиш керак.

- Иккинчидан эса уни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш жараёнида техник хавфсизлик ҳолатларини таъминлаш зарурлигини уқтиради.

- Учинчидан эса трансформаторни аҳолини таъминлаш йўналишига улаш учун яъна техник хавфсизлик даражасини таъмин этиш зарур бўлади.

- Тўртинчидан трансформатордан эскириб қолган мойни алмаштириш янгисини қўйиш чоғида зарурат туғилади.

- Бешинчидан маълум чегараланган баландликка хизмат кўрсатувчиларга қулай, хавфсиз шароит яратади.

- Олтинчидан бузилган яроқсиз қисмларни транспортировка қилишда етарлича шароит яратади.

- Еттинчидан иқтисодий самарадорликка эга, агар трансформатор капитал таъмирга муҳтож ҳолларда иккита транспорт воситаси бу ишга жалб қилинмасдан шу битта транспорт ёрдамида транспортировка ишларини қилса бўлади.

Мана шу ҳолатларни назарда тутган ҳолатда ўрнатма гидравлик техник хизмат кўрсатиш агрегати электр жихозларига хизмат кўрсатиш чоғида хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда меҳнат самарадорлигини ошириш билан бирга хавфсиз ишлашни ҳам таъминлаши мумкин.

Бунинг учун биз махсус дизел тракторига маҳкамланган ўрнатма гидравлик агрегатни тавсия этилади.

Бу қурилма кўчма ҳолатида ясалган бўлиб, яъни бир донаси билан бутун тумандаги электр жихозларига ва трансформаторларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнини олиб бориш мумкин бўлади.

Гидравлик агрегатни Т28Х4, Т – 40 ёки МТЗ – 82 ва х.к. тракторларига ўрнатиш имкони мавжуд лекин маълум чегараланган баландликка гидравлик кўтариш имкониятига эга.

Инновацион технологик лойиҳа тўлиқ бажарилгандан сўнг яроқсиз ҳолга келган ёки юқорида келтирилган сабабларга кўра ишдан чиққан, синган электр жихозларига, трансформаторларни таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш тадбирларини хавфсиз амалга ошириш, кам сарфга эга шу билан бирга, инсон саломатлигини сақлаш ва уни хавфсиз ишлашнинг таъминлаш масалалари ечилади.

Технологик лойиҳани амалга ошириш натижасида электр жихозларига ва паст кучланишли трансформаторларга хизмат кўрсатиш самародорлиги ошади.

Инсон саломатлигини сақлаш ва уларнинг хавфсиз ишлашлари таъминланади.

Гидравлика бизга маълумки, 212 – 287 йиллар олим Архимед тамонидан кул ёзмалар шаклида кириб келган бўлсада ҳозирги пайтда гидравликадан фойдаланиш даражаси ҳали ҳам етарли даражада деб бўлмайди. Воҳаланки гидравликани техникада, гидротехникада, ирригацияда, сув таъминоти ва канализация тизимида ва нефть механикасида қўллаш имкониятлари мавжудлиги бу сир эмас. Оддий техника соҳасини оладиган бўлсак гидравликани энгил ва оғир машиналарда қўллаш ва бу билан техника тараққиёт даражасини ошириш зарурлигини кўрсатади.

УДК 712.4

СУВ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТУРЛАРИ ВА УНДАН Фойдаланиш усуллари

Жонузоқова Г.А., ўқитувчи, Рахматова М., магистрант (СамГАСИ)

В статье освещается несколько способов подачи воды и виды новых технических роторов предназначенных для выкачки воды фонтанов. Даются общие характеристики и примеры их использования.

In given clause some ways of submission of water and kinds of new technical rotors intended for to swing of water of fountains are applied. Gives general characteristics and their uses.

Бугунги кунда сув тизимини бошқарадиган мукамал электрон марказлар яратилмоқда. Улар бутун бир суғориш тизимидан тортиб то уларни пуркаб берадиган фонтан тизимларига-ча ўз ичига қамраб олган. Замоनावий телемеханика ва автоматика дарё оқимларидаги ҳар қандай ўзгаришларни ҳам аниқ сезади ва сув дарвозалари тўсиқларини инсон ёрдамисиз кўтара олади, керак пайти тушира олади.

Ўсимликлар ҳолатини аниқловчи митти асбоблар – датчиклар яратиш устида қандай ишлар қилиняпти! Дунё олимлари бу соҳада аича ишлар қилишмоқда. Ўсимликларни автоматик усулда суғорадиган асбоб шу олимлар олиб борган тадқиқот маҳсулотларидан биридир. Бу ихчам қурилма ўсимлик сувталабми ёки ортиқча намдан зарарланыптими, деган саволга аниқ жавоб беради. Ўсимлик баргига унча катта бўлмаган генератордан электромагнит тўлқинлари юборилади. Баргдан қайтган энергия миқдори ўсимликнинг муайян вақтдаги ҳолатидан хабар беради. Қуёш қизитса, баргнинг суви қочади, асбобнинг кўрсаткичи ҳам ўзгаради. Реле асбоби шу захотиёқ

Адабиётлар:

1. Умаров А.Ю. Гидравлика. –Тошкент. Ўзбекистон. 2002.
2. Латипов К. Гидравлика, гидромашиналар ва гидроюритмалар. Тошкент Ўқитувчи. 1992.
3. Чугаев Р.Р. Гидравлика. Учебник для ВУЗов. - М.: Госэнергоиздат. 1981.
4. Богомолов А.И., Михайлов К.А. Гидравлика. Учебник для ВУЗов –М.: Высш. школа 1972 г
5. Богомолов А.И., Константинов А.И. Примеры гидравлических расчетов. –М.: Автотрансиздат. 1962.
6. Большаков В.А., Попов В.Н. Гидравлика. Общий курс. Учебник -К.: Высш. школа. 1989.
7. Константинов Н.М., Петров Н.А., Высоцкий Л.И. Гидравлика, гидрология, Гидрометрия. Учебник для ВУЗов. -М.: Высш. школа 1987.
8. Прозоров И.В., Николадзе Г.И., Минаев А.В. Гидравлика водоснабжении и канализации городов. -М.: Издательство Высш. школа. 1975.

ўсимликка сув берадиган системани ишга солади.

Республикамызда ландшафт архитектураси ва боғ–парк дизайни, оммавий фойдаланилувчи очик муҳитларни кўкаламзорлаштириш, уларнинг манзаравий ечимларини такомиллаштириш давримизнинг долзарб вазифаларига айланган. Айни ҳозирги кунларда Республикамызнинг иссиқ–қуруқ иқлимли шароитида кўкаламзорлар ташкил қилишда суғориш қурилмаларининг замоनावий типологияси ва технологиясини билиш ва қўллашни талаб қилади. Ана шундай технологияларнинг асосийларидан бири бу–суғоришнинг электрон автоматик тизими (СЭАТ, электронно-автоматическая система полива - ЭАСП)дир. СЭАТ–бу муайян ҳудудни олдиндан аниқ белгиланган режимга кўра автоматик суғориш мақсадида қўлланиладиган замоनावий техник комплекс қурилмадир. Бунда суғориш режими асосан оқшом пайти амалга оширилади. Бунинг сабаби ерга қўйиладиган сувнинг оқшом қуёшдан буғланмаслиги натижасида намликнинг тупроққа самарали сингиб боришидир.

Мазкур суғориш тизимида тупроқнинг сувга эҳтиёжи сезилгандагина ўсимликларнинг намликка турлича талабчанлигига қараб ўшанча миқдордаги сув сарфланади.

СЭАТ, одатда, бир неча муҳандислик функционал элементлардан тузилади:

- сув пурковчи қурилмалар;
- электромагнит клапанлар;
- микрокомпьютер (таймер, бошқариш блоки ёки пулти, текширувчи);
- қўшимча қурилмалар—ташқи ҳароратни, шамол тезлигини, ёғинларни сезувчи датчиклар [1].

Сув пурковчи қурилмалар (уларни яна спринкерлар, суғорувчилар, сувни чангловчилар, суғориш бошмоқлари—головкалар деб ҳам аташади) турли хил вариантлар ва шаклларда мавжуд бўлиб, уларни иккита асосий гуруҳга жамлаш мумкин [2]:

I—роторли, яъни айланиш механизмига эга бўлган сув пуркагичлар. Улар хусусий объектлар ёки шаҳар ландшафт объектларини (ҳовли боғлари, парклар, спорт майдонлари ва бошқа ҳудудлар)ни суғоришда қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки, роторли сув сепгичлар одатда 8x8 м ва ундан катта бўлган майдонларни суғоришда самаралидир;

II—статик сув пуркагичлар турли кўринишларда (палахмонсимон, соябонсимон, суғорувчи розеткалар шаклида) бўлиб, муайян белгиланган юзани ёки, одатда, диаметри 6–8 м бўлган майдонни суғоришда қўлланилади.

Сув пуркагичларнинг моделини танлашда қуйидагиларни, яъни:


- сув манбаининг техник хусусиятларини ёки имкониятларини;
- суғориладиган ҳудуднинг умумий майдонини;
- ўсимликларнинг муайян турлари ёки гуруҳларининг сувга эҳтиёжини, суғориладиган объектлар(масалан, майсазорлар, йирик ўлчамли дарахтлар, гулзорлар, альп тепаликлари ва бошқа хил объектлар)нинг хусусиятларини;

- худудда мавжуд бўлган ёки энди лойиҳаланаётган иморатларнинг худудда жойлашишини ҳисобга олиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда сув пуркагичларнинг қуйидаги хиллари мавжуд [1;2]:

Муайян белгиланган ёки сув тизгинининг узунлиги билан аниқланувчи юзанигина суғорувчи палахмонсимон сув пуркагичлар. Одатда бундай пуркагичлар сув босимининг таъсири остида ер юзидан 10–30 см баландликка кўтарилди ва сув тўхтатилганда пастга тушиб ер юзи сатҳида қолади. Биринчи ҳолатда

сув тизгинининг қиялик бурчагини ўзгартиш мумкин (масалан, PS серияли палахмонсимон сув пуркагичларда), иккинчи ҳолатда эса SRS серияли пуркагичларда насадка (сопел)ни алмаштириш орқали сув тизгинининг узунлигини ўзгартиш имконияти мавжуд.



1-расм. Автоматлаштирилган суғориш тизими схемаси: 1 — бошқариш блоки; 2 — қувур; 3 — ЭМК; 4 — веерный ороситель; 5 — роторный ороситель

Сув пуркагичларнинг иккинчи хили — бу роторли пуркагичлар бўлиб, улар уч хил модификацияда учрайди: кичик, ўртача ва узокқа пуркагичлар. Бунда сув тизгинининг энг узок масофаси 20 м, суғориш бурчаги эса 100 дан 3600 гача бўлади. Роторли сув пуркагичлар одатда тежамли ҳисобланади.

Учинчи хил сув пуркагичларга зонтиксимон пуркагичлар кириб, улар одатда йирик ўлчамли дарахт тағларининг илдизлари зонасини суғориш учун қўлланилади. Кўпинча уларни “баблерлар” деб ҳам атайди, улар тупроқ юзаси бўйлаб ҳаракатланади ва ўсимликнинг илдиз тизимига яқин жойлашган юзаларни яхлит сув “соябон”ини ёки “чодир”ини ҳосил қилиб суғоради. Баблер маркировкасидаги цифралар минутага сарфланаётган сув ҳажмини билдиради: 0,25–0,9 л/мин, 0,5–1,9 л/мин, 2–7,8 л/мин.

Тўртинчи хил сув пуркагичлар импульсли пуркагичлардир. Улар сувни жуда узокқа пуркайди ва одатда, катта майдонларни, масалан, футбол майдонидаги майсаларни суғориш учун қўлланилади.

Бешинчиси томчилатиб суғориш шланги бўлиб, у яшил тўсиқлар ва гулловчи клумбаларни суғоришда қўл келади. Уни сув манбасига улаш учун “сув розеткалари” дан фойдаланилади.

Олтинчиси — “сувли” ёки “суғориш” розеткаларидир. Улар, одатда, кучли марказий трубалардан тарқалган тупроқ устидаги ингичка трубаларга ўрнатилади ва яшил бошмоқлар билан маскировка қилинади. Зарур ҳолларда розеткаларга озгина бураш ёрдамида калта шлангли “калит” қўйилади ва у розетка клапанини босади. Натижада трубадаги сув шлангга бириктирилган суғориш қурилмасига, яъни сув

пистолетига, томчили шланг ва ҳоказоларга ўтади. Сувли розеткалар доимий равишда суғоришни талаб қилмайдиган жойларда: гараж олдилари, боғ ошхонасининг атрофи, сунъий сув ҳавзаларини сув билан таъминлашда қўлланилади.

Электромагнит клапанлар (ЭМК) ва махсус датчиклар боғ ва парклардаги тупроқнинг намланиш даражасини текшириб туради ва суғоришга зарурат туғилганда бошқариш блокига электрон импульслар юбориб хабар беради. ЭМК тупроқ устига ўрнатилган махсус герметик футлярлар ичига жойлаштиради. Клапанлар учининг ўлчамлари ва шаклига кўра кичик – 3/4 дюмлик, кенг тарқалган стандарт 1 дюмлик, улар бир минутда 40–50 метргача сувни ўтказувчи линияларга тўғри келади, катта–1,5 дюмлик ва энг катта–2–3 дюмлик турларга бўлинади.

Энг нозик ва такомиллашган суғориш мосламалари тарзида Rain–Click маркали (проводной) ва Wireless Rain–Click маркали (беспроводной) қурилмалар мавжудки, улар ёрдамида ёмғир томчиларининг тушиши билан суғориш мутлоқ тўхтади. Улардан энг ишончлиси Mini–Click қурилмаси бўлиб, у ёмғир ёғишининг тўрт хил режимига мослашган ва ўзини ўзи бошқарувчанлик хусусиятига эга.

Яна Freeze–Click маркали ҳарорат датчиги ҳам мавжудки, у ҳаво ҳарорати пасайганда суғоришни тўхтатади, бу қурилма айниқса, эрта баҳорда ва кузда жуда қўл келади.

Тизимни бошқариш пульти (контроллер), одатда, бино деворига унга бориш имконияти яратилиб мустаҳкамланади. Автоматик суғо-
УДК 504.064.2.001.18

риш тизими қишда ишдан чиқиб қолмаслиги учун, совуқ тушиши олдиан контроллер тизимдан ажратилади, трубаларда қолган сув тўкиб ташланади ва тизимга ҳаво.

Энг ишончли автоматик суғориш тизимига HUNTER, RAIN–BRID, KRAIN ORBYT LABER қурилмалари киради. Ярим автоматик суғориш тизимлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қўл кучи билан ишга туширилади.

Шундай қилиб, биз юқорида кўкаламзорлаштириш ва ландшафтларни шакллантиришда қўлланиладиган суғоришнинг замонавий электрон тизими, унинг функционал элементлари, сув пурковчи қурилмалар, унинг гуруҳлари ва хиллари, электромагнит клапанлар, насадка (сопел) лар, датчиклар ва улар ёрдамида амалга ошириладиган суғориш имкониятларини кўриб чиқдик. Эндиги навбат улардан мақсадли фойдаланиш, уларни қўллаш усуллари ўрганиш ва энг муҳими суғориш тизими тежамли, режали ва сифатли тарзда амалга ошириш, бунда эса юқорида баён қилинган замонавий электрон автоматик тизимлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Гарнизоненко Т.С. Справочник современного ландшафтного дизайнера. «Феникс». Ростов-на-Дону. 2005.
2. Горохов В.А. Городское зеленое строительство. М.: Стройиздат, 1991.
3. Теодоронский В.С., Белый А.И. Садово-парковое строительство и хозяйство. М.: Стройиздат, 1989.
4. Гостев В.Ф., Юскевич Н.Н. Проектирование садов и парков. М.: Стройиздат, 1991.

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИНИНГ АТРОФ МУҲИТИГА ЗАРАРИ

Файзиев З.Х. ассистент (СамДАҚИ), **Қаршиев Ж.А.** ассистент (СамДЧТИ),
Узбоев М.Д. ассистент (СамДАҚИ)

На данном момент в многих странах используется альтернативные энерго ресурсы. В каждом энергопотребление есть плюсы и минусы. Основные минусы это загрязнение окружающие среды.

At this point, many countries use alternative energy resources. In each energy consumption there are pluses and minuses. The main disadvantages are environmental contamination.

Ноанъанавий энергия манбаларида ҳам авфзалик ва камчилиги мавжуд бўлади. Келинг бунга чуқурак назар ташлайлик.

Келинглари олдин авфзалик тарафидан бошласак. Биринчидан қуёш нури, бу манба тугамайдиган ҳисобланади (албатта йилнинг ёруғ кунлари). Иккинчидан, бу манба яний қуёш нури бепул ҳисобланади. Учунчидан, ушбу манба умумий ҳисобланади. Яъни ҳарким

фойдаланиши мумкин. Уни ғарбда, шарқда, шимолда ва жануб томонларда бирдай фойдаланиш мумкин. Асосий ютуғи деб бизлар унинг хавфсизлиги, арзонлиги ва шовқинсизлигидир. Қуёш энергиясини олишда ана шундай улкан ютуғлар борлиги учун унга ҳамма хайрон қолади, лекин ҳамаси бундай эмас.

Биз ҳақиқатдан айтишимиз мумкин қуёш

энергияси хавфсиз ва атроф муҳитга зарари йўқ деб. Бугунги кунга келиб куёш батареаларини ишлаб чиқаришда ишлатадиган зарарли моддалар мавжуд. Тайёр фото элементнинг таркибида алла қачон, қўрғошин, кадимий, галлий, мишьяк мавжуд. Бу кимёвий элементларда ўзига хос зарарли тарафлари ҳам мавжуд. Уларни одам соғлиғи ва атроф муҳитига анча зарар келтириши мумкин. Биз бундай нарсаларга кўз юмушимиз мукин эмас, чунки бундай моддалар бир жойда йиғилиб қолиши атроф муҳитига жуда катта зарар келтириши ва албатта одам соғлиғига катта таъсир кўрсатиб туриши аниқ. Келинг ушбу моддалар билан яқинроқ танишсак.

Курғошин (Plumbum, Pb) - бу модда токсик ҳисобланади уни одам организмига таъсири секин, лекин асоратлари кучли бўлади. Асосий ёш болаларга таъсири кучли, унинг таъсирида ёш болада: ақлий озиш, мийя қисмида сақланиб қолувчи касалликларни олиб келади. Бу моддани хаттоки бензин ёқилғисида қушилиб октонтлик рақамини кўпайтириш учун ишлатилган, ўнинг номини этилланган бензин деб аталган. Кейинчалик атмосферага $0,003 \text{ мг/м}^3$ сувда $-0,03 \text{ мг/л}$ ерда – $20,0 \text{ мг/кг}$, дунё океанига йилига $430-650$ минг тонна ташланган, кўпгина давлатлар бундай ёқилғидан вос кечишган. Соғлиқни баҳолаш институти томонидан 2015 йилдаги маълумотга кўра 494550 киши узоқ вақт мобайнида қўрғошин таъсирида вафот этган. Бундан ташқари кўпгина одамлар қўрғошин таъсирида ногирон бўлиб қолган [4].

Кадимий (Gadmiium, Gd) – ушбу модда ҳам зарарли ҳисобланади, айниқса уни пар газли хоссасидир (GdO).

Кадимий оксиди билан захарланганларда қусиш, қайд қилиш ва судурги кузатилади. Кадимий моддаси кумулятив ҳисобланиб у одам танасида тўпланиш хусусияти мавжуд. Лекин ушбу моддасиз куёш батареясини ишлаб чиқариб бўлмайди. Кадимий электродни ишлаб чиқариш учун тахминан дунё бўйлаб 20% ишлатилади. Бундан ташқари 40% кадимини каррозияга қарши туриш учун қувурларни ташқи муҳитдан изоляция қилиш учун қопланади. У асосан океан ва денгизларда жойлашган ишлатилиши соҳаси бўйича ҳар хил бўлган қувурларда қопланади у каррозияга қарши жуда яхши қаршилиқ кўрсатади [4].

Галлий (Gallium, Ga) – Бу модданинг таркиби алюминга анча яқин ҳисобланади. Галлий моддаси анча қиммат ҳисобланади. Охирги йилларда уни нархи қимматлашиб кетган. Мисол учун: 2005-йилда бир тонна шу модда учун $1,2$ миллион доллар миқдорда баҳоланган. Тиббиётда галлий ҳам

қўлланилади. У антибектерияли хусусиятга эга бўлиб ва яраларни тезда тузатиш, онкологик касаллик билан касалланганларни ва чуқур жароҳатни беморларни қонини тўхтатиш асосийси тромпларни ҳосил қилмайди [4].

Мишьяк (Arsenigum, As) - мишьякни қўрғошинни олишда ҳам ишлатилади. Агар мишьяк моддаси билан ишлов берилиб олинса қўрғошинни мустаҳкамлиги ва қаттиқлиги ошишига олиб келади. Кўпгина олтин қазиб олиш конларида мишьяк моддаси аниқланди бу эса ўз навбатида ўша муҳитга зарари катта бўлади.

Ушбу моддалар куёш энергияси олишда бир-бирига жуда боғлиқ ҳисобланади. Бизлар фақатгина бир неча моддаларни санаб ўтдик, ўзиз ўйлаб кўринг агарда шундай моддалар бир жойга тўпланиб қолса ва уларда реакция ҳосил бўлса қанчалик зарар келтиришини ўйлаб кўриш керак [4].

Бундай батареялар ишлаш вақти $30-50$ йил бўлади, хўш биз буларни шунча вақтдан кейин ёки барвақтроқ алмаштирсак. Ишлатилганини нима қиламиз қайга йўқотамиз, бу саволга ҳозиргача жавоб йўқ. Нима биз уни кўмиб устини бетон билан ёпиб кўямизми. Ахир бу бир кун келиб табиатга зарар келтириш аниқ-ку! яхшиси аввалгидек кўмир ёндирсак яхши эмасми.

Бундан ташқари инсон учун керекли бўлган энергияни кўпроқ кечги пайтга тўғри келади, кечги пайтга келиб ўнинг самарадорлиги пасаяди. Куёш нуруниҳам бир хил нур тарқатиб ўтирмайди, бундай пайтларда унумдорлиги пасаяди.

Бугунги кунга келиб куёш батареясининг фойдали иш коефициенти (ФИК) $7-15\%$ ташкил қилади. Буни биз камчилик деб қарамасакда унм биз авфзаллик ҳам деб бўлмайди. Куёш батареясининг сервис ва техник таъминоти осон эмас. Бу батареяларни ҳар $2-3$ кун, узоғи билан 1 ҳафта бўлмаса батареяларни устки қисмини қоплаб олган чанг ва кичик зарралар куёш нуруни ўтишини сусайтиради, катта энергия олиш учун катта майдон керак бўлади энди таъсаввур қилинг катта майдонни эгаллаган батареяларни тозалаш ҳам керак бўлади. Мана яна битта камчилиги яъний монтаж қилишда катта майдон керак бўлади. Албатта қурилмани ўрнатишда қимматлиги ўнинг обрўсига қимматга тушади, одам ўйлаб қолади зарурмикан менга шунча харажат.

Бундай сарф харажатлар ва табиатга зарарларни камайтириш учун бизлар куёш батареясидан камида 50% фойдали иш коефициентига эга булишимиз керак, ҳозирги кунга келиб $32,5\%$ олиб келинди. Шуниси қизиқки юқорида келтирилган моддаларсиз

фотоэлементли панелни яратиш амри махол, чунки шу элементлар ёрдамида яратилади [3].

Адабиётлар:

1. David Szondy Stamford researches develop self-cooling solar gells. Gizmag.com. (25 July 2014).
2. Solar Spectra: Air Vass Zero
3. Solar Photovoltaic Technologies
4. Лапаева О. Ф. Трансформация энергетического сектора экономики при переходе к энергосбе-

регающим технологиям и возобновляемым источникам энергии. Оренбургский государственный университет. 2010 г.

5. Institute for Health Metrics and Evaluation (IHME). GBD Compare. Seattle, WA: IHME, University of Washington; 2017.

6. www.rredc.nrel.gov

7. www.ese.iitb.ac.in

8. www.wikipedia.org

9. www.nature.com

УДК 69.035.2 Б-79

ДОНМАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЧАНГТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бобоев С.М., т.ф.д.проф. (СамДУ), **Тайлақов А.А.** катта ўқит. (ЖизПИ),
Ахмедова М.А., катта ўқит. (СамГАСИ)

В статье приведены анализ состояние работы существующих пылегазоочистных установок элеваторного цеха Джизакского мукомольного комбината, а также пути решение повышение степень эффективности пылегазоочистных установок для обеспечения предельно-допустимых концентраций загрязняющих веществ в приземном атмосферном слое.

The article presents an analysis of the state of work of the existing pile-gas purification plants of the elevator workshop of the Jizzakh flour mill, as well as the ways to improve the efficiency of the clean-gas treatment plants to ensure maximum permissible concentrations of pollutants in the surface atmospheric layer.

Атмосфера ҳавоси табиатнинг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, тирик организмнинг яшаши учун жуда ҳам зарурдир. Ерда ҳаётнинг, айниқса инсоннинг равнаки тоза ҳавога боғлиқ бўлиб, нафас органлари орқали 25 кг ҳавони ютади. Шунинг учун ҳаво ифлосланиб, унинг химиявий таркиби ва физик хоссалари ўзгариши билан ҳар бир организмнинг физиологик ҳолати ҳам ўзгаради. Шу сабабли бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири атмосфера ҳавосини тоза сақлашдан иборатдир.

Бугунги кунда атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласи энг долзарб муаммолардан биридир. Сайёрамиз экологик инқирозга учраб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақаларда рухсат этилган меъёрлардан ошиб бормоқда. Саноат чиқиндиларининг ҳажми ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланаётган ерларни яроқсиз майдонлари кундан кунга ошиб бормоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласи инсоннинг яшаб қолиши учун ниҳоятда муҳим муаммога айланмоқда.

Республикамиз худудида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада жиддий чора-тадбирлар кўрилаётганлиги туфайли ҳаво таркиби меъёр даражада бўлишига эришилмоқда.

Мамлакатимиздаги санитария-эпидемиология ва тиббиёт ходимларининг кўпсонли тадқиқотлари асосида инсонлар яшайдиган худудлардаги ҳаво ҳажми бирлигига нисбатан (мг/м^3)

массали концентрациясида ифодаланадиган атмосферадаги зарarli моддаларнинг рухсат этилган чегаравий даражаси концентрацияларининг (РЭЧМ) илмий асосланган меъёрлари (СМ-245-71)да белгилаб берилган. Умумий токсинли таъсирга эга бўлган чанг ва газлар учун максимал ўртача суткалик концентрация, таъсири ёки ҳиди билан шиллиқ қобиқларни кўзгўтувчи чанг ва газлар учун эса – максимал бир марталик концентрациялар белгиланган. Анорганик чанглар (ғалла чанги) учун ҳаво таркибидаги энг катта концентрацияси $C_{\text{макс.}} - 0,5 \text{ мг/м}^3$, суткалик ўртачаси $C_{\text{ср.с.}} - 0,15 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этади.

Ҳаво бассейнига саноат чиқиндилари чиқариб ташланишини камайтиришнинг энг асосий йўналиши ишлаб чиқариш жараёнлари технологиялари ва асосий технологик жиҳозларнинг такомиллаштирилиши ҳисобланади.

Дон маҳсулотлари корхоналаридаги элеватор цехи (силос)лар билан ўралган ишчи бинодан, ғалла маҳсулотини тозалаш, узатиш, темир йўл ва автомобил транспортларидан ғалла қабул қилиш қурилмаларидан ташкил топган. Элеватор ғалла маҳсулотларини қабул қилиш, аралаштириб туриш, сақлаш ва тегирмонга узатишга мўлжалланган.

Жиззахдонмаҳсулотлари акциядорлик жамияти корхонаси элеватор цехида атмосферага ифлослантирувчи манбалар хатловдан ўтказилганда қуйидагилар аниқланди, элеватор учта корпусдан иборат бўлиб, қуйидагиларни ташкил қилади:

- биринчи корпус 24 та сиғими 600 тоннадан ва 15 та сиғими 180 тоннадан юлдузча шаклдаги силослардан иборат;

- иккинчи корпус 24 та сиғими 600 тоннадан ва 15 та сиғими 180 тоннадан юлдузча шаклдаги силослардан иборат;

- учинчи корпус 96 та сиғими 180 тонналик силослардан иборат.

Элеватор цехи ертўла қисмида ҳосил бўлган ғалла чангини сўриб олувчи 3 комплект БНС-5 русумли, 2 комплект БНС-8 русумли аспирация тармоқлари мавжуд бўлиб, аспирация тармоғи 4 талик қуруқ механик чанг тутгичларга уланган.

Чанглардан олинган намуналар ва ўтказилган ҳисоблаш натижаларига кўра аспирация тармоқларидаги чанг тозалаш ускуналарининг самарадорлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\eta = \frac{G_b - G_{ox}}{G_b} \cdot 100$$

бу ерда G_b, G_{ox} -бошланғич ва охириги ҳаво таркибидаги чангнинг оғирлик миқдори, г/с;

Бунда биринчи БНС-5 ники 84,0 %, иккинчи БНС-5 ники 82,8 %, учинчи БНС-5 ники 82,0 % ни, биринчи БНС-8 ники 84,8 %, иккинчи БНС-8 ники 85,8 % ни ташкил этади. Элеватор цехининг 3-қаватидаги 4 БЦШ-500 русумли чанг тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги 87,8 %, иккинчи 4 БЦШ-500 русумли чанг тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги 86,8 %, учинчи 4 БЦШ-500 русумли чанг тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги 86,6 % ни, тўртинчи 4 БЦШ-500 русумли чанг тозалаш ускунасининг самарадорлиги 86,7 % ни, кейинги қаватдаги 4 БЦШ-250 русумли чанг тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги 85,7 % ни, 4 БЦШ-400 русумли чанг тозалаш ускунасининг тозалаш самарадорлиги 85,1 % ни ташкил этади.

Элеватор цехидаги мавжуд фаолият кўрсатётганг аспирация тармоқлари ва чанг тозалаш ускуналари узоқ муддат ишлаши натижа-сида маънавий эскирганлиги туфайли чанг тозалаш самарадорликлари белгиланган меъёридан пасайишига сабаб бўлган.

Умумий ҳолатда механик тутиш газ оқимидаги қаттиқ заррачаларни ёхуд оғирлик кучи ёки энергия, ёхуд бу кучларнинг бирга-ликдаги таъсири ҳисобига тиндиришга асосланган. Агар гравитацион аппаратларда заррачаларнинг шахсий оғирлиги ҳал қилувчи ролга эга бўлса, инерцион тиндиргичларда ҳаво оқими йўналишининг ўзгариши таъминланади, бунда заррачаларнинг гравитацион массаси оқимдан ажраб чиқиб, уни инерция кучлари таъсири остида ҳаракатланишга мажбур қилади.

Аспирация системаларида қаттиқ чанг заррачаларга иккита куч таъсир қилади; оғирлик кучи $P = m \cdot g$ ва пастга ҳаракатланувчи ва ҳаво қаршилиги кучи; $R = K \cdot v_s^2$,

K -пропорционаллик коэффиценти, ҳаво ҳаракати тезлиги квадратига тўғри пропорционал, яъни юқорига ҳаракатланади.

Пастга ҳаракатланувчи чанг заррачалари доимий тезликка етишганда $P = R$ ва $m \cdot g = K \cdot v_s^2$ бўлади, у ҳолда

$$v_s = \sqrt{\frac{mg}{K}},$$

g - эркин тушиш тезлиги, м/с².

Заррачаларнинг ҳаво муҳитида ҳаракатланишдаги қаршилиги эса қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$R = cF \rho_x \frac{v_s^2}{2},$$

F - кесим юзаси, м², ρ_x - ҳаво зичлиги, кг/м³, бу ерда C - Рейнольдс сони функциясини боғлиқлик коэффиценти.

Л.С.Клячко формуласи бўйича аниқлаш мумкин

$$C = \frac{24}{Re} + \frac{4}{\sqrt{Re}}.$$

Рейнольдс сони қуйидаги формулада аниқланади:

$$Re = \frac{v_s d}{\nu_x},$$

d - заррача диаметри, мм; ν_x - ҳавонинг кинематик ёпишқоқлиги, Па·с.

У ҳолда, пропорционаллик коэффиценти K қуйидагига тенг бўлади.

$$K = CF \frac{\rho_x}{2}$$

тезлик

$$v_s = \sqrt{\frac{2mg}{cF\rho_x}}$$

Тезликни аниқлаш формуласидан кўриниб турибдики, чанг заррачалар оғирлик кучи таъсирида пастга ҳаракатланади.

Циклонли чанг тутгичлар ҳаво тозалаш ускуналарининг ишлаб чиқаришдаги энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Циклонларнинг кенг қўлланилиши уларнинг конструкцияси соддалиги, қўлланишда ишончилиги, уларни яшаш ва эксплуатация қилишга кетадиган нисбатан кам моддий сарф-ҳаражатлар билан изоҳланади.

Циклонларни юқори ҳарорат ва босимларда чанг тозалаш учун қўллаш мумкин. Улар ҳаракатланувчи қисмларга эга эмас, бу эса уларни эксплуатация қилишдаги ишончилигини оширади.

Циклоннинг чангланган ҳавонинг айланма ҳаракатини пайдо қилишга асосланган бўлиб, унда чанг заррачаларига циклон деворлари йўналиши бўйича таъсир кўрсатувчи марказдан қочма кучлар юзага келади. 15 мкм дан катта йирикликдаги қаттиқ ифлослантурувчилардан қуруқ чанг тозалаш ўта самарали ва конструкцияси бўйича оддий бўлган инерцион таъсирли аппаратлар – циклонларда таъминланади. Амалиётимизда энг кўп тарқалганлари – бу ЦН типдаги чангларни тозалаш илмий-текширув инсти тутунинг (НИИОгаз), Ленинград (ЛИОТ) ва Свердловск (СИОТ) меҳнатни муҳофаза қилиш институтларининг циклонларидир.

Умумий ҳолатда, қуруқ тозаловчи циклонли аппаратда чанг-ҳавонинг спиралсимон оқими циклоннинг диаметри камайишига қараб оқимнинг айланма тезлиги ортиб борадиган пастки конуссимон қисмига томон ҳаракатланади. Кейин оқим йўналишини ўзгартиради ва юқорига чиқариш қувурига томон силжийди.

Юқорида таърифланган заррачаларнинг тавсифи унинг циклоннинг ички деворига тегиши, ишқаланиш кучи P_t пайдо бўлиши ва оғирлик кучи таъсири заррачаларнинг остида циклоннинг махсус тармоғи – чанг коллектори томон силжиши билан яқунланади. Коллектор иккита тикин билан жиҳозланган – чангни туширишда пастки тикин очилади, юқоридагиси эса коллекторни аппаратнинг иш зонасидан ажратган ҳолда ёпилади, бу эса чангни циклонни чанг тутиш тизимидан ўчирмаган ҳолда туширишни амалга ошириш ва аппарат герметиклигини таъминлаш имконини беради.

Аппаратнинг диаметри қанчалик кичик ва ундаги газлар ҳаракати тезлиги қанчалик катта бўлса, чанг заррачаларини циклонли аппаратларда тутиш унумдорлиги ортади.

Катта тезликдаги чанггаз ҳажмларини тозалаш зарурияти туғилганда, унинг яқка циклондаги ҳаракати максимал бўлган тезликдан ортиқ бўлиши мумкин, аппарат диаметрини каттайтириш эса шубҳасиз тозалаш унумдорлигини пасайтиради, шу сабабли циклонлар гуруҳини шакллантирган ҳолда, бир нечта аппаратлар ўрнатилади. Амалётда икки, тўрт, олти ва саккиз циклондан иборат гуруҳлар қўлланилади. Гуруҳдаги циклонлар сони тозаланаётган чанглар ҳажмини уларнинг миқдорига бўлинишини белгилаб беради.

Агар унумдорлик етарли даражада бўлмай қолса, циклоннинг ўлчамларини кичрайтириш, яъни унинг тезлиги ва гидравлик қаршилигини ошириш лозим бўлади. Бунда циклонда газ тозалаш даражаси ортади. Агар бу ҳам етарли бўлмаса, циклоннинг бошқа, янада унумдорроқ турига, масалан, ЦН-24 дан ЦН-15 га ёки ЦН-

15 дан ЦН-11 га ўтиш лозим. Бунда унинг аэродинамик қаршилигини камайтириш ва самарадорлигинихам ошириш лозим.

Инерция қонунлари асосий роль ўйнаганида чанг заррачаларининг айланаётган ҳаво оқимидаги хусусиятлари бу аппаратларни етарли даражада юқори бўлган умумий тозалаш самарадорлиги ҳисобланади, шу сабабли йириклиги 5 мкм дан ортиқ бўлган фракциялар учун одатда тозалашнинг яқунловчи босқичида қўшимча равишда юққа фракцияларни тутувчи (қўлқопли ёки электр филтрлари, намли тозалаш аппаратлари ва бошқалар) аппаратлар қўлланилади.

Хулоса. Жиззахдонмаҳсулотлари корхонаси элеватор цехидаги мавжуд 4 БЦШ- 250 дан 4 БЦШ-550гача русумдаги чанг тозалаш ускуналарини ЦН-15, ЦН-15у, ЦН-24, ЦН-11 русумли чанг тозалаш ускуналарига алмаштирилса тозалаш самарадорлиги 8-10 фоизга ошиши кутилади.

Атмосферага ташланадиган ифлослантурувчи моддаларни камайтириш мақсадида амалга оширилиши кўзда тутилган чора-тадбирлар бажарилса, яъни 4 БЦШ-250 – 4 БЦШ-550 лар циклонлар ўрнига ЦН-15, ЦН-24 русумли қуруқ циклонлар ўрнатилиши ҳисобига корхона ҳудудининг иш зонасида атмосфера ҳавосини ифлослантурувчи манбалардан ташланаётган ғалла чангининг ҳаво таркибидаги энг катта концентрацияси РЭЧМ га нисбатан 0,91 РЭЧМ ни, корхона чегарасида ташқарида, аҳоли пунктида РЭЧМ га нисбатан 0,48 РЭЧМ ни ташкил этади.

Адабиётлар

1. Богословский В.Н., “Отопление и вентиляция” ЧП “Вентиляция” М. Стройиздат, 1976 .439 стр. – дарслик.
2. Белов П.С., Голубева И.А. Экология производства химических продуктов из углеводородов нефти и газа. – М.: Химия, 1991. – 256 с.
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантурувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисба олиш ва ифлослантурувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сонли “Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
5. Корхоналарда ҳосил бўладиган ифлослантурувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосидаги сифминини аниқлаш қўлланмаси. ОНД -86, Госкомгидромет Л., Гидрометеоздат 1987 й.

НАЗНАЧЕНИЕ ПРИЕМНОЙ И ПЕРЕДАЮЩЕЙ АНТЕННЫ

Хатамов А., старший преподаватель (Самаркандский филиал ТУИТ)

Антенналарнинг асосий хусусиятлари - электромагнит тўлкинларни самарали қабул қилиш ёки электромагнит майдонда белгиларнагн йўналишда тарқатишдан иборатдир. Йўналтирилган антенналар хусусиятлари, уларнинг бажарилаётган вазифалари бўйича аниқланади. Бундай хусусиятлар улардаги техник параметрлар, яъни йўналтирилган поласа кенглиги, ёнбош нурланиш сатҳи ёки даражаси, ҳамда йўналтирилган ҳаракат коэффициентлари билан баҳоланади.

The main property of antennas is to provide effective reception of electromagnetic signals or radiation of an electromagnetic field in a certain direction. The directional properties of the antenna are described by the characteristic (pattern) of the directivity. Quantitatively, these properties are evaluated using parameters such as the width of the diagram for direction, the level of the side lobes, and the directivity coefficient.

Антенной называется радиотехническое устройство, предназначенное для излучения или приема электромагнитных волн. Антенна является одним из важнейших элементов любой радиотехнической системы, связанной с излучением или приемом радиоволн. К таким системам относят: системы радиосвязи, радиовещания, телевидения, радиуправления, радиорелейной связи, радиолокации, радиоастрономии, радионавигации и др.

В конструктивном отношении антенна представляет собой провода, металлические поверхности, диэлектрики, магнитодиэлектрики. Назначение антенны поясняется упрощенной схемой радиолинии. Электромагнитные колебания высокой частоты, модулированные полезным сигналом и создаваемые генератором, преобразуются передающей антенной в электромагнитные волны и излучаются в пространство. Обычно электромагнитные колебания подводят от передатчика к антенне не непосредственно, а с помощью линии питания (линия передачи электромагнитных волн, *фидер*).

При этом вдоль фидера распространяются связанные с ним электромагнитные волны, которые преобразуются антенной в расходящиеся электромагнитные волны свободного пространства.

Приемная антенна улавливает свободные радиоволны и преобразует их в связанные волны, подводимые с помощью фидера к приемнику. В соответствии с принципом обратимости антенн свойства антенны, работающей в режиме передачи, не изменяются при работе этой антенны в приемном режиме.

Устройства, аналогичные антеннам, применяются также для возбуждения электромагнитных колебаний в различных типах волноводов и объемных резонаторов. [1]

Свойства направленности антенны описывают *характеристикой (диаграммой) направ-*

ленности. Количественно эти свойства оценивают с помощью таких параметров, как ширина диаграммы направленности, уровень боковых лепестков, коэффициент направленного действия (КНД) и других. Важным параметром является *входное сопротивление антенны*, характеризующее ее как нагрузку для генератора или фидера. Входным сопротивлением антенны называется отношение напряжения между точками питания антенны (зажимы антенны) к току в этих точках. Если антенна питается волноводом, то входное сопротивление определяется отражениями, возникающими в волноводном тракте. В общем случае входное сопротивление – величина комплексная:

$$Z_{\text{вх}} = R_{\text{вх}} + iX_{\text{вх}} \quad (1)$$

Оно должно быть согласовано с волновым сопротивлением фидерного тракта (или с выходным сопротивлением генератора) так, чтобы обеспечить в последнем режим, близкий к режиму бегущей волны.

Мощность, излучаемая антенной P_{Σ} связана с током в точках питания антенны соотношением

$$P_{\Sigma} = I_0^2 R_{\Sigma 0} / 2, \quad (2)$$

где $R_{\Sigma 0}$ – активная составляющая входного сопротивления антенны; при отсутствии потерь в ней ($\eta = 1$) – это *сопротивление излучения*. Данное определение относится к проволочным антеннам.

Одним из основных параметров антенны является ширина ее *рабочей полосы частот*, в пределах которой параметры антенны (характеристика направленности, входное сопротивление, КПД и др.) удовлетворяют определенным техническим требованиям. Требования к постоянству параметров антенны в пределах рабочей полосы могут быть различными; они зависят от условий работы антенны. [2]

Антенны можно классифицировать по различным признакам: по диапазонному принципу, по характеру излучающих элементов (антенны с линейными токами, или *вибраторные антенны*, антенны, излучающие через раскрыв – *апертурные антенны*, антенны *поверхностных волн*); по виду радиотехнической системы, в которой используется антенна (антенны для радиосвязи, для радиовещания, телевизионные и др.). Будем придерживаться диапазонной классификации. Хотя в различных диапазонах волн очень часто применяют антенны с одинаковыми (по типу) излучающими элементами, однако конструктивное выполнение их различное; значительно отличаются также параметры этих антенн и требования, предъявляемые к ним.

Рассматриваются антенны следующих волновых диапазонов (названия диапазонов даются в соответствии с рекомендациями “Регламента радиосвязи”; в скобках указываются названия, широко распространенные в литературе по антенно-фидерным устройствам): *мираметровые* (сверхдлинные) волны ($\lambda = 10 \dots 100$ км); *километровые* (длинные) волны ($\lambda = 1 \dots 10$ км); *гектометровые* (средние) волны ($\lambda = 100 \dots 1000$ м); *декаметровые* (короткие) волны ($\lambda = 10 \dots 100$ м); *метровые* волны ($\lambda = 1 \dots 10$ м); *дециметровые* волны ($\lambda = 10$ см \dots 1 м); *сантиметровые* волны ($\lambda = 1 \dots 10$ см); *миллиметровые* волны ($\lambda = 1 \dots 10$ мм). Последние четыре диапазона иногда объединяют общим названием “ультракороткие волны” (УКВ). [2]

Классификация антенн [4]:

- Вибраторная антенна
 - Симметричный вибратор
 - Несимметричный вибратор
- Щелевая антенна
 - Волноводно-щелевая антенна
 - Щелевой вибратор
- Апертурная антенна
 - Рупорная антенна
 - Зеркальная антенна
- Антенна бегущей волны
 - Директорная антенна
 - Волновой канал
- Логопериодическая антенна (Логарифмическая периодическая антенна)
- Фазированная антенная решётка
 - Пассивные ФАР
 - Активные ФАР - с нелинейными преобразованиями сигнала в полотно решётки

Цифровая антенная решётка - активная ФАР с применением алгоритмов цифровой обработки сигнала непосредственно в полотно

- Антенны диапазона СВЧ
 - Микрополосковая антенна
 - Патч-антенны
 - Сингулярная антенна

Для получения высокой направленности излучения, часто требуемой на практике, можно использовать систему слабонаправленных антенн, таких как вибраторы, щели, открытые концы волноводов, и других, определенным образом расположенных в пространстве и возбуждаемых токами с требуемым соотношением амплитуд и фаз. В этом случае общая направленность, особенно при большом числе излучателей, определяется в основном габаритными размерами всей системы и в гораздо меньшей степени – индивидуальными направленными свойствами отдельных излучателей.

К числу таких систем относят *антенные решетки* (АР). Обычно АР называется система идентичных излучающих элементов, одинаково ориентированных в пространстве и расположенных по определенному закону. В зависимости от расположения элементов различают *линейные*, *поверхностные* и *объемные* решетки, среди которых наиболее распространены *прямолинейные* и *плоские* АР. Иногда излучающие элементы располагаются по дуге окружности или на криволинейных поверхностях, совпадающих с формой объекта, на котором расположена АР (*конформная АР*).

Простейшей является линейная АР, в которой излучающие элементы располагаются вдоль прямой, называемой *осью решетки*, на равных расстояниях друг от друга (*эквидистантная АР*). Расстояние d между фазовыми центрами излучателей называют *шагом решетки*. Линейная АР помимо самостоятельного значения является часто основой при анализе других типов АР. [5]

Литература:

1. Уайт Д. Электромагнитная совместимость радиоэлектронных средств и непреднамеренные помехи: Пер. с англ. Вып. 3/Под ред. А. Д. Князева. — М.: Сов. радио, 1979. — 464 с.
2. Винокуров В. И., Пащенко Е. Г., Харченко И. П. Электромагнитная совместимость судового радиооборудования. — Л.: Судостроение, 1977. — 232 с.
3. Иванов В. А., Ильицкий Л. Я., Фузик М. И. Электромагнитная совместимость радиоэлектронных средств. — Киев: Технша, 1983. — 118 с.
4. Егоров Е. И., Калашников Н. И., Михайлов А. С. Использование радиочастотного спектра и не-

преднамеренные помехи. — М.: Радио и связь, 1985.— 400 с.

5. Отт Г. Методы подавления шумов и помех в электронных системах. — М.: Мир, 1979. —318 с.

6. Электромагнитная совместимость радиоэлектронных средств и систем/В. И. Владимиров, А. Л.

Докторов, Ф. В. Елизаров и др.; Под ред. Н. М. Царькова. — М.: Радио и связь, 1985. — 400 с.

7. Михайлов А. С. Измерение параметров ЭМС РЭС. — М.: Связь, 1980.— 200 с.

8. Хейл У. К. Присвоение частот. Теория и приложения. — ТИИЭР, 1980, т. 68, № 12, с. 55—76.

ҚУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА СТРОИТЕЛЬСТВА И УПРАВЛЕНИЕ

УДК 379.8

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРОПЕРАТОРЛИК ФИРМАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Нурфайзиёва М. З. ассистент (ТДИУ),
Нурфайзиёв З. Б. катта ўқитувчи (СамДАҚИ)

В статье рассматривается роль конкуренции в туристическом бизнесе, конкурентной среде и развитии туристического рынка в Узбекистане. Конкурсная среда изучалась на основе экономических показателей нескольких ведущих туроператоров в Самарканде.

The article deeply analyzes the importance of tourism business and private entrepreneurship in the economy of the Republic of Uzbekistan, its state of the tourism economy, the author offers suggestions and recommendations for its development in the national tourism economy.

Кириш. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат – бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир», деб таъкидлаганлар [1]. Бозор механизмининг асосий таркибий қисмларидан бири рақобат ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ўзининг етуқлик даражаси ва ривожланиш хусусиятларидан қатъий назар рақобатнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти ривожланиб бориши билан рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб, ўз шакллари ўзгартириб боради. Турфирма фаолиятининг асосий муаммоларига: туристик хизматлар бозоридан юқори рақобат – 60.8%, давлат томонидан туризмни ривожлантиришга кўмак етарли бўлмаган – 55.0%, ўз маблағларининг етишмовчилиги – 51.7%, истеъмолчиларнинг тўловга қобилиятсизлиги - 49 % каби омилларни кўрсатишди [4]. Муаммоларнинг муҳимлиги туристик бозорда ҳар хил муддат давомида ишлайдиган фирмалар томонидан тақдим этилмоқда. Бир йилдан кам ишлайдиган фирмалар энг кучли рақобатга учрамоқда. Беш йилдан кўп амал қилувчи фирмалар бу муаммони тўртинчи ўринга қўйган, ёш фирмалар эса давлат кўмагига кўпроқ ишонч ҳосил қилишади, шу билан бирга ўз кучига ишонган фирмалар муҳимлиги бўйича бу муаммони иккинчи ўринга қўйишган.

Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.

Россиялик олимлар М.А. Жукова ва Н.Н. Кабушкиннинг фикрларига кўра, рақобатчиларни ўрганишда қуйидаги бир нечта саволлар-

га жавоб топиш лозим.

1. Рақобатчилар бозорда қандай улушга эга ва (маҳсулот ва бозор кўринишида)?
2. Рақобатчиларнинг маҳсулот аборооти даражаси?
3. Рақобатчилар маҳсулоти ўзига хослиги қай даражада?
4. Рақобатчи маҳсулотнинг сотув шакли қандай ташкил этилган?
5. Рақобатчининг нарх сиёсати қандай?
6. Нарх ёки сифатга қаратилганлик? Рақобатчилар товарларида қандай сифат кўрсаткичлари мавжуд?
7. Рақобатчилар рекламанинг қайси туридан фойдаланмоқда?
8. Миқдорларга хизмат кўрсатиш қандай ташкиллаштирилган?
9. Рақобатчиларнинг етказиб бериш муҳлати қандай?
10. Рақобатчилар маҳсулотининг кўриниши ва шакли қандай?
11. Рақобатчиларнинг маҳсулотни силжитиш тажрибаси қандай?
12. Рақобатчи маҳсулоти қайси давлатларга экспорт қилинади?
13. Рақобатчиларга хорижий бозорлардан қандай улуш келади? (1)

Иқтисодчи олимларимиздан М.Қ. Пардаевнинг фикрларича, туризмнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун унинг ҳар бир субъектини рақобатбардош ҳолатга келтиришни тақозо қилади. Бу эса туризм соҳасида рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш заруратини туғдиради [5].

Тадқиқот методологияси.

Куйида Самарқанд шаҳридаги йирик туристик фирмалар фаолиятини мисол қилиб олиш мумкин.

“SOGDA TOUR” туроператорлик фирмаси. Бу туристик корхона 1995 – йилдан буён Ўрта Осиёдаги энг етакчи туроператорлик фирмаларидан бири ҳисобланади.

2013 – йил маълумотлари асосида туристик фирмада куйидаги иқтисодий кўрсаткичларни кўришимиз мумкин:

Тур (туристлар сони) – 172 та;

Тфт (туристик фаолиятдан тушган тушум) – 302508 минг сўм;

Иқтисодчи олимларнинг Самарқанд шаҳар туристик корхоналарида олиб борган тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, ЎХ (ўзгарувчан харажатлар) туристик фаолиятдан тушган тушум (Тфт) нинг 82% ни ташкил қилар экан. ДХ(доимий харажатлар) эса 8%ни ташкил қилар экан.

Демак, **“SOGDA TOUR” туроператорлик фирмасида,**

ЎХ – 248056.5 минг сўм;

ДХ – 24200.64 минг сўм;

УХ – 272257.14 минг сўм;

$\Phi = \text{Тфт} - \text{УХ} = 30250.86$ минг сўм;

$\text{Мд} = \Phi + \text{ДХ} = 54451.5$ минг сўм;

“Соғда тоур” туристик корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари, молиявий мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлик кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

$\text{Иб} = \Phi / \text{Мд} = 0.55;$

Корхонада иқтисодий барқарорлик $\text{Иб} < 1$, демак бу корхона иқтисодий барқарор эмас.

Ибк (корхонинг иқтисодий барқарорлик коэффициентини) = $\text{Иб} * 100 = 55.55;$

Тфмд (туристик фаолиятда маржинал даромад) = $\text{Мд} / \text{тур} = 316.57;$

Тис (туристик фаолиятда иқтисодий самардорлик) = $\text{Тфт} / \text{тур} = 1758.76;$

Тфнм (туристик фаолиятнинг фойдалилик нуқтаси миқдори) = $\text{Мд} / \text{Тфмд} = 172.004$ киши;

Им (корхонанинг молиявий мустаҳкамлик коэффициентини) = $\text{Тфнм} / \text{Тур} = 1.0002 \%$;

Демак, $\text{Им} > 1$ бу туристик фирма иқтисодий мустаҳкамлиги 1 дан катта, “Соғда Тоур” туроператорлик фирмаси 2013-йилда фойда билан ишлаган.

Крб (корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги) = $\text{Тфт} / \text{Тфнс} =$

Тфнс (туристик фаолият фойдалилик нуқтаси суммаси) = $\text{Тис} * \text{Тур} = 302496.4$ минг сўм;

$\text{Крб} = \text{Тфт} / \text{Тфнс} = 1.00003 \%$

Демак, бу туристик фирманинг молиявий

мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги $\text{Крб} > 1$, корхона рақобатбардош.

“SARBON TOUR” туристик фирмаси. Бу корхона Самарқанд шаҳрида 8 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб шаҳримиздаги етакчи туристик корхоналардан бири ҳисобланади. Ушбу туристик фирманинг 2013 – йилдаги натижалари куйидагича:

Тур – 2803 киши;

Тфт – 1721326.1 минг сўм;

ЎХ – 1411487.4 минг сўм;

ДХ – 137706.08 минг сўм;

УХ – 1549193.4 минг сўм;

$\Phi = \text{Тфт} - \text{УХ} = 172132.62$ минг сўм;

$\text{Мд} = \Phi + \text{ДХ} = 309838.7$ минг сўм;

$\text{Иб} = \Phi / \text{Мд} = 0.55;$

Корхонада иқтисодий барқарорлик $\text{Иб} < 1$, демак бу корхона иқтисодий барқарор эмас.

Ибк (корхонинг иқтисодий барқарорлик коэффициентини) = $\text{Иб} * 100 = 55.55;$

Тфмд (туристик фаолиятда маржинал даромад) = $\text{Мд} / \text{тур} = 110.538$ минг сўм;

Тис (туристик фаолиятда иқтисодий самардорлик) = $\text{Тфт} / \text{тур} = 614.101;$

Тфнм (туристик фаолиятнинг фойдалилик нуқтаси миқдори) = $\text{Мд} / \text{Тфмд} = 2803$ киши;

Им (корхонанинг молиявий мустаҳкамлик коэффициентини) = $\text{Тфнм} / \text{Тур} = 0.039 \%$;

Демак, $\text{Им} < 1$ бу туристик фирма иқтисодий мустаҳкамлиги 1 дан кичик, “Сарбон- Тоур” туроператорлик фирмаси 2013-йилда харажатларни қоплай олмаган, зарар билан ишлаган.

Тфнс (туристик фаолият фойдалилик нуқтаси суммаси) = $\text{Тис} * \text{Тур} = 17213228.9$ минг сўм; Крб (корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги) = $\text{Тфт} / \text{Тфнс} = \text{Крб} = \text{Тфт} / \text{Тфнс} = 0.1000 \%$

Демак, бу туристик фирманинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги $\text{Крб} < 1$, корхона рақобатбардош эмас.

“KARAVAN TRAVEL” туристик фирмаси. Бу фирманинг 2013 – йил кўрсаткичлари куйидагича:

Тур – 295 киши; Тфт – 477659 минг сўм; ЎХ – 391680.3 минг сўм;

ДХ – 38212.72 минг сўм; УХ – 429893.02 минг сўм;

$\Phi = \text{Тфт} - \text{УХ} = 47765.9$ минг сўм;

$\text{Мд} = \Phi + \text{ДХ} = 85978.7$ минг сўм; $\text{Иб} = \Phi / \text{Мд} = 0.55;$

Корхонада иқтисодий барқарорлик $\text{Иб} < 1$, демак бу корхона иқтисодий барқарор эмас. Ибк (корхонинг иқтисодий барқарорлик коэффициентини) = $\text{Иб} * 100 = 55.55;$

Тфмд (туристик фаолиятда маржинал даро-

мад) = Мд/тур = 291.45 минг сўм;

Тис (туристик фаолиятда иқтисодий самардорлик) = Тфт/тур = 161.918;

Тфнм (туристик фаолиятнинг фойдалилик нуқтаси миқдори) = Мд/Тфмд = 295.003 киши;

Им(корхонанинг молиявий мустаҳкамлик коэффисенти) = Тфнм/Тур = 1.00001 %;

Демак, Им>1 бу туристик фирма иқтисодий мустаҳкамлиги 1 дан катта, “Караван Травел” туроператорлик фирмаси 2013-йилда харажатларни қоплай олган, фойда билан ишлаган.

Тфнс (туристик фаолият фойдалилик нуқтаси суммаси) = Тис*Тур = 47765.9 минг сўм;

Крб (корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги) = Тфт/ Тфнс =

$$\text{Крб} = \text{Тфт}/\text{Тфнс} = 10\%$$

Демак, бу туристик фирманинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги Крб>1, корхона рақобатбардош деб айтиш мумкин.

С.А.Т.І.А (САРАВАН САРАЙ) туристик фирмаси. Бу фирмада 2013 – йилда қуйидаги натижаларга эришган:

Тур – 1427 киши; Тфт – 1275945.7 минг сўм; УХ – 1046275.4 минг сўм;

ДХ – 102075.65 минг сўм; УХ – 1148351.05 минг сўм;

Ф = Тфт – УХ= 127594.65 минг сўм; Мд = Ф+ДХ = 229670.3 минг сўм;

$$\text{Иб} = \text{Ф}/\text{Мд} = 0.55;$$

Корхонада иқтисодий барқарорлик Иб<1,

демак бу корхона иқтисодий барқарор эмас.

Ибк (корхонинг иқтисодий барқарорлик коэффисенти) = Иб*100 = 55.55;

Тфмд (туристик фаолиятда маржинал даромад) = Мд/тур = 160.9 минг сўм;

Тис(туристик фаолиятда иқтисодий самардорлик) = Тфт/тур = 894.14;

Тфнм(туристик фаолиятнинг фойдалилик нуқтаси миқдори) = Мд/Тфмд =1427.41 киши;

Им (корхонанинг молиявий мустаҳкамлик коэффисенти) = Тфнм/Тур = 1 %;

Демак, Им=1 бу туристик фирма иқтисодий мустаҳкамлиги 1 га тенг, “С.А.Т.І.А (САРАВАН САРАЙ)” туроператорлик фирмаси 2013-йилда харажатларни қоплай олган, фойда ҳам кўрмаган, зарар ҳам кўрмаган.

Тфнс(туристик фаолият фойдалилик нуқтаси суммаси) = Тис*Тур = 1275738 минг сўм;

Крб(корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги) = Тфт/ Тфнс =

$$\text{Крб} = \text{Тфт}/\text{Тфнс} = 1\%$$

Демак, бу туристик фирманинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги Крб=1, корхона рақобат муҳитида зарар ҳам фойда ҳам кўрмайди.

Таҳлил ва натижалар.

3-жадвалда юқоридаги барча туристик корхоналарни ИБ (иқтисодий барқарорлиги)ни таққослаймиз.

1-жадвал*

Кўрсаткичларнинг номи	“SOGDA TOUR”	“SARBON TOUR”	“KARAVAN TRAVEL”	С.А.Т.І.А (САРАВАН САРАЙ)
1. Туристлар сони, киши	172	2803	295	1427
2. Туристик фаолиятдан тушган тушум, минг сўм	302508	1721326.1	477659	1275945.7
3. Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	248056.5	1411487.4	391680.3	1046275.4
4. Доимий харажатлар, минг сўм	24200.64	137706.08	38212.72	102075.6
5. Умумий харажатлар, минг сўм	272257.14	1549193.4	429893.02	1148351.05
6. Фойда, минг сўм	30250.86	172132.62	47765.9	127594.65
7. Маржинал даромад, минг сўм	54451.5	309838.7	85978.7	229670.3
8. Иқтисодий барқарорлик коэффисенти %	55.56	55.58	55.53	55.55

* Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд бўлими маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган турфирмаларнинг барчасининг иқтисодий барқарорлиги деярли бир хил. Етакчи ўринда, “KARAVAN TRAVEL” корхонаси дейиш мумкин.

2-жадвал**.

Кўрсаткичларнинг номи	“SOGDA TOUR”	“SARBON TOUR”	“KARAVA TRAVEL”	С.А.Т.І.А (САРАВАН САРАЙ)
1. Туристлар сони, киши	172	2803	295	1427
2. Туристик фаолиятдан тушган тушум, минг сўм	302508	1721326.1	477659	1275945.7
3. Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	248056.5	1411487.4	391680.3	1046275.4

4. Доимий харажатлар, минг сўм	24200.64	137706.08	38212.72	102075.6
5. Умумий харажатлар, минг сўм	272257.14	1549193.4	429893.02	11483551.0
6. Фойда, минг сўм	30250.86	172132.62	47765.9	127594.65
7. Маржинал даромад, минг сўм	54451.5	309838.7	85978.7	229670.3
8. Иқтисодий барқарорлик коэффисиенти %	55.56	55.58	55.53	55.55
9. Туристтик фаолиятда маржинал даромад, минг сўм	316.57	110.538	291.45	160.9
10. Иқтисодий самарадорлик	1758.76	614.101	161.918	894.14
11. Иқтисодий мустаҳкамлик, %	1.002	0.039	1.0001	1
12. Туристтик фаолиятда нафлилик миқдори, киши	172.004	2803	295.0003	1427.41
13. Туристтик фаолиятда нафлилик суммаси	302496.4	17213228.9	47765.9	1275738
14. Туристтик фаолиятнинг молиявий мустаҳкамлиги ёки рақобатбардошлиги	1.0003	0.1000	10	1
Туристтик фирманинг рақобатбардошлиги бўйича эгаллаган ўрни	ИИ	ИВ	И	ИИИ

** Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Самарқанд бўлими маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-жадвал маълумотлари орқали Самарқанд шаҳридаги тўртта туристик фирманинг иқтисодий кўрсаткичларини кўришимиз мумкин. Жадвалда аниқ бўлишича туристик бозорда рақобат жангида “Караван Травел” туристик фирмасини молиявий мустаҳкам рақобатбардош деб айтиш мумкин. Лекин биз бу кўрсаткичларни ҳисоблашда И ўзгарувчан ва доимий харажатларни бир хил, яъни тадқиқотлар натижасига қараб, тахминий 82% ва 8% қилиб олдик.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, туризм бозорини рақобатни кучли деб айтиш қийин. Рақобат кучли эмас экан ривожланиш бўлмайди. Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, энг етакчи туристик корхоналаримиз кўрсаткичлари жуда паст экан. Ўзбекистонда туризмни ривожланиши туристик корхоналар-

нинг фаолиятига боғлиқ. Нафақат туроператорлик фирмалари фаолиятини балки туризмда фаолият кўрсатаётган бошқа секторлар яъни бошқа корхоналар иқтисодий кўрсаткичлари тўғри ва аниқ ҳисобланиб тўғри тавсиялар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда». Т.: Ўзбекистон, 1999, 34-бет.
2. Кабушкин Н.Н. Менежмент туризма. «Новые знания». Учебник. Москва, 2001.
3. Жукова М.А. Индустрия туризма. Менежмент организации. М.: «Финансы и статистика», 2000.
4. Тухлиев И.С ва бошқалар, “Туризмни режалаштириш”. Иқтисод-молия-2010, дарслик.
5. Пардаев М.Қ. Турфирмалар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили. Самарқанд-2011, маърузалар матни. 113 б.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ФОНД БОЗОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Жалилов Ш.З.; Омонов Ш.Б. (СамИСИ)

Мақолада мамлакатда фонд бозорининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Жумладан, инвестицияларни жалб қилишда фон бозорининг ҳиссасини ҳамда бу масалани ёритиб бериш ва бу масалага бир қанча амалий таклифлар берилган.

В статье рассматривается важность фондового рынка страны. В частности, оценен вклад фоновой биосферы в привлечение инвестиций. Даны некоторые практические рекомендации.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ва бугунги кунда микро ва макро даражаларда интенсив тарзда кечаяётган жараёнларнинг таҳлили, Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харажатлар стратегиясида белгиланган бешта устувор йўналишларнинг мазмуни миллий иқтисодиётни юксалтиришда, янги иш ўринларини яратишда, аҳоли

реал даромадларини кўпайтиришда янги имкониятлар вужудга келаётганлиги тўғрисида асосли хулоса чиқариш имконини берса, жорий 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йили деб эълон қилиниши эса бунга кенг замин яратади.

Лекин узил-кесил ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Халқаро ва-

люта фонди маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингида 187 мамлакат ўртасида 134-ўринда турибди. Ваҳоланки, Ўзбекистон жуда бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга давлат. [1]

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ЯИМдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. [1]

Мустақилликни кўлга киритганидан сўнг замонавий бозор муносабатларини ривожлантиришни мақсад қилган Ўзбекистонда фонд бозорини шакллантириш эҳтиёжи юзага келиб, ҳозирги кунда у ўз иштирокчиларига ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган барқарор фаолият юритувчи институтга айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон фонд бозори муҳим ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бу борада ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан муваффақиятларга эришилмоқда. Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

- фонд бозоридagi савдо айланмаларининг ўсиши;
- битимлар иденсификация;
- умумий савдо ҳажмида биржа сегментининг доимий равишда ўсиши;
- бутун фонд бозори инфратузилмасининг ривожланиши; қонуний базанинг такомиллашиши.

Бугунги кунда хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон ундаги барқарорлик, асосий энергия ресурсларининг нисбатан арзон қийматга эгаллиги, зарурий хомашёнинг мавжудлиги, маблака ва юқори даражада рақобатбардош ишчи кучи каби кўрсаткичлар бўйича минтақадаги бошқа мамлакатлар орасида ҳар томонлама ижобий аҳамиятга эга бўлган ва манфаат келтирадиган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан иқтисодий ўсишни янада жадаллаштириш, хусусан, ишлаб чиқаришга фақат юқори технологияларни жалб этиш мақсадида максимал даражада қулай ва жозибали инвестицион муҳитни яратишга ҳаракат қилинмоқда. Президентимиз томонидан 2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ

битим ва келишувларга эришилди. Қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда. [1]

Хулоса қилиб айтсак, мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали нафақат янги корхоналарни барпо этиш, балки собиқ Иттифоқ давридан қолган эскирган асбоб-ускуналарга эга корхоналарни энергия тежовчи илғор технологиялар билан янгилаш бўйича кўплаб ижобий муваффақиятларга эришилмоқда. Умид қиламизки, яқин келажакда бундай муваффақиятларнинг давоми сифатида мамлакатимизнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар фаолият юритувчи барча ҳудудларида замонавий такомиллашган хизмат кўрсатиш инфратузилмалари ривожлантирилади.

Кўплаб мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар очиқ бозор шароитида рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар таклиф эта оладиган корхоналарни миллий иқтисодиётга жалб этиш имконияти сифатида эътироф этилади. Жумладан, ҳар йили 3 миллиарддан кўпроқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилмоқда. Мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 85,5 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади, давлат кафолати остида жалб қилинганлари эса 14,5 фоизни ташкил этади [9]. Албатта бу хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти ишончилигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда рағбати ортаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри инвестициялар мамлакатларда, хусусан, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва бандликни оширишнинг муҳим омили сифатида талқин этилади. Айнан шунинг учун ҳам, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар орасида хорижий капиталнинг ушбу тури учун курашда юқори рақобат кузатилади.

Инвестициялар бўйича халқаро ҳисоботга кўра, сўнгги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қуйидаги 3 та асосий шаклда амалга оширилмоқда:

1. Сотиб олиш бирлашиш (Acquisitions & Mergers)
2. Нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар (Greenfield investment).
3. Қўшма корхоналар (Joint ventures).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг энг катта ҳажми сотиб олиш бирлашишга тўғри келади (90% атрофида), 1% дан камроғи нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар ҳиссасига тўғри келса, 10% атрофида қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Қўшма корхона ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Иқтисодий адабиётда қўшма корхона иккига бўлинади: шартнома асосидаги қўшма корхона (Kontraktual - JV) ва капитал иштирокидаги қўшма корхона (Yequity - JV). Биринчи турдаги қўшма корхонада капиталнинг иштироки назарга тутилмайди, иккинчи турдагиси бўлса, тор доирадаги қўшма корхона сифатида эътироф этилади. Биринчи турдаги қўшма корхона фаолияти лицензиялар тўғрисидаги қелишувлар, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнини, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ риск омилсиз назоратни амалга ошириш имкониятини берадиган турли-туман шартномаларни ўзида камраб олади. Одатда, қўшма корхона бўйича хорижий ҳамкорлар мажоритар иштирок этишга (50% дан ортиқ бўлган улуш) эришиш орқали ўз улушларини оширишга ҳаракат қиладилар. Масалан, 1970-1980 йилларда АҚШ корпорациялари қўшма корхоналардаги ўз улушларини 70-80% гача таъминлай олган. [5]

Жаҳон тажрибасига кўра, қўшма корхоналар асосан қуйидаги ҳолатларда вужудга келади: ҳамкорлар ва уларнинг мамлакатлари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлган шароитда хорижий инвестор учун ўз хусусий рискларини тақсимлаш имконияти юзага келади. Масалан, Европа мамлакатларининг Таиландаги ишлаб чиқариш секторига йўналтирган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 16% и “нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар” ҳиссасига тўғри келса, қолган 84% и қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бунда ривожланган мамлакатларнинг трансмиллий корпорацияларига хос бўлган сотиб олиш бирлашиш шакли деярли амал қилмайди [9].

Хусусан, бундай умумжаҳон йўналиш Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бошланғич даврида намоён бўлиб, бунда хорижий инвесторлар, айниқса Ўзбекистоннинг йирик инвестор мамлакатлари асосан қўшма корхона шаклидаги корхоналарни яратишга интилди (хорижий корхона мақомидаги корхонани яратишга нисбатан камроқ даражада эътибор қаратилди). Қабул қилувчи мамлакатда трансмиллий корпорациянинг технологик ишлаб чиқариш даражаси қанчалик юқори шаклланса, мажоритар ваколатхоналар ёки

100% лик капиталга эга чет эл фирмаларини яратишга бўлган талаб шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшма корхона шакли сотиб олиш бирлашиш шакли сингари кенг тарқалмаган. Бир қатор мамлакатларда қўшма корхоналарнинг яратилиши бозордаги янгилик, бозордаги вазиятнинг алоҳида такомиллашмаган йўналишлари, миллий ҳукуматларнинг хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи бўйича сиёсатлари билан белгиланади. Масалан, Беларусь Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги 4218 та тижорат ташкилотларидан фақат 54 таси трансмиллий корпорацияларнинг филиалларини намоён этган бир пайтда аҳоли жон бошига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича етакчи мамлакатлар ҳисобланган Эстония, Венгрия, Словакия, Хорватия кабиларда бундай филиалларни минглаб учратиш мумкин [7].

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига қараб қонуний база такомиллашиб бормоқда, миллий корхоналарнинг мустақамланиши, иқтисодий муносабатларнинг либераллашуви бўлса, хорижий капитални тартибга солиш соҳасида доимий равишда ижобий силжишларга олиб келмоқда. Хорижий тадбиркорлар учун қулайликлар яратиш, барқарорликни кафолатлаш, шунингдек, ишончнинг ортиши ўз ижобий натижаларини бера бошлади. Агар, 2001 йилда хорижий капитал иштирокидаги 1795 та корхонадан фақат 83 тасигина 100% лик хорижий капиталга эга корхоналар бўлган бўлса (4,6%), 2010 йилда 4057 та корхонадан 1513 таси ёки (37,3%), 2016 йилда 4.2 мингтадан кўпроқ хорижий корхоналарни ташкил этди [3].

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимиз фонд бозорида қуйидаги муваффақиятларга эришилди:

- ❖ қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасида 115 дан ортиқ меъёри-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди;

- ❖ 30 мингдан ортиқ давлат корхоналари хусусийлаштирилди ва уларнинг базасида 1300 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатмоқда;

- ❖ ушбу акциядорлик жамиятлари томонидан 9,5 трлн.сўмдан ортиқ номинал қийматдаги акциялар муомалага чиқарилган;

- ❖ бугунги кунда Республикада 140 дан ортиқ инвестиция институтлари фаолият кўрсатмоқда, савдо ташкилотчилари ва брокерлик компанияларининг тизими ҳамда икки босқичли депозитарий яратилди [7].

Мамлакатимизда фонд бозорини жаҳон талаблари асосида ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

❖ бозордаги профессионал фаолият имкониятлари кенгайиб бормоқда (масалан, фонд бозоридagi фаолиятни бошқа фаолият турлари билан бирга олиб боришга бўлган аввалги чекловлар бекор қилинди);

❖ инвесторлар, эмитентлар ва фонд бозорининг профессионал иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича чоратадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда;

